

Поён
Равшанов



Оксарой тариҳи

ИМПАСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 821.522.133-1

КБК: 84 (5Ў)6

P - 13

Равшанов, Поен

Оқсарой тарихи / П.Равшанов. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 172 б.

Оқсарой қасри Соҳибқирон Амир Темур ҳазратла-ри барпо эттирган улуғвор, мұхташам, тенгсиз меъмо-рий обидадир. Кудратли давлатнинг захира маъмурий-бошқарув биноси тариқасида 1380 –1396 йилларда қу-рилган кошона кечмиши ҳайратомуздир. Неча асрлар-га гувоҳ бўлиб турган Оқсарой қандай вайроналикка юз тутган? Сир-синоатлар, сабаблар, оқибатлар, мушоҳада-лар кўп. Бу ҳақда қанча нақлар, афсоналар тўқилган, ҳақиқат уруғлари улар тагида кўкламай қолиб кетган.

Ушбу тадқиқномада тарихий манбалар шаҳодати асо-сида мозий издиҳомлари, оғриқ нуқталари қатори, ечимга келиш имкониятлари ҳам қаламга олинади. Оқсаройнинг миллатимиз фурури сифатида қадр топиши мустақиллик руҳи билан узвий боғланганлиги ифода этилади.

Асар тарихимиз мухлисларига, тадқиқотчиларга, та-лаба ёшларга мўлжалланган.

УЎК: 821.522.133-1

КБК: 84 (5Ў)6

Тақризчилар:

Баҳодир МАМАДИЕВ,
Қашқадарё вилоят Ўлкани ўрганиш
музейи директори

Наби ХУШВАҚТОВ,
Шаҳрисабз •Амир Темур моддий маданият тарихи
музейи• директори, тарих фанлари номзоди

*Соҳибқирон Амир Темур ва
Оқсаройга чуқур таъзим билан!*

МУАЛЛИФДАН

Юртимизда қадимий обидалар кўп. Ўзбекистонни қўргонлар, қалъалар, ҳисорлар, работлар, шаҳристонлар, қасрлар, кўшклар, саройлар хазинаси дейиш жоиз бўлади. Қадимшунос олимлар ёдгорликларни, осори атиқаларни излаб топиш, тадқиқ этишда тиним билмайдилар. Шунга қарамай, диёримизнинг талай минтақаларида қўл тегмаган мозий шаҳодатлари мавжуд, вакъти келиб, улар тимсолида тарих тилга кириши тайин.

Кунда бўлмаса ҳам, куноша кўриб юрадиганимиз обидаларни, уларнинг пайдо бўлиш тарихини, бизнинг давримизга қадар босиб ўтган кечмиш йўлини обдан ўйлаб кўрганмизми? Йўқ, бунга унчалик одатланмаганмиз. Аслида шундай удум, малака бўлиши панд бермайди.

«Шахрисабз тарихи»да Оқсаройни муҳташам меъморий обидалардан бири сифатида тарихини умумий тарзда ёритганман. Агар китоб нашр этилган 2011 йилда Оқсарой тадқиқига ҳозирги масъулият билан киришганимда, «Шахрисабз тарихи» аниқ икки жилдли асар бўлар эди.

Оқсарой Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳаётлигига барпо этилган энг салобатли, энг ҳашаматли, осмонўпар маъмурий-бошқарув биноси сифатида қурилган эди. Шарқ меъморчилигининг энг ноёб жиҳатлари билан Мовароуннаҳр муҳандислари топқирлиги уйгунашган сарой биноси, айтиш мумкинки, улуғворлиги, ички-ташқи безатилиши, деворий ёзувлари – китобалари билан жаҳонда ягона эди.

Шаҳрисабзда олд томони шимолга – Самарқандга қараб қурилган Оқсарой ҳақида кейинги асрларда ҳам кўп гапирилган, ҳам жим ўтилган. Бунинг сабаблари сиёсий ақидаларга кўпроқ тақалади. Оқсарой тарихини мукаммал тиклаш мушкул. Амир Темур ҳазратлари Оқсаройда неча марта бўлган, унда бирон кун яшаганми, деган ҳақли саволлар бўлиши табиий. Бунинг жавоби тўғрисида эса асло бошқотириб кўрмаганмиз.

Китобхонни жалб этадиган, ечим излайдиган яна бир муҳим қирра, фикримча, Оқсаройнинг қачон ва қандай вайронга ҳолига келганилиги муаммосидир. Мустабид тузум даврида нашр этилган манбаларда Оқсаройнинг қулаши 200 йил муқаддам (бу фикр 1974–1976 йилларда айтилган эди) содир бўлганлиги карамот қилинганди. Бу 1775 йил нари-бериси, деган гап. Унга ишониладиган бўлса, ўша даврдаёқ, яъни XVIII асрнинг иккинчи ярмida Оқсарой нураб, хароба ҳолига келган ва ундан бор-йўғи пештоқнинг икки олд ён томони

устунлари қолган бўлади. Манбаларни син-чиклаб ўрганиш эса бу хulosанинг ҳақиқий ҳолатни хаспўшлаш ва фикрларни чалғитишини кўзлаб айтилганидан далолат беради.

Мустабид тузум адабиётида Оқсаройнинг вайрон этилиши Абдуллахон II даврига (1533–1598) тақаб қўйилган, асосий вайронагар сифатида у айблаб келинганди. Тарихий манбаларни мутолаа қилишдан йироқ ўқувчилар, нафақат улар, баъзи илмий ходимлар ҳам «авторитетлар» бир бора айтиб қўйган ҳукмнамо қарашлар асири бўлишдан, айтилганларни такрорлашдан ўзга имконга эга бўлолмасди. Эндиликда масалага ойдинлик киритувчи қанча тарихий манбалар нашр этилди. Булар айни вақтда Оқсарой тарихига ҳам йўл очди.

Оқсарой ҳақидаги ҳақиқатни билишга интилиш халқимиз тарихи изчил ўрганилаётганлиги самарасидир. Илм-фан олдида ўзбек халқи ўтмишида муҳим ўрин тутадиган қанча тамаддун манбалари мавжудки, уларни навбатма-навбат ўрганиш, ёритиш масъулияти турганлигини унтиб бўлмайди. Ушбу тадқиқий қисса бу йўлдаги уринишлардан бири сифатида қабул этилишини истардим.

Мустақиллик шарофатидан ҳозирда Шаҳри-сабзда, Оқсарой теграсида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда – 82 га. ер обод қилинмоқда, сайргоҳ, боғ-роғ, бўстон яратилмоқда. Оқсарой Соҳибқирон учун нақадар аҳамиятли, қимматли маъмурий-бошқарув иншооти бўлганлиги, унга давлат мавқеи

нүқтаи назаридан қарапланлигини қайд этиш ўринли. Оқсарой олдида, хушманзара хиёбонларда Амир Темур ҳазратларининг Оқсаройга бўлган меҳри ва муносабатини ифода этадиган, тарихий далилларга асосланган лавҳалар кўйиш зарурати бор. Бу Оқсаройнинг бугунги ва келажак шукуҳини янада оширишга хизмат қилади.

ОҚСАРОЙ МЕҲРИГИЁСИ

Мозий сари елиб бораётган Вақтнинг мангу толиқиши билмас тулпори борган сари бизни улуф аждодлардан, уларнинг хайрли ишларидан узоқлаштироқда. Миллат борки, замину замонда мустаҳкам экан, ота-боболари асрлар давомида яратган қадриятларга содик қолади. Тарих холис ва ҳалол, донишманд қиссангўй. Асорат, истибоднинг маҳзун ва уқубатли йиллари у бошдан ўтказган оғир кечмиш. Озодлик насимидан бағрига ҳаловат етган эл мустабидлар топтаган қадриятларни қадамбақадам тикилаш тадоригини кўради. Тамомила тескари тарзда, мафкуравий қатағонга чулғатилган ўтмишимиз, буюк сиймолар, улкан тамаддун мустақиллик йилларида теран ўрганилиб, яна ҳаётимизга қайтди. Вақтнинг тулпори тарихни, ўзбекнинг фахри, фурури бўлмиш, вақтида жаҳон сиёсатида, илм-фанида, маданиятида ҳайратомуз из қолдирган аждодлар шаънини қайтариб олиб келди, хайрли ишлари, меросларидан баҳраманд этди.

Мустабид тузум ҳукмронлиги даврида Туркестонни жаҳоннинг қудратли давлатлари даражасига кўттарган, ўзбекнинг бошини Осиё ва Оврупода сарбаланд қилган Соҳибқирон Амир Темур шахси ва фаолиятига адвоват, ҳасад коммунистик мафкуранинг тажовуз маслагига айлантирилган эди. Улуғ Соҳибқиронга нимаики даҳлдор бўлса, қизил жаҳолат уни қоралаш, лой чаплаш нишонига айлантирган эди. Бундан ҳатто унинг ва авлодлари даврида вужудга келган олийшаън иморатлар ҳам мустасно эмасди. Қизил салтанат ҳукм сурган 74 йил давомида улар гўёки оламда йўқдек эътиборсиз қолдирилди, ўтмишимизнинг ноёб обидалари сифатида таъмиру муҳофазадан йироқ тутиб келинди. Халқнинг закоси, Амир Темур ҳазратларининг иродаси билан қурилган, дунё меъморчилиги инжулари бўлган қасрлар, масжидлар, мадрасалар, саройлар, кўшклар тобора нураб борарди. Турли зиддиятли даврлардан эсономон чиқиб келган Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро ва бошқа шаҳарларимиздаги қалъалар, қасрлар аёвсиз равишда тўпга тутилди. Пролеткульт (йўқсиллар маданий-оқартув ташкилоти) оғзидан кўпик сочиб қутурган йилларда эса минглаб масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар ер билан яксон этилди. XX асрнинг 20-йилларига келиб, бу хуружлардан Оқсарой ҳам четда қолмади. Оқ ва қизил мустамлакачиларнинг тажовузи оқибатида йўқликка юз тутган ҳисорлар, қўргонлар,

муҳташам бинолар сон-саноқсиздир. Оқсарой емиргувчи Вақтни доғда қолдириб, беш ярим асрға яқын қаддини ростлаб, XX асрға қадам қўйган эди. Унга тош отган истибод замони бўлди.

Муаррих «Ер юзида биронта ҳашамат саройи бошини осмонга кўтартмаганки, фано зилзиласидан бузилмаган бўлсин, қайси сарв бақо чаманида бош кўтартганки, уни ҳодисаларнинг тез юрар шамоли ҳалокат тупроғига йикмаган бўлсин», деб бежиз айтмаган. Унда фонийлик ва воқеаларнинг таъсироти эътиборга олинган. Атрофда мисол қанчалик кўп бўлмасин, узокқа бормайлик, ўзимизнинг Соҳибқирон куч устида эканлигига ёқ вайрон этилган Занжирсаройни, XVI асрдан бошлаб бирин-кетин қулатилган, яксон этилган Кўксарой, Бўстонсарой, Боги Дилкушо ва ўнлаб сўлим гўшаларда барпо этилган кошоналарни эсга олиш кифоядир. Ҳафизазда уларнинг бир вақтлар гуллаб-яшнаганлиги, юртнинг меъморий гултожи бўлганликлари тасаввури ва номларигина қолди, холос. «Фано зилзилалари» ва ҳодисаларнинг «тез юрар шамоли» бўлмаганда борми, бугунги авлодлар ҳам яшил водий – Шаҳрисабзнинг уммондек мовий кенгликларида лангар ташлаган улуғвор оқ кемани – Оқсаройни бус-бутун ҳолда кўриш бахтига мұяссар бўлардилар. Таассуфки, эндиликда унинг бир вақтлар кенгликлар оша уфқларга мағрур қад керган кўксидан икки узв ҳолди. Шу ҳолида ҳам Оқсарой хайрли масъулиятни

зиммага олгандай туюлади менга. Авлодларни бефарқ бўлмасликка, аждодлар қолдирган меросни кўз қорачигидай сақлашга наъра тортаётгандек у. Бу наърада чукур мантиқ ва маҳзун тарих мужассам.

XIX аср ўрталари – XX аср бошларига келиб, Туркистонда кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган ҳодисалар рўй берди. Замину замонни истибдод оташгоҳи ўз гирдобига тортди. Ўзбек халқи **Россия империяси** ва советлар зўравонлигидан қанча азоб-укубат тортган бўлса, мозийдан келган мумтозликлар – меъморий мажмуалар, обидалар, зиёратгоҳлар, бадиият ва санъат асарлари йўқликка маҳкум этилди. Миллат ифтихори бўлган Оқсанойнинг лоши қолди. Бу ҳолда табиийлик, «фано зилзиласи» қусурга йўл қўйганми ёхуд ёвуз қўл ҳамласи емирганми, қабилидаги сўроқ кўпдан жавобини кутади.

Аслидаку, бундай саволга сиёсий найрангларга, хаспўшлашларга устомон Қизил салтанат йилларида, қирқ йилча оддин жавоб ҳозирланган эди. Унга ишонилдими ёинки шубҳалар пайдо бўлдими, бирор акс-садо эшитилмади. Бу борадаги сукунатда мантиқ бўлса-да, яъни шубҳага асос кўринса-да, ёпиглик қозон ёпиглигича қолаверади. Ҳозирда ҳам шу даъво – Оқсаной 200 йил бурун (1976 йилда айтилган) вайрон бўлган эди, деган қараш жимгина, бир четда яшаб келяпти. Кимдир унга тарафдор ҳам. Тагини суриштириб келсангиз, хуносанинг ҳеч бир исботу далилсиз, илмий

жиҳатдан асоссиз айтилганлиги ошкор бўлиб қолади. Асоссиз илмий холосаларга овуниш, тарихимизга юзаки ёндашиш, Қизил мафкура аршинига мослаб, маънавиятимизга тубдан заарар етказадиган фикрларга кўниши муттасил давом этганди. Бефарқлик, лоқайдлик ёқамиздан бўғиб олганди. Мустабид зўравоннинг метин кўлинини ёқдан силтаб ташлаш осон кўчмади.

Мустақиллик қарор топди.

Мустақилликнинг илк айёмидан ўтмишга, тарихга бемисл эътибор қаратилди. «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ»лиги теран англаб етилди. Халқ тақдирни ва давлат аҳамиятига молик бу хил даъватлар мудроқ тафаккурларни уйғотиб юборди. Оқсарой ва унинг ўзбек давлатчилигига тутган ўрни, эришилган таъмадуннинг юксак нуқталаридан бири эканлиги, ҳасби ҳоли – тарихи қизиқишилар доирасини кенгайтириб юборди.

Оқсарой ва унинг кечмиши тўгрисида нималарни биламиз? Йирик олимлар томонидан йўл-йўлакай айтилган, қадимшунослар меъморий мажмуанинг маҳобатини таърифлашга интилган тавсифлар яхши маълум. Оқсаройни бутлигида ўз кўзи билан кўрганлар талқинлари ҳам эндиликда катта қизиқишиларга сабаб бўлмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг, Руи Гонсалес де Клавихонинг Амир Темур ҳазратлари Шаҳрисабзда қурдирган муazzзам маъмурий сарой ҳақидаги ёзиб

қолдирган хотиралари хориж мамлакатларида XV аср бошларидан буён ҳайрат сабаблари бўлиб келган.

Соҳибқирон Амир Темур тарихларида, ҳали Оқсаройнинг осмонўпар гумбазу кунгирала-рида нур жилоланиб турган асрларда битил-ган асарларда Оқсарой тавсифлари берилади. Шаҳрисабз меъморий мўъжизаси ҳақида, аф-суски, ҳамма китобларни кўздан кечириш им-кони бўлмаган. Россия империяси, Мирзо Абдул Азим Сомийнинг «Тарихи салотини Мангития доруссалтана Бухорои шариф» (ҳ. 1324 – м. 1906) асарида қайд этилганидек, Шаҳрисабз ва Китобни эгаллаб, унинг идорасини Сай-йид Амир Музаффарга топширади. Муаррих мазкур босқинни ҳижрий 1290 (1873–1874) йилда содир бўлган, деб ёзади. Тарихан олганда икки шаҳар истилоси ҳижрий 1288 (1870) йилда амалга оширилади. Муҳими шундаки, муаррих эътирофига кўра, «насронийлар қўшини дастлаб Китобга кириб, уч соат ичидагуни эгалладилар. Сўнг эса, Шаҳрисабзга етиб, катта қаршиликка дуч келмай, уни босиб олдилилар ва таладилар. Бобобекбий ва Жўрабекбий Кўқонга, Худоёрхондан бошпана излаб қочдилар».

1870 йилнинг 31 августида генерал-майор Абрамовнинг Туркистон ҳарбий округи қўмон-донинга ёзган маълумотномасида Шаҳрисабз ва Китобни истило қилиш кундалиги акс этган. Унда жангга сафарбар этилган ҳарбий кучлар, қўшимча равишда олиб келинган Оренбург

ва Сибирь казаклар полклари, түплар, ракета отув мосламалари сонма-сон санаб ўтилган. Қуроллар орасида тоғдаги жангларда ишлатиладиган түплар ҳам бўлган. Буни «Шаҳрисабз тарихи» (2011) китобимда манбалар асосида келтириб ўтганман.

Генерал Абрамов тиш-тирноғи билан қуролланган рус армиясининг катта талафотлар етказганини тан олгани ҳолда, қўпорувчилик хатти-ҳаракатларини хаспўшлаб кетади. Узоқни ўйлаб ёзилган бу «ғалаба рапорти»да Оқсаройга қандай зарап етказилганлигини тилга олиш у ёқда турсин, балки «аҳолининг шаҳардан З чақиримча берида мени (яъни, Абрамовни – П.Р.) нон-туз билан қарши олганлиги» нописандлик билан айтилади.

Бу сўзларни нега келтиряпман? Вақтида Бухоро хонлигига бўлажак мустамлака сифатида катта қизиқиш билан қараган Н.А. Маев Шаҳрисабзга босқин излари совимай туриб келган эди. У Оқсаройни кўздан кечиради ва кўрганларини «Бухоро хонлиги очерклари» (1875) китобига киритиб, шундай деб ёзади:

«Темурнинг муҳташам саройи. Ҳозир Оқсарой шу давр Бухоронинг барча бинолари сингари вайронга ҳолда кўзга ташланади. Шу харобалик ҳолида ҳам у ҳали ҳамон беназир гўзаллиги билан ақдни шоширади. Жанубий тарафдан бинони безаб турган гумбаз излари яққол билиниб туради. Бу гумбаз ҳозирда қулаб тушган, бинобарин, ундан кошинлар ва ёзувлар билан нақшланган икки юксак де-вор қолган холос».

Мұхаммад Ҳаким Тўра Шаҳрисабзда 1843 йилнинг ёзида «Мунтахаб ат-таворих» номли машхур китобини тамомлайди. Асарда Оқса-ройнинг фаолият устида бўлганлиги, Шаҳри-сабз ҳокимлари қароргоҳи эканлиги, мұхим сиёсий воқеалар Оқсаройда нишонланганли-ги, амалга оширилганлиги бир неча бор қайд этилади. Мұхаммад Ҳаким Тўра Шаҳрисабз ҳокимлигини қўлга киритмоқчи бўлган «бир кунлик ҳоким Абдулкарим мирохўрнинг Оқса-ройга кириб, ҳукумат ўриндигига ёнбошлига-нини» таъкидлаб ёзади. Бу иқтибосда (воқеа ҳижрий 1258 йил зулқаъда ойининг йигирма олтисида, жума куни – 1842 йил 30 январида рўй беради) дикқатга лойик жиҳат Оқсарой ҳукумат (ҳокимлик) қароргоҳи бўлиб турган-лиги тасдифидадир. «Ҳукумат ўриндиги»нинг Оқсаройда қай тартибда режалаштирилган-лиги эса Захириддин Мұхаммад Бобур ва Руи Гонсалес де Клавихолар томонидан уқтириб ўтилган. Оқсарой қароргоҳи – шундай данғиллама девонхоналари, айвонлари, йифин залла-ри, яшаш жойлари, хўжалик тизими хужрала-ри ниҳоятда кўп бўлган бошқарув-маъмурий, сиёсий марказ ва ҳокимнинг истиқомат ман-зили бўлиб турган қаср бошдан-оёқ жиҳозлан-ган бўлган. Н. А. Маев келганидан чорак аср муқаддам шундай тароватга эга Оқсарой аср-ларга бардош берибди-ю, 25 – 30 йилга тоқат қила олмай, гумбази қулаб, вайрон ҳолига ке-либди-да. Аттанг, аттанг. Ёки рус корчалони ошириб юбордимикан? Шундай деб ўйлайман.

Гумбаз Н.А. Маев Оқсаройга келганида, 1870 йил августидан кейин генерал Абрамовнинг тоғ жанглари учун маҳсус келтирилган оғир тўпларидан жароҳат олганлиги ёинки қалъа деворларига берилган зарбалардан – сунъий зилзилалардан дарз кетган 22,5 м.лик гумбазнинг баъзи қисмлари нураган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли ҳам Н.А. Маев «гумбаз излари яққол билиниб туради» («гумбаздан из қолмаган» демайди) дея таъкидлайди.

Шаҳрисабзда 1914 йилга қадар ҳоким бўлган Мирзо Салимбек Оқсаройнинг XX аср бошларидағи ҳолати ва мавқеини «Салимий тарихи» асарида аниқ-тиниқ зикр этади. Унинг шаҳодат беришича, Бухоронинг сўнгги амири Сайид Муҳаммад Олимхон 1913 йилда Шаҳрисабзда бир неча кунни ўтказган. Бу ҳақда «Тарихи Салимий»да шундай дейилади:

«Жаноби олийлари Шаҳрисабзда олти кун, Китобда тўрт кун бўладилар. Зоти олийларини биринчи кун оқшом Шаҳрисабздан тўрт фарсанг нарида жойлашган Қоракўзи чорбогида ўрнаштиридим. Эртаси куни у Шаҳрисабзга келди ва Оқсаройни – бахтли Амир Темур Кўрагоннинг (Аллоҳ қабрини нурдан тўлдирсинг, охиратини обод қиласин) қароргоҳини кўздан кечирди. Мен, Амир хизматкорлари орасида энг кичиги, одамлар тизилишиб турган қатордан то Оқсарой қасрининг улуғвор дарвазасига қадар қадри баланд ва эҳтиромли подшоҳнинг оёқдари остига беш минг Бухоро тангаларини сочиб бордим. Дарвозадан

то Темур саройидаги таҳтгоҳгача муборак қадамлари остига икки юз Бухоро тиллосини сочдим. Барча табаа ва аҳоли пулларни териб олдилар, бағоят мамнун бўлишиб, олижаноб амирни тинмай дуо қилдилар».

Мирза Салимбек Шахрисабзга Сайийд Амир Олимхон ташриф буюрганда бу бекликда уч йил ҳоким вазифасида ишлаган, ҳокимлик-нинг маъмурий таркиби, ҳоким ва оиласининг истиқомат жойи Оқсарой мажмуасида жойлашган эди. Келтирилган иқтибосдан маълум бўладики, Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтгани – Темурбекнинг «ўзига девон ўлтуур учун бир улуф пештоқ», яъни шоҳона таҳтонаси барпо этганлиги ўз тасдифини топади. Тасдигигина эмас, 1913 йилда ҳам Соҳибқирон таҳтгоҳидан беклик ҳокимиияти, аниқроғи, ҳоким фойдаланишда бардавом эканлиги ҳам событ бўлади.

Одамзод ақли ва қўли билан яратиладиган жамики нарса борки, инсон тақдиридан илгу олади, ўз таржимаи ҳоли, босиб ўтган йўли бўлади. Оқсарой қасри бунинг ёрқин мисоли. Уни ҳар гал кўрганимда улуф аждодлар билан юзма-юз келгандай бўламан. Улар билан суҳбат қургим, бор ҳақиқатни билиб олгим кела-ди. Аждодлардан эса мерос бўлиб қолган обидалар улар умрини, тақдирини давом эттиргандек. Шу сабаб, уларни қалбимга жойлайман, соғинч ҳиссини туяман. Оқсарой меҳригиёси мулоҳазалар ила йўлга бошлади, қўлга қалам тутқазди.

ҚАДИМ ВА ХАЙРЛИ НОМ

«Оқсарой» атамаси қадимийлиги ва катта ҳудудларга ёйилғанлиги, күпгина элу элатлар учун муштараклиги билан эътиборни тортади. Туркйча «оқ» ва «сарой» сўзлари бирикувидан аниқ маъно касб этиб уйғунлашуви узоқ асрлар давомида истилоҳнинг яшовчанлигига сабаб бўлди. Неча асрлар мукаддам поклик, улуғворлик ташиши ният қилинган ашёларга, дарёларга, ерларга, биноларга, ҳатто бутун бошли шаҳарларга, маҳаллаларга, қавмларга «Оқсарой» номи берилган. Бу удум бизнинг давримизда ҳам амалда.

Ранглар камалагида оқнинг ўрни бўлакча. Кундуз ва кеча, ойдинлик ва қоронфилик фарқланган замонлардан буён оқ ва қоранинг тафовутига илоҳий тус бериш ҳоллари онгга сингиб кетган. Оқликда беғуборлик, улуғлик, буюклиқ, барокат, осудалик, донишмандлик сингари эзгу тушунчалар жамланган, деб қаралган. Рангларнинг ҳаммасида ҳам рамзлар бўлган ва эътиқоднинг мантифи шундан келиб чиққан. Ислом оламида яшиллик мангур барҳаётлик ишорати бўлса, қизил ранг жанговарликни ифодалаган. Қизил нурлар таратган Миррих сайёрасини айрим халқлар уруш худосига менгзаганлар. Динидан, тилидан қатъи назар, Шарқ мамлакатларида, мўғул ва туркй халқларда, овруполикларда сиёсий, ижтимоий, диний, дунёвий мақсадларда ном беришда энг аввало сифатловчи «оқ» сўзига мурожаат қилинган. «Оқ» сўзи «суяқ»ка қўшилса

– оқсуяк, оддий фуқаролардан, «қорачалар»-дан имтиёзли тоифа – саййидлар тушунилган. Сафарга отланаётган яқинларга «оқ йўл» ти-ланган. Жамоада обрўли киши «оқсоқол» деб аталган. Гўштнинг сара жойи оқ (думба), сут маҳсулотларининг жами «оқ» дейилган. Ноҳақ тухматга чалиниб, озод бўлган кишини элимиз «оқланди», деб суюнган. Энди ана шу «оқданди» сўзи уй деворларига оҳак суртиб чиқилганда ишлатилса, «уй оқланди» – янги тус олди маъносини англатади. Тилимизда «оқ» сўзи сифатловчи, аниқдовчи бўлиб келган, ижобий маънони кучайтирадиган истилоҳдар сони юздан ошса ошадики, кам эмас. Шу билан бирга, «оқарди» (тери касаллиги), «оқ қилди» (ота қарфиши), «оқёл» (қариб қўйилмаган), «оқ ем» (кўлнинг қавариши) сингари салбий маъно берадиган бирикма сўзлар ҳам шеваларда учраб туради.

«Оқ» сўзи этимологиясини ҳали бирон-бир олим меъёрига етказиб тушунтириб бера олган эмас. Туркий тилларда кенг истеъмолда бўлган бу лўнда, ихчам сўз сув билан боғлиқ ҳолда оммавийлашган бўлиши мумкин. Ерларга сув оқса – ҳосил бўлади, ёмғир ёғиб, экин-ти-киналарга оқса – ризқу рўз кўпаяди. Дарё суви ҳам, ёмғир ҳам оқ. Кундуз ёруғлиги, сувнинг оқлиги «оқ» сўзига берилган нисбатнинг ижобий хилма-хиллигига замин ҳозирлаган бўлса не ажаб?!

Элу жалқ «оқ» сўзига ихлос боғлаб, уни арзитганида, беклар амиплар полшохлан ҳам

бу сўзнинг илоҳийлигига (туркийлар бежизга сувга сифинмаганлар) тан бериб, иморатлари-га, саройларига, кўшку қасрларига уни қўшиб ишлатадилар. Оқсаройлар, Кўксаройлар пайдо бўла бошлади.

«Сарой» сўзининг мансублиги ҳақида тилшуносларда икки хил қарашиб бор. Жумладан, «сарой – кўргина туркий халқларга хос этномим. Туркий ва мўфул тилларига хос товуш ва морфем тузилишда. Этимологияси аниқланмаган», фикр-мулоҳазаси мушоҳадага даъват этади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (2-жилд, 1981) китобида бу сўз форс тилига алоқадор эканлиги кўрсатилади. «Сарой» сўзининг кўпдан-кўп маънолари қаторида, унинг 92 туркий уруғлардан бирининг номи эканлиги, қолаверса, туркийларда кенг истеъмолдадиги ҳам биринчи қарашнинг инобатлилик даражасини кўрсатади. Нафсиамрини айтганда, жаҳон тилларида бир-биридан ўзлаштирилган, «ўзиники» бўлиб кетган сўзлар ҳисобсиз. Гап бу ҳақда эмас. Луғат ва қомусларда «сарой» сўзига қамровли изоҳлар берилади. Сўзнинг маъно ташиш доираси кенглиги эътиборга лойиқ. Сарой хон, амир, подшоҳларнинг доимий истиқоматгоҳи ва қароргоҳи бўлиб хизмат қилган ҳашаматли катта бино, кошона, деб таърифланади. Айни вақтда, муҳташам иморат ва унинг ҳовлиси, карвонлар ва савдогарлар тунаидиган меҳмонхоналар, ҳовли ва отхонали жой, карвонсаройлар, кейинги даврларда омборхона, трактор ва ав-

томашиналар сақланадиган жойлар ҳам атала бошлаган.

Милодгача бўлган III минг йилликда Мисрда подшолар ўз хонадонлари учун сароймонанд бинолар, серҳашам ибодатхона саройлари қуришга интилганлар. Эрон, Хитой (император саройи), араб мамлакатлари, Оврупода, Японияда ҳам ҳайбатли кошоналар – қасрий мажмуалар қадимдан таомилда бўлган. Давлат бошқаруви амалга ошириладиган саройларнинг катта жойни эгаллаган ички ҳовлилари, кутубхоналари, хўжалик хизмати, мудофаа тизими хоналари, мол-ашё сақланадиган омборлари, анжуман, қабул заллари қасрнинг бир бутунлигини таъминлаган.

Юртимизда қалъалар, қўргонлар ва хонлар қасрини барпо этишда қадимдан катта тажриба тўпланган. Ўзбек қадимшунослари бу ҳақда талайгина асарлар яратганлар. Тупроққалъадаги қаср – саройнинг маҳобатини унинг вақтида 300 га яқин хоналари, улкан заллари, қабулхоналари ва хазинахоналари бўлганлигидан ҳам тасаввур қилса бўлади. Саройлар кўп иморат ва хоналарнигина эмас, қўргондаги асосий жойни ҳам банд этган. Шаҳар ичida қурилган сарой мажмуаси ҳам шундай катта ҳудудни эгаллаб турган.

«Сарой (саро)» сўзи кўчма маънода, маъжозий моҳият касб этган ҳолда бадиий ижодиётда ҳам кўп ишлатилади. Масалан, «адаб саройи» дейилганда мактаб, «вужуд саройи» ҳақида гап кетганда, инсон жисми ифода

этилган. «Умид саройи», «фано саройи» ташбекларида (бундай ўхшатишли «сарой»лар яна анча) дунё кўзда тутилган. «Оқ» ва «сарой» сўзлари иттифоқи қанчалик маъно ва ифодалаш имкониятига эга эканлигини келтирилган шу мисоллар ҳам далолат этади.

Меъморий талқинданаги «сарой» истилоҳи ва унинг мустаҳкам ўрнашган кўриниши сиёсий-ижтимоий, мафкуравий йўналишда устувор аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан саройлар икки хил эҳтиёжга мўлжалланган ҳолда қурилган. Биринчи хил саройлар давлатни бошқариш марказий идора жойи бўлиб, маъмурий-сиёсий, мафкуравий вазифаларни амалга оширишга мўлжаллаб қурилган. Шу сабабли ҳам, бу хил саройлар қалъа, кўргон (шаҳар) ичida жойлашган. Сарой – қасрларнинг иккинчи тоифаси ҳисордан ташқарида, шаҳар четларидаги сўлим гўшаларда солинган қароргоҳлар бўлиб, ён-атрофи боф-роғлар билан ўраб олинган. Подшоҳларнинг ҳордиқ ва ҳаловат макони бўлган ташқи саройларда ҳам қабул маросимлари, базмлар ўтказилишига мослаб қурилган катта хоналар бўлган.

Тарихий асарларда «Оқсарой» номли жойлар учраши тарихи анчайин қадимий. Ибн ал-Асирнинг «Ал-комил фи-т-тарих»ида (XIII аср) дастлаб шу атамага дуч келамиз. Амир Темур тарихларида Фиёсiddин Яздий, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззок Самарқандий Соҳибқирон Оқсаройи ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирганлар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған, Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий, Муҳаммад Солиҳ, Абдул Азим Сомий, Малеҳо Самарқандий, Мунис ва Огаҳий асарларида ҳам Оқсаной номи билан аталган дарёлар, мавзелар, ўланглар, қасрлар, биринчи галда Соҳибқирон Амир Темур бунёд этган муаззам қаср таърифу тавсифи келтирилади. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг Шаҳрисабз Оқсанойи хусусидаги битиклари қиммати алоҳида.

XVIII–XIX асрларда «Мунтахаб ат-таворих» (Ҳакимхон Тўра), Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома», Абдураҳмон Тоғеънинг «Абулфайзхон тарихи» сингари асарларида ҳам юртимиз тарихининг безаги бўлмиш Оқсаной ҳақида, унинг мазкур асрларда ҳам барҳаёт бўлиб турганлиги дараги берилади. XIX аср охири ва XX аср бошида Б.Н. Засипкин, В.В. Бартольд, Н.А. Маев, А.А. Кун, А.П. Хорошхин, кейинги даврларда Г. А. Пугаченкова, М.Е. Массон, С.К. Кабанов, Л.Ю. Маньковская, З.И. Усмонова, А.С. Сагдулаев, С.Б. Лунина, Н.И. Крашенинникова, Г.Я. Древсянская, Х.С. Султонов каби қадимшунослар Оқсаной обидаси ҳақида дикқатта лойик тадқиқотларни бажардилар.

В.В. Бартольд «Эроннинг тарихий-жуғрофий баёни» асарида Оқсаной дарёси водийсида Боғлан шаҳри борлигини, дарё «Оби Қундуз» деб ҳам юритилишини ёзади. Амир Темур

ҳазратлари Ҳиндистон юришида, 1398 йилнинг март-апрель ойларида Хулим, Саманган, Бофландаги Ҳавоқ қалъасини қайта тиклатган эди. Шубҳа йўқки, Оби Қундуз дарёсининг Оқсарой деб аталиши ҳам шу фатҳона сафар билан боғлиқ бўлган. В.В. Бартольд 1278 йил воқеалари, мўгуллар ва Кичик Осиёдаги вазият ҳақида ёзганида, бу ердаги Оқсарой қасри ва унинг талон этилганлиги ҳақида тўхталади.

Ҳиротда Абу Саъид ҳукм сурган (1459–1469) йилларда Ироқ дарвозаси ташқарисида Оқсарой қасри қурилган. Самарқандда узоқ муддат бўлган Абу Саъид Шаҳрисабзни, бобоси Амир Темур қурдирган Оқсаройни яхши эслаб қолган ва Ҳиротдаги қасрига безаклар беришда, ёзувлар нақшини солишда ундан ибрат олиши маъқул кўрган. Ҳиротдаги Оқсарой қасри ҳақида В.В. Бартольд «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» номли асарида сўз юритади.

«Туркистон сафари ҳисоботи»да (1920) В.В. Бартольд Самарқандда ҳам Оқсарой мавжудлиги тўғрисида бир фикр айтиб ўтади:

«Гўри Амир ёнида, бундан ташқари, матбуотда бу бинонинг дастлаб нимага мўлжалланганлиги ҳақидаги баҳсларга аниқлик киритиш мақсадида, бу бино ва унинг ёнида жойлашган Оқсарой даҳмасида қазувлар ўтказиш кўзда тутилганди». Самарқанддаги Оқсарой даҳмаси (Гўри Амир ёнида) хусусида бошқа манбаларда маълумотлар учрамайди.

Зажириддин Муҳаммад Бобур 1503–1504 йил воқеаларини ҳикоя қиласар экан, «Бобурно-

ма»да Озарбайжонда, Қорабоғ ёнида Оқсарой ўланги борлигини, шу ерда бир муддат бўлганлигини ёзади.

Хоразм воҳасида ҳам Оқсарой манзили ва қасри бўлган. Урганч ёнидаги бу жой ҳақида XVI аср шоири Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома» достонида (1510 йил) шундай сатрлар тизади:

*Келди шаҳзода Убайдий ҳушрой,
Айлади манзилини Оқсарой.*

Шайбонийзода Убайдуллахоннинг Хоразмга юриши, Оқсарой манзилида ҳужумга ҳозирлик кўриши достонда ёритиб берилади. Оқсаройнинг мавқеи Хоразмда сезиларли бўлганлиги Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол»ида шундай сатрларда берилади: «Оқсарой ва Мўзкўмган худудидаким, дор ас-салтана Ҳивакфа тахминан уч фарсаҳлиқ йўлдур», «Оқсарой устига (туркманлар) юруш қилди». Мунис ва Огаҳий Ҳивага З фарсаҳ жойда бўлган Оқсаройнинг катта худуд, қасри (қалъаси), кўли, тепаси (Оқсарой номида) борлигини ҳам қайд этганлар. Маълум бўладики, «оқсарой» номи фақат қасрларга берилибгина қолмай, юқорида кўрганимиз жой номларининг, ҳатто бутун бошли шаҳарларнинг шу сўз билан аталиши ҳам мумкин экан. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Туркияда Боязиднинг Моҳашаҳр ва Оқсарой шаҳарларини қўлга киритиш тафсилотлари берилади. Бу хилдаги қиёсий мисоллар шу билан хотима топмайди.

«Оқсарой» номининг жуғрофияси, тарқалиш доираси қатор мамлакатларни қамраши мазкур атаманинг аҳамиятини тасаввур этишга кифоядир.

Меъморчилик бобида аждодларимиз, айниқса, XIV – XV асрларда Амир Темур ва Темурийлар даврида эришилган буюк ютуқлар, бу соҳада асрлар давомида шакланган анъаналар Мустақил Ўзбекистонда муваффақият билан юксалтирилмоқда, улуғвор бинолар, қасрлар, саройлар, кошоналар қуриш жадал давом эттирилмоқда. Тошкентда 1999 йилда олти ойда қурилиб, фойдаланишга топширилган Оқсарой қароргоҳи мухташам замонавий меъморий иншоот ҳисобланади. Президент қароргоҳи 5460 кв.м майдонда бунёд этилган. Оқсаройда шинам мажлислар зали, дам олиш хоналари, хуллас, маъмурий-сиёсий, мафкуравий мезон асосида барпо этилган кўркам бинолар мажмуи саройларнинг шу хили учун хос бўлган барча қулайликларга эгадир. Муҳими, бино оппоқ бўлиб товланиб туради. Амир Темур даврида бўлганидек, Оқсарой атрофи фавворалар, манзарали дов-дараҳтлар ва гулзорлар уйғунлигида янада мұхташамлик касб этиб турибди.

ОҚСАРОЙГАЧА БҮЛГАН ЎН ИИЛ

XIV асрнинг 60-йиллари Амир Темур учун синовли кечган, унинг ягона мақсади юртни яхлит ва озод кўриш бўлган эди. Бу йўлдаги курашлар уни ватанпарварларнинг олдинги сафига олиб чиқди. Амир Ҳусайн Мовароуннаҳр бошқарувида калтабин ҳукмдор сифатида мамлакат тақдирини эмас, ўз нафсини ўйлаб иш тутиши оқибатида ҳамжиҳатлик кундан-кунга чок-чокидан сўкила борди. Туркистон мулкларида мӯгулларга қарши узоқ йиллардан буён давом этаётган кураш, омонат озодликнинг қўлга киритилиши, ўзаро ички низоларнинг авж олишига хайриҳоҳ ислом ўлкалари бефарқ эмас эди. Ҳусусан, Макка аҳолиси ҳам бегуноҳ мўмин-мусулмонларнинг асрлар давомида ғайридин Чингизхон авлодлари тасарруфида қолганлиги, истибдодга маҳкум этилганлигидан ташвишда эди. Шу боисдан, ёвуз ва қабиҳ душманга қарши кўтарилиган озодлик кураши, бунда, айниқса, Амир Темур шахсининг ажralиб, тарих саҳнасига чиқаётганлиги Каъбада ҳам мақбул кўрилади.

Туркистон диёрининг озодлигига энди Амир Ҳусайн асосий тўсиқ бўлиб қолганди. Уни орадан кўтариб ташлаш вақти-соати етган эди. Туркий амирлар, руҳонийлар якдиллик билан Амир Темурни қўллаб-қувватлаб, Амир Ҳусайн макон тутган Балхга қўшин тортишга ундейдилар. Амир Темур лашкари Термизга уч ёғочлик йўлдаги Бева деган манзилга тушганиларида, Макканинг шарифларидан бўлган

муртозаи аъзам Сайийид Барака ҳазратлари келиб, Амир Темурга салтанат аломатлари – рамзлари бўлган ноғора ва аламни (байроқ) топширади. Унинг юришига оқ фотиҳа беради. Сайийид Барака Макка шарифларининг туҳфасини тантанавор вазиятда инъом этади. Таниқди муаррих бу воқеага ёзган шарҳида «Макка шарифларининг Сайийид Барака орқали Амир Темурга ҳокимият белгилари бўлмиш туҳфани юборишлари унинг раҳнамо эканлигини ҳали мусулмон олами истилолар бошлинишидан анча олдин кўра олганликларидан гувоҳдик беради», дея бежизга айтмаган эди.

Амир Темур ҳазратлари сиёсий фаолияти шу тариқа ватанида ва хориждаги диёнатли уламолар томонидан маъқулланган ҳолда юксак поғонага кўтарилиш даврига қадам кўйган эди. Бу пайтда Соҳибқироннинг ёши 34 да эди. 771 ҳижрий йилнинг рамазон ойи ўн иккисида, чаҳоршанба кунида (1370 йил, 9 апрель) Туркистон ҳокимиятини кўлга киритиш баҳтига мұяссар бўлади. Амир Темур «давлат билан салтанат таҳтида ўлтурғонда адлу дод қилиб, халойиқ барча ҳурраму шод бўлуб, даҳр ичрағам оти йўқ бўлди».

Амир Темур ҳазратларига таҳт ноил бўлганда, биринчи қилган иши, давлат аъёnlарини ёнига олиб, Балхдан Кеш томонга от суради. Бутун аркони давлат – бўлажак вазирлар, олий мансаб соҳиблари, вилоят ҳокимлари, девон беклари, кўшин амирлари, ҳировуллар баҳор айни етилган кунларда Кешнинг Хуш-

миш ўтлоқзорида (дарё жилғаси бўйида, Тўда Майдон хушманзара жойлари) қўш ташлайди. Ҳамманинг жойи белгиланган, гулу чечакка бурканган дала чодирларга, ўтовларга тўлиб кетади.

Темурбек давлатининг вақтинчалик пойтахти Кешнинг ўт-ўланлар кўзни қамаштирадиган, бутун ён-атрофи боғу роғлар билан, викор солиб турган мовий тоғлар билан ўралган Хушмиш ўланги бўлиб, чодирли пойтахтда Давлатнинг маъмурий-бошқарув тизими икки ойдан буён қизғин иш олиб боради. Биринчи галда узоқ-яқин вилоятларда издан чиққан идора тизими йўлга кўйилади. Хизмати, садоқати, ақл-идрокига қараб, сафдошлар ўз мавқеларини эгаллайди. Маъмурий-бошқарув тизими пухта ўйланган, кўп бора муҳокама этилган, кейинчалик тузукларга асос бўлган йўриқлар айнан Кешда, Хушмиш даласида ишлаб чиқилган ва зудлик билан ҳаётга татбиқ этилган эди.

Пойтахтнинг қаерда қарор топиши мунозараларга сабаб бўлади. Бир қисм уламолар, беклар Кешни мақбул кўрадилар. Озчилик Самарқандни ёқлади, Бухоро ва Қарши ҳам тилга олинади. Ҳамманинг фикрини мулоим тинглаб ўтирган Амир Темур, ниҳоят, ўз қарорини ётиғи билан тушунтиришга киришади: «Муazzам давлат пойтахти бўлурға Кеш шаҳри муносибдур, оқар сувлари мўл, об-ҳавоси мўътадил, мулоимдур. Қадимдан бу гўшани улуғ саййидлар сарафroz айлаб, макон

қилиб келгандар, улуғ шаҳар бўлурга тағин сифатлари кўп. Беклар баъзилари ижтиоб ила Самарқандни демишлар. Бу мойилликда ҳикмат бордур, дея билурман. Самарқанд ва Кеш ота-бала шаҳардурлар. Унинг пойтахт бўлурга ҳақи кўпроқдур. Ўғил етилиб, ота ўрнини бошиши тайин. Искандар Моқидунийни кўрган шаҳар, мўғуллар жабрини ҳаммадан кўра узоқ тортган Самарқанд бундан буён Мулки Турон безаги бўлғусидур».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шу тарихий қарордан бир ярим аср ўтгач, бу ҳақда «баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешидин учун, шаҳр ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимомлар қилди», деган эди. Давлат жилови қўлга текканда, мамлакатининг узоқ- яқин вилоятлари учун ўрталиқ ва қулай бўлган Самарқандни эмас, Шаҳрисабзни марказий шаҳарга айлантириш ҳеч гап эмасди. Чунки ўша вақтда давлат манфаатидан келиб чиқиб, бир тўхтамга келиш фақатгина Амир Темурнинг қўлидан келарди. Ҳамма жиҳатлар тарози паллаларига қўйилганда, Самарқанднинг мавқеи босимроқ эканлиги аниқ бўларди. Самарқандни Шарқда ҳам, Фарбда ҳам танирдилар. Темурбекдек узоқни кўзлаган халоскор ҳукмдор учун у ҳар жиҳатдан муносиб эди. Давлат ойинини яхши билган Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1370 -йилда буюк бобокалони Амир Темур қабул қилган ечимни маъқуллайди ва бу ҳақда,

«чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмокқа (пойтакт – П.Р.) Самарқандча эмас эди, охир пойтакт учун Темурбек Самарқандни – ўқ ихтиёр қилди», дея қониқиши билан ёзади.

Шаҳрисабз ҳам ўн йил давом этган ички курашлар, босқинлар даврида талафотлар кўрган. Самарқанднинг эса Темурбек давлатининг пойтакти сифатида танланган йилларида кўп бинолари, мавзелари хароб ҳолига келиб қолган эди. Муаррих Шарафиддин Али Яздий ҳақ гапни айтганидек, «мундин бурун ул шаҳарга кўб жафо тегиб эрди ва хароб бўлуб эрди. Ҳазрат Соҳибқироннинг давлатидин андоқ бўлдиким, ер юзидағи шаҳарларнинг рашики бўлди ва оламда анинг овозаси тўлди».

Самарқандга 1370 йил жавзо ойи ўрталарида кўчиб ўрнашган Амир Темур аркони давлати ишни бу ерда ҳам, кўрамизки, чодирлардан бошлиган.

Салтанат бошқаруви Самарқандда ўрнашган куннинг эртасигаёқ қурилиш кўламини шу вақтгача кўрилмаган бир алфозда кенгайтириб юборади. Муаррихнинг қавлига кўра, Темурбек «ҳисору қалъа бино қилдуруди ва кўшклару қасрлар солдуруди. Ва ҳар бир бекни бир саркор устида муҳассил қўйди». Саркорлар – қурувчилар бошлиқлари. Уларнинг топшириқни уддалашини эса назоратга қўйилган беклар ҳисоб-китоб қилиб борган.

Амир Темур ҳазратлари Самарқандда давлат бошқарув маъмурий биноларини вужудга келтиради. Улар орасида Кўксарой алоҳида

ўрин тутади. Пойтахтда жадал қурилган, бунга қадар Самарқанд кечмишида бўлмаган ҳам ҳайбатли, ҳам муҳташам сарой тўрт қаватдан иборат салобати билан ҳайрат манбаи бўлади. Бу даврда «Темурбек солғон олий иморатлардан бири Кўксаройдурким, Самарқанд аркида воқеъ бўлубтур. Ажаб хосиятлиқ иморатдур». Кўксарой ҳақида Захириддин Муҳаммад Бобур бежад тўлқинланиб сўзлайди. Бобоси доруссалтанасида ёшлигида ҳам, кейинчалик XVI аср бошида ҳам бир неча бор бўлган Захириддин Муҳаммад Бобур данғиллама саройлардан, кўшклардан, қасрлардан, боғ-роглардан, иморатлардан ҳавасланади, улар тўғрисида ифтихор билан сўз юритади. «Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлик, Кўксаройфа мавсум ва машхур ва бисёр олий имораттур», дейди олдинги фикрларини янада тўлдириб. Муаррих Муиниддин Натанзий эса Соҳибқироннинг яшаш уйларига эътиборни қаратади. «Унинг (Амир Темурнинг – П.Р.) шариф зоти истиқомат қилмоғи учун бу ерда бир қатор уйлар бино қилишиди. Самарқанд қисқа фурсатда шунчалик гуллаб-яшнадики, олий жаннатга таъна қилиб, ер юзининг беҳиштига айланди. Шаҳарнинг теварак-атрофида ҳам кўркам боғлар ва дилкаш иморатлар бунёд этилди», деб ёзади у.

Давлатнинг эртанги кунига ишончи мустаҳкам бўлган, унинг сарҳадларини ҳар қандай ёғийлардан, кутилмаган босқинлардан муҳофаза қила оладиган раҳнамогина қурилиш-

ларга катта аҳамият қаратади. Хароба ҳолида қолиб келган Самарқандни, кимсан, Амир Темур пойтахти даражасида обод қилиш ҳазилакам иш эмасди. Моддий таъминот масаласи бир сира бўлса, мамлакат ичидаги сиёсий вазиятнинг тўлғамалари бир сира эди. Яқин хориж ҳам тинч эмас, пойлаш, имкон топди дегунча талаш, босқин қилиш талвасаси ҳукм суриб ётарди.

Амир Темур ҳазратлари Самарқандда – пойтахтида биринчи қилган иши қурултой ўтказиш бўлган эди. Бу, ҳозирги истеъмолдаги истилоҳдар билан айтиладиган бўлса, мамлакат ички ва ташки вазиятидан келиб чиқиб, амалга ошириладиган, ўта зарурий, давлат аҳамиятига молик ишларни муҳокама этишга бағишлиланган сиёсий анжуман эди. Анжуман Самарқандга келиб жойлашилгандан кейин ўша йили кузда чақирилган эди. Кўпи билан орада уч ой вақт ўтгандан кейин бўлиб ўтган қурултой аксар кўпчилик (99,9 %) Амир Темурни, унинг сиёсатини, давлат бошқарувига лаёқатини қўллаб-куvvатлашини тасдиқлайди. Фақат бир киши – Шибирғон ишониб топширилган Зиндаҳашамнинг тўнни тескари кийиб олганлиги мустасно, холос. Зиндаҳашам атрофида маълум кучлар бўлиб, уларга Амир Темурнинг давлат тепасига келиши ёкмаган эди.

Амир Темур ҳокимиятининг иккинчи йили (1371) Мўгулистондан ноҳуш хабарлар кела бошлайди. У жойда ҳокимиятни қўлга олган

Кебек Темур тарқоқ лашкарларни куч билан бирлаштириб, ўзини мисли Чингизхон ҳис қила бошлагани, энди Амир Темурнинг қадами Мўғулистонга етмайди, балки Кебек Темур жаҳонга машҳур бўлади, қабилидаги гап-сўзлар атайдан тарқатилади. Бу хилдаги ифволарга лоқайд қараб бўлмасди. Амир Темур масалага ойдинлик киритиш учун Мўғулистонга лашкар жўнатади.

Мўғулистонга, босқин хавфини кучайтира бораётган Кебек Темурга қарши қилинган биринчи юриш сулҳ билан якун топади. Амир Темур юборган лашкар бошлиқлари орасида ички ихтилофлар содир бўлиб, Кебек Темурни даф этиш режаси амалга ошмай қолади. Бу Соҳибқиронни қониқтирмайди, муаррих айтганидек, «бекларга сулҳ қиласон учун аччиқланди». Чунки эрта-индин мўғул хуружи муқаррар бўлиб, хавф бартараф этилмаган эди.

Амир Темур тарихини битган муаррихлар яқдил бўлиб, бир жиҳатни таъкидлайдиларки, «Хазрат Соҳибқироннинг ҳиммати ҳар ишгаким юз қўйса эрди, ул ишни тамом қилмағунча кўнгли тинмас эрди». Шу сабабли ҳам, беклари тузиб келган омонат сулҳдан (бу ён бериш деб қаралар эди – П.Р.) қониқмаган Амир Темур Мўғулистонга – Жета устига иккинчи қатла лашкар тортади. Оламга сифмай, мақтанишга устаси фаранг бўлган Кебек Темур Мовароуннаҳр сипоҳилари қорасини кўрибоқ тумтарақай қочишга тушади. Бу юришда, Муиниддин Натанзий айтганидек, «жуда кўп ўлжа-

лар ва саноқсиз бойликларни қўлга киритиб, орқага қайтишди. Душман тарафдан кўнгил тўла хотиржам бўлди».

Самарқандга қайтишда Амир Темурга суиқасд уюштирилади. Амир Ҳусайннинг 1370 йилга қадар Темурбекни йўқ қилиш учун қиласган ҳийлаю чоралари, Хизр Ясурийнинг бу йўлдаги уриниши вақтида чиппакка чиққанлиги ни яхши биламиз. 1371–1372 йиллар оралиғида юз берган бу суиқасд яна ўша – кечирилган Мусобек, Зиндаҳашам, Хизр Ясурийнинг ўғли Исҳоқ, Термиз хонзодаси, Шайх Абулайслар томонидан режалаштирилади. Қаро Сомон мавзесида, ов чоғида Амир Темурни бир ёқли қилишга аҳду паймон қилинади. Фитна фош бўлади. Мусобек Соҳибқирон билан қудалашган эди. Термиз хонзодаси саййидлардан эди. Шайх Абулайс тахтга яқин эди. Исҳоқнинг отаси Хизр Ясурий эса Амир Темурнинг бољалик дўсти амир Сайфуддиннинг хотинини укаси бўларди. Зиндаҳашам ҳам бегона эмас, Соҳибқироннинг курашдаги сафдошларидан бири ҳузорлик Ўлжайту Апардининг жияни бўларди. Амир Темур жонига қасдланганларни афв этади, биргина Зиндаҳашамга шафқат қилинмайди, у олдинги сафар берган онтига риоя қилмаган, душманликни, адоватни куҷайтирган эди.

Ҳокимият юритиш силлиқ кечиши амри маҳол эди. Узоқдан ва оёқ остидан чиқиб турган ваҳмнок тазийиклар, фитналар сиёсий ва шахсий сабабларга кўра, тор манфаатлардан

келиб чиқиб, ўз ҳаддига баҳо бера олмаслик оқибатида дастлабки пайтларда тез-тез нишлаб туради. Бундай қалтис шароитда Амир Темур ҳазратларига қанчалик қийин бўлганлигини бир тасаввур қилиб кўрайлик-а. Аввало, Мулки Туронга асрлар мобайнида танда қўйиб, қонини сўрган мўфул галаларини, мўфулпраст айирмачиларни, бошбошдоқ бекларни, амирларни ҳайдаб чиқариш, маҳаллийларининг бошини қовуштириш учун қанча йиллар кураш олиб боришга тўғри келади. Бу мақсад йўлида ҳатто соғлиғидан ажралади. Тахтга чиққанидан бир йил ўтар-ўтмас, бу шўрангизлар мамлакат равнақига жиҳдий ҳалал етказганлигини инкор қилиб бўлмасди. Амир Темурга суиқасд сабаб, бирор кор-ҳол бўлгудек бўлса, яна орқага қайтилар, Турон юрти парчаланиб кетар, майда ҳокимликлар, ўзаро талашлар, қирпичноқ бўлишлар авжига минарди. Мўгулистонда, Даشتி Қипчоқда пойлаб ётган адувлар кунни кеч қилмай, Мовароуннаҳрга қўшин тортган бўларди... Шукронаки, Туроннинг, аждодларимизнинг баҳтига Аллоҳ таоло ўша кунларни кўрсатмаган. Соҳибқиронни ўз паноҳида асраган.

Амир Темур иродасига қойил қолмай бўлмайди. У чинакамига шуурига қомусийликни жо қилган инсон ва ҳукмдор эди. Ички ва ташқи давлат муаммоларига бағрикенглик билан ёндашиш, тинч йўлни биринчи мақомга қўйиши, энг кескин масалаларни ҳам оқилона ҳал этиш, ўч, араз, адоват сақлаш синга-

ри майдаликлардан устун туриш Соҳибқирон обрўсини, бошқарув усули мавқеини кўтариб юборади ва мақбул қила боради. Амир Темур Мўгулистон хавфини бир ёқлик қилганидан сўнг, ободонлик ишлари кўламини кенгайтириш ҳақида ўйлади. Хазинанинг асосий захираси қўшин таъминотига сарфланарди. Бу, теварак-атрофда ҳали азалий ёвнинг оёқда турганлиги далини эътиборга оладиган бўлсак, тушунарли. Амир Темур ҳокимиятга келганида, унинг давлат чегаралари Чигатой улуси доирасида эди. Фақат Хоразмнинг шимолий қисми – Даشت Қипчоқ Ботухон авлоди таъсирида бўлиб, олиқ-солиқ ишларида Мовароуннаҳр ҳукуматига – Амир Темур салтанатига бўйсунмай кўйган, ўзича мустақил тожу тахт юритар эди. Мовароуннаҳрда 1346 йилдан то 1370 йилга қадар бўлган озодлик курашлари, ички низолар, бўлинниб кетишлар оқибатида Хоразмда Ҳусайн Сўфий ҳатто закот тушумларини ҳам топширишдан бош тортиб келарди. Давлатнинг молиявий аҳволини тафтиш қилиб, бу ҳақда бир холосага келган Амир Темур Ҳусайн Сўфий билан аввалги молиявий мувозанатни тиклаш кераклигига амин бўлади.

Мавлоно Шарафиддин Али Яздий бу хусусда фикр билдириб, шундай дейди: «Беш-олтийил эрдики, Кот ва Хевақ вилоятининг закотини Ҳусайн Сўфийким, Тўнгдай ўғли эрди ва ўмоғи қўнғирот эрди ва Хоразм вилоятида ҳоким эрди, закотдин ҳосил бўлғон йармоқ-

ни олур әрди. Ҳазратнинг (Амир Темурнинг – П.Р.) олий ҳиммати ул ҳолдин воқиғ бўлуб, Алфа Тавочини бир жамоат киши билан элчиликка Ҳусайн Сўфийга йибарди ва дедиким «Ҳевақ ва Кот закоти Чифатой улусига таалдуқ туур ва эйаси (эгаси) йўқ жиҳатидин сен олур эрдинг. Даҳл қилмағайсен ва бизга таалмуқ кишиға тобшурғайсенким, дўстлуқ аромизда бўлғай».

Хоразм элининг закот молидан мазахўрак бўлган Ҳусайн Сўфий шу вақтгача амалда бўлиб келган давлат ойинига риоя қилишни истамайди ва орада қарор топиши мумкин бўлган дўстликни ўйлаб ҳам кўрмай, «мен бу вилоятни қилич била олибмен, яна қилич билан мендин олғайлар», дея дағдағали жавобни беради.

Ҳусайн Сўфий Туркистон мамлакатининг янги Амирини баҳолашда калтабинликка йўл қўйиб, ортида турган кучга – Олтин Ўрдага (Жўжи улуси) орқа қилиб, оламга сифмайди. Вақтида (1220) Хоразм воҳасининг Урганч маркази бўлган (ҳозирда Туркманистон ҳудудидаги Кўҳна Урганч) шимоли-тарбий қисми Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжига, жануби-шарқий қисми – Хива ва Кот манзиллари билан Чифатойга суюрғол мулк қилиб берилган эди. Чингизхон ўғиллари тўрт улус идорасида унинг Ясогига амал қилиб келганлар. Лекин Мовароуннаҳрда озодлик курашининг мунтазам давом этиши, ўзаро ички ихтилофлар тиийқизилиги натижасида қўнғиротлар кучайиб,

Жўжи авлоди билан қариндошлаша бошлайди. Уларнинг ҳомийлиги остида аста-секин Хоразмнинг жануби-шарқий (Чифатой мулклари) қисмини ҳам эгаллаб, бутун воҳани қўл остида тутади.

Амир Темур ҳазратлари ёшлигига Амир Қазағоннинг сиёsat юритиш услубини яхши ўрганганд, унга шогирдлик қилган эди. 1370 йилда, ҳали Туркистон таҳтини олмасдан туриб, Балхга, Амир Ҳусайнга қарши ҳал қилувчи жангта отланганида, Чифатой авлодидан бўлган Сујорғатмишни мамлакат хони деб эълон қилган эди. Сујорғатмиш гарчи сохта хон бўлса-да, Амир Темур давлатининг биринчи йилларида ҳуқуқий-меросий ишларни тиклаш ва йўлга кўйишда унинг жуда кераги бўлган. Ҳусайн Сўфийдан Хоразмнинг Чифатой улусига тааллуқли бўлган ҳудудларидан йиғиладиган закотни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи ҳам айни шу Сујорғатмишда эди. Амир Қазағон асос солган сохта хон муассасаси Хоразм бобида жуда қўл келади, бунинг чукур маъно-мазмунга эга сиёсий сабаблари бор.

Амир Темур давлат молиявий ишларини тартибга солар экан, Хоразмнинг жануби шарқий ҳудудларидан, Хива ва Кот шаҳарлари аҳолисидан йилда бир маротаба эҳсон тариқасида йиғиладиган закот моли бир неча йиллардан бўён тўхтаб қолганига, энг ёмони – Ҳусайн Сўфийнинг бундан кейин ҳам ўз чегарасига – шимоли-фарбий Хоразмга қайтишни асло хаёлига келтирмаслигига амин бўла-

ди. Олиқ-солиқларни инкор қилиб бўлмасди. Амир Темурнинг ўз мулкига даҳлдор закотга «дахл қилмаслик» талаби, тушунишимча, айнан шундай – Ҳусайн Сўфийнинг Чингизхон даврида ўрнатилган маррага қайтишини тақозо этарди. Амир Темур «закотни тўла», демаган, қачонки, Чигатой улусига киритилган ҳудудга «дахл қилма», аралашма, деган ультиматумни дипломатик йўсинда, фақат давлат раҳбарлари тушунадиган тилда лўнда баён этган. Бундан кўзланган мақсад ҳали охиригача ошкор этилмаган эди.

Хоразм Амир Темур давлатининг ажралмас бир қисми эди. Суюргатмишхон унга шу учун керак эди. Хоразмсиз шимолга йўл берк бўларди. Соҳибқирон кўнглида туркийлар давлатини якжилов қилиш, унинг сарҳадларини мислсиз равишда кенгайтириш, марказлашган, ягона давлатни қарор топтириш истаги чўғланиб туради. Муддаони тинчлик, мулоқот йўли билан ҳал этиш имкондан бўлмайди – Ҳусайн Сўфий сира ён бермайди. 1372 йилнинг баҳорида Хоразм сари қўшин тортилади. Ҳусайн Сўфийнинг ўлими, ўрнига укаси Юсуф Сўфийнинг тахтга чиқиши рўй беради. Юсуф Сўфий ярашув шевасини орага солади, укаси Оқ Сўфийнинг қизи Севинбекани (Хонзода) Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир мирзога унаштирилиши ярашишда восита бўлади.

Хоразм йўлида Соҳибқирон қанча вақт, қанча куч йўқотади. Давлат ва туркийларнинг жаҳонда ўз ўрни бўлиши манфаати нуқтаи

назаридан ишни охирига етказиш керак эди. Юсуф Сўфий аҳдни инкор этади, уни ҳали ҳам давлат бузғунчилигидан қайтмаган Кайхусрав Хутталоний, Хизр Ясурийнинг кечирилган суиқасдчи ўғли Исҳоқ ва Маҳмудшоҳ Бухорийлар йўлдан уриб, Темурбекка зид ишларга ундейдилар. У Котни босиб, талаб, ҳароб қилиб, Соҳибқиронга майл билдирган кишиларни қиличдан ўтказади. Бу хиёнат 1373 йил баҳорида Хоразмга иккинчи марта отланишга сабаб бўлади. Хоразмга қилинган юриш икки томон учун ҳам хайрли хотима топади. Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода бегим тўйи бўлиб ўтади.

Хоразм билан боғлиқ давлат режасининг са-марса бериши – мумкин бўлган жанг жадални истисно этадиган йўлга эришилган эди. Бу никоҳ Олтин Ўрдага яқин Темурий шаҳзодаларнинг, куёв тариқида бўлган Жаҳонгир Мирзонинг истиқбол уфқларини кенгайтириши ва қонунийлаштириши кутилаётган доно тадбир бўлган эди. Шу туфайли ҳам Амир Темур ҳазратлари икки йилга яқин пойтахтида осойишта ҳаёт кечириб, давлат ички ишлари билан мукаммал банд бўлади. Курилиш, ободонлаштириш, фуқаролар ҳаётини енгиллаштириш масалалари билан шугулланади.

Соҳибқирон Амир Темур давлат бошида бешинчи йил мустаҳкам туроётган эди. Мўғулистонда ҳамон ўзаро тожу таҳт талашишлар давом этар, Қамариддин зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаганди. Уруш кундан-кун кучайиб бораётган, шарқий чегаралар таҳ-

дид остига тушган эди. Бунга хотиржам қараб туриб бўлмасди. 1375 йилнинг 20 марта да ўзидан кета бошлаган Қамариддинга қарши черик тортилади. Юриш муваффақиятли якунига етади. Бироқ бу йилда ҳам суиқасд фитнаси барҳам топмайди. Хўжандда турганида Амир Темурни заҳарлаш Баҳром Жалойирнинг ўғли Одилшоҳга тиним бермайди. Бундан воқиф бўлган Соҳибқирон бошқа ерга кўчади. Шу юришда Шайх Мұхаммад Сулдуз, Туркон Арлот ва Одилшоҳ Жалойир гапни бир қилиб, имкони бўлиши биланоқ Амир Темурни йўқ қилишга келишадилар. Хўжандни Соҳибқиронни даф этишда қулай имкон, деб биладилар.

Амир Темур суиқасд хавфидан фориғ бўлгач, юртига қайтади. Қишини Занжирсаройда (Қаршидан икки манзил) ўтказади. Ёз келиши билан Амир Темур Хоразмга боришга қарор қиласди. Соҳибқироннинг ҳарбий қуввати йилдан-йилга ошиб бораради. Ўзи Хоразмни ихтиёр қилганида, яна кечирилган Одилшоҳ Жалойир, Хитойи Баҳодур ва Элчи Баҳодурни ўттиз минг кишилик лашкар билан Мўфулистонга юборади. Мўфулистонда Қамариддин яна жонланиб қолган эди.

«Букрини қабр ростлайди», деган нақл қанчалик тўғри, билмадим, лекин фитнагар Одилшоҳ Жалойирни на молу мулк, на амалу мартаба ва на жиноятлари учун икки сафар олий кечиримлар зарра инсофга келтира олмаган эди.

Амир Темур ҳазратлари учинчи бор Хоразмга кетганида, ихтиёрига катта қўшин берилганидан эс-хүшини йўқотган Одилшоҳ Жалойир Соҳибқирон яхшиликларини унтиб, бир-икки кишилар билан сўз бириттириб, Самарқандни босиб олишга қасдланади. Самарқанд қамал қилинади. Пойтахт аҳолиси рахнагарларни қаттиқ қаршилик билан Самарқанд яқинига ҳам йўлатмайдилар. Хоразмда бу хоинона ҳабарни эшитган Амир Темур шаҳзода Жаҳонгир Мирзони унга қарши жўнатади. Одилшоҳ ва Сори Бўғонинг жалойир ва қипчоқлардан иборат қўшини тўқнашувда енгилиб, Дашиби Қипчоққа, Ўрусхон пинжига қочишига мажбур бўлади. Одилшоҳ ва Сори Бўғо бу ерга ҳам сифмай, Мўгулистонга, Қамариддин ҳузурига бош эгиб борадилар.

1376 йил Соҳибқирон давлати учун оғир бўлган, ички ва ташқи душманлар Одилшоҳ, Сори Бўғо ва Қамариддин мисолида бош кўтарган, ҳокимият хомталашига жиддий киришган эдилар. Мўгулистонда ўз билганича ҳукм сураётган Қамариддин сотқин Одилшоҳ тезлавида Амир Темур вилоятларига босқинчилик юришларини бошлайди. Андижон вилояти талон-тарож этилади, Умаршайх Мирзо тобелигидаги қозоқлар минглиги қочиб, Қамариддин томонга ўтади. Танг вазиятда Соҳибқирон қўшин билан йўлга чиқади. Отбоши мавзесида Соҳибқирон барча сипоҳийларни душман тарафга юбориб, ўзи икки юз киши билан шу ерни қўналға қилиб туради.

Шу жойда тўрт минг лашкар билан пистирмада турган Қамариддин, Одилшоҳлар Амир Темур ва унинг оз сонли кишиларига қарши жанг бошлаб юборади. Соҳибқирон жанглари тарихида бу энг қаттиқ, энг мардонавор кураш дея қайд этилади.

Душманларнинг қарама-қаршилиги бу йилларда босилиш ўрнига янада кучайган. Ҳатто Самарқандга ҳужум уюштирилган. Хоразм билан тикланаётган сиёсий муносабатларга ҳам Мўгулистоннинг Амир Темур давлатига кўз тикиб турган ҳукмдорлари, мўгулпарат кучлар ҳалал етказиш пайида бўлганлар. Шу сабабли ҳам, Мўгулистонга қилинган тўртинчи юриш ҳали ҳамма иддаоларга нуқта қўя олмаган эди. Бунинг устига, давлат таянчларидан бўлган шахзода Жаҳонгир Мирзонинг йигирма ёшида вафот этиши Амир Темур учун ўнглаб бўлмайдиган тақдир зарбаларидан бўлган эди.

Соҳибқирон ёнида яқинлари, давлатхоҳ амирлар, садоқатли беклар бўлмаганда борми, ихтилофлар, маънавий, жисмоний зарбалар уни эсанкиратиб қўйган, иродасини букиб ташлаган бўларди. Амир Темурда метин ирода, пўлат матонат бор эди. Давлат бузғунчиси Одилшоҳ жазога мустаҳиқ этилади. Икки йилдан кейин бош эгиб келган Сори Бўғо кечирилади. Қамариддин хавфи эса, у тирик экан, ҳар қадамда соя ташламаслиги мумкин эмасди. Унга қарши тўнгич ўғил Умаршайх бошчилигига черик жўнатилиб, тутишга фармон

берилади. 1376 йилда черик изидан Амир Темур ҳазратларининг ўзи бешинчи марта Мўғулистонга, Қамариддинни тамомила мағлуб этишга отланади.

Амир Темур давлатининг олтинчи йилида муаммоларга яна бир муаммо қўшилади. Тўхтамиш ўғлон Оқ Ўрдадан амакиси Ўрусхон билан ҳокимият талашиб, Самарқандга паноҳ истаб қочиб келади. Амир Темур уни сафарда, Чу дарёсига яқин жойда қабул қиласди. Муаррихлар Тўхтамишининг келувини Амир Темур жуда арзитганлигини таъкидлайди. Унинг шарафига тўй берилади, тураг жой, шоҳона рамзлар, отлар, туялар, хуллас, бир подшоҳга нимаики лозим бўлса, ҳаммаси муҳайё қилинади. Бу илтифот бугунги кунда ортиқчадек туюлади. Масалага Амир Темур қандай қараган? Гап мана шунда. Унинг келажак умидларига бу ташриф жуда ҳамоҳанг эди. Оқ Ўрда билан боғланадиган муносабатларда Тўхтамиш икки улусни туташтирувчи ҳалқа бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Соҳибқирон давлати уфқи Сирдарё қирғоқлари, яssи ялангликлари билан чекланиб қолмаслиги керак эди.

1377 йил бошида Амир Темур ҳазратлари буюк орзуйининг амалга ошишига – Даشتி Қипчоқ тарафларга юриш имкони вужудга келганидан фойдаланиб, Тўхтамишни ўз одами сифатида Жўжи авлоди тахтида кўриш учун кўшин тортади. Ўрусхон бу орада оламдан ўтади, ўрнига ўғли Тўхта Қиё тахтга чиқади. Амир Темур Даشتி Қипчоқ ҳокимиятини

Тўхтамишга беради. Икки ой нари-берисида хотималанган бу юришдан Амир Темур ҳазратлари Самарқандга 1377 йилнинг мартаиди қайтиб келади. Амир Темур пойтахтга кириб келганида, Ўрусхоннинг ўғли Темур Малик Ўғлон Тўхтамишни енгиб, тахтни эгаллаб олади. Тўхтамиш минг маشاққатда, хароб ҳолда Самарқандга етиб келади.

Тўхтамиш елкасини қисиб, Самарқандга қандай юз билан кириб келган, билмадим. Ҳатто тасаввур ҳам қилгим келмайди. Аммо Соҳибқирон ҳазратлари уни олдингидан-да арзитиб, қанча сара қўшин билан яна унга тожу тахтни олиб беради. Жўжи улуси унга тобе этилади. Тўхтамиш кучайиш йўлига киради.

Самарқанд, Даشتி Қипчоқ ташвишлари билан қаттиқ машғул бўлиб, ҳарбий қувват шимолга сафарбар этилган вазиятдан фойдаланувчи ғаламислар «тарки одат – амри маҳол» қабилида иш тутадилар. Хоразмда осойиштаги таъминланган, Амир Темур хонадони билан қуда-андга бўлган Юсуф Сўфий ўта калтабинлик билан Бухорога черик юбориб, уни талон-тарож қилишни амр қиласди. Бу ҳакда муаррих нима деган? «Ул йилдаким Ҳазрат Соҳибқирон қишида (1377) Ўрусхон муқобаласида ўлтуруб эрди, Юсуф Сўфий ҳеч андиша этмай, фурсат топиб киши йибардиким, Бухорони чобтилар ва ҳар нимаким тобтилар, элтилар. Ҳазрат Соҳибқирон Жаловатийни элчиликқа Юсуф Сўфий қошифа йибарди ва дедиким, «Қариндош бўлғондин мухолифат

қылмоқ яна не жиҳат турар?» Юсуф Сүфий элчини тутиб беркитти (зинданга солди – П.Р.), дейди бу бобда Шарафиддин Али Яздий.

Хоразм билан ўрнатылган тотувлик ва қариндошлик ришелари Юсуф Сүфийнинг узоқни кўролмаслиги, нодонлиги оқибатида барбод бўлади. Амир Темурнинг элчини қўйиб юбориш, зид ишлардан кўл тортиш тўғрисидаги мактубини олиб борган элчи ҳам қамаб қўйилади. Устига-устак, Тўй Буғо деган ўғрини бош қилиб, яна Бухоро теварак-атрофини талашга, туяларни ҳайдаб кетишга ботинади. Соҳибқирон воқеалар ривожини босиқдик билан қузатиб боради. Элчилар, тушунтиришлар, ён беришлар кор қилмайди. Ўрдапараст Юсуф Сүфийнинг ҳеч қачон (ҳолбуки, у ҳокимиятга келгунига қадар Амир Темур билан ёвлашмаган эди) Самарқандни ўзига дўст тутмаслигини охиригача англаб етгунча ўртадан ойлар ўтади. Ниҳоят, ҳижрий 780 да шаввол ойида (19.02.1379) Хоразмға қўшин тортиш қарорига келинади. Юсуф Сүфий қароргоҳи уч ойу ўн олти кун қамал қилинади.

Шимоли-ғарбий худудда ўзига мустақил бўлиб олган, Хоразмнинг иккига бўлиниб қолишига сабаб бўлган Сүфийлар сулоласи ҳукмронлигига чек қўйилади, шаҳар «тоб-тоза қилиниб, анда бўлғон донишмандлар ва ҳаффоз ва ҳунармандлар барчасини кўчурниб, Кешга элттилар». Низомиддин Шомий бу воқеага аниқдик киритиб, Амир Темур сипоҳи «талон-тарож этиб, одамларни асир олдилар, ул

мавзени остин-устун қылдилар ва ҳадду хи-
собсиз молу құлға киритдилар», дейди.

1379 йилнинг ёзида содир бўлган тўқнашув
шундай якунга етади. Юсуф Сўфийга бу ке-
ракмиди? Мабодо Юсуф Сўфий мулоҳазакор
ҳоким бўлганида борми, Амир Темур давлати
соясида узоқ соялаши мумкин эди, – ўйлайман
баъзан. Соҳибқирон марказлашган, қудратли
туркий давлатни барпо этиш орзусини, Юсуф
Сўфий хоҳлайдими-йўқми, изчиллик билан
амалга ошириши тайин эди. Бу улуғвор режа
қархисида шимоли-ғарбий Хоразм ҳоким-
лиги кўндаланг тўсиқ бўлиб қолаётгани аниқ
эди. Юсуф Сўфий озгина сиёsatдан бўлгани-
да эди, Соҳибқирон режасининг амалга оши-
шида кутилмаган катта йўл – Тўхтамишхон-
нинг келиши сабаб, унинг ўзи мутлақо кутма-
гани ҳолда, тасодифан вужудга келганлигини
англар эди. Жўжихон улусига Хоразм дарча
бўлса, бу имконият улкан дарвоза эди. Шу ту-
файли ҳам Тўхтамишхонга бир эмас, иккинчи
бор ҳам катта қўшин, мол-ҳол, хуллас, беҳи-
соб сарф пешкаш қилинади. Тўхтамишнинг
ишончни оқлай олмаслиги, ношудлиги бошқа
масала. Юсуф Сўфий муқаррар ҳалокатдан
Тўхтамиш баҳонасида омон қолиши, шаҳри
ҳам, эли ҳам ўз жойида ҳукм суриши имкони,
афсуски, калтабинлик оқибатида бой берилади.
Юсуф Сўфий, бутунги истилоҳ билан ай-
тадиган бўлсак, йўқ жойдан фронт очиш ёхуд
баланд дорга осилиш иллати қурбони бўлиб
кетди.

Шарафиддин Али Яздий тарихида түртинчи, Низомиддин Шомий «Зафарнома»сида Ўрдапараст Хоразм Сўфийлар сулоласига қилинган бешинчи юриш деб талқин этилган кечмиш шундай. Амир Темур Мовароуннаҳрда у ҳокимиятга келган ўн йилдан буён мустақил яшашда давом этиб келаётган майда хонликка, Сўфийлар ҳокимлигига шу тариқа чек қўяди. Мовароуннаҳрда Соҳибқирон амри ва фармонига бўйсунмайдиган, ўзини Амир Темурдан устун қўядиган ўзбошимча амир, айирмачи беклар қолмаган, ҳамма унинг атрофида жисплашган эди. Ҳарбий қудратдан бирлик қудрати минг ҳисса устун эди. Бунга эришиш эса осон кечмаган, катта йўқотишлар, шахсий изтироблар, ён беришлар, кечиримлар, тарбия ва насиҳатлар, ҳаёт амалиёти қўл келган эди. Оқсарой қасрини қуриш тоғаси ҳам тасодифий бўлмай, улуғ мақсадга ҳамоҳанг равища кўнгилда пайдо бўлган эди. Оқсарой ва уни Шаҳрисабзда бунёд этиш қарори ҳаётга жорий этилгунча ўн йил ўтади.

Оқсаройни қуришни бошлигунча бўлган ўн йиллик давр қандай кечганлиги ҳақида шарҳий фикр юритдим. Сиёсий алғов-далғовлар ҳам, майший фарогатлар ҳам рўй берган, ўз ўрнида давом этган эди. Самарқандда Дильтшод Оға, Туман Оғага атаб қурилган истироҳат боғлари ва қасрлар, кўшклар, пойтахтнинг йилдан-йилга ободонлашиб бориши асло назоратдан қолмаган, давлат аҳамиятига арзирли юмушлардан ҳисобланган.

Сўфийлар сулоласига барҳам берилиб, муаррих Муиниддин Натанзий айтганидек, «Соҳиб-қирон шаҳар аҳолисининг барча аслзода хонадонларини ва машҳур кишилар жамоасини кўчиритириб, Шайхали баҳодирни доруғаликка тайинлаб, қайтиб кетди. Хоразм (яъни, ҳозирда Туркманистон ҳудудида қолган Кўжна Урганч – П.Р.) ўрнига қуббат ул-хазро Кешни бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган янгича тарҳда қуриб, Хоразмдан кўчиб келганларни шу ерга жойлаштириди».

Хоразмдан қайтган Амир Темур қишини Қаршига икки манзиллик йўлда, қайнотаси Қозонхон пойтахти бўлган Занжирсарой қасрида ўtkазади. Муаррихлар даракларидан англаш мумкинки, эски Урганчдан кўчирилган аҳолининг асосий қисми Кешга, унинг ён-верига жойлаштирилган. Бунда ҳам ўйлаб қўйилган мантиқ бор эди. Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандда, Хонзода бегим ҳақида, у ўтказган тўй воқеалари тўғрисида сўзлаганида, хоразмлик маликанинг ўз қариндошларидан бирини ўйлантираётганини айтиб ўтади. Натанзий эътиборни қаратган «аслзодалар хонадонлари», шубҳасиз, Хонзода бегим паноҳида, Самарқандда ўрнашиб қолганлигини инкор этиб бўлмайди.

Хоразм фатҳидан сўнг бир қиши давомида Занжирсаройда бўлиш давлат юмушлари боғида 1370 йил баҳорида Шаҳрисабзда бўлган икки ойлик машваратни ёдга солади. Икки улуғ кенгаш орасида ўн йил фарқ-муддат бор

бўлибгина қолмай, бунёдкорлик тафовути кейингисида катта мавқе тутиши билан ажрабиб туради.

Оқсаройни – тобора қудратли бўла бораётган давлатнинг захира маъмурий-сиёсий, маърифий марказини барпо этиш ғояси туғилгунча ўтган ўн йил шу тариқа ўта мураккаб кечган эди. Мамлакат келажагига бўлган зўр ишонч, элу ҳалқига бўлган улкан меҳр-муҳаббат Соҳибқиронни буюк ва хайрли ишларга ундан омиллар эди. Улуғлаш, эҳтиром икки ёқлама эди. Ҳалқ ва юрт ҳукмдорини самимият билан севар, ҳурматларди.

Руи Гонсалес де Клавихо тўғри баҳолаганидек, «бу ҳалқ билан подшоҳ (Амир Темур – П.Р.) кўпдан-кўп буюк жасоратларга эришган ва кўпдан-кўп ғалабаларни кўлга киритган».

Бунинг ёрқин тимсоли Турон қалбининг тафтли бир парчаси Қашқадарё воҳаси, Шаҳрисабз, унинг довруқди, олижаноб, до нишманд, мард ва жасур, меҳнаткаш, фидойи одамлари эди. Бу уйғунлик шаҳарни улуғлади, Оқсаройга йўл очди, агадиятга муҳрлади.

Мустақиллик насими қадимий ва мангу қадриятларни ҳаётбахш қанотларида олиб келди. Анъана ҳозир жўшқин давом этаётир.

ЗАХИРА ИДОРА САРОЙИ

*Сурубон Шахрисабз жониби кет,
Турмайин йўлда ул диёрга ет.*

Алишер Навоий

Оқсарой қасрини қуриш ғояси қандай шароитгда ва қаерда – Самарқанддами ёинки Занжирсаройда етилган? Бу муаммо устида кўп бош қотиришга тўғри келди. Амир Темур ҳазратлари, муаррихларнинг аниқ санани қайд этишларича, ҳижрий 780 йилнинг шаввол ойида (20.02.1379) Хоразм йўлига чиққанлар. Қамал чўзилиши мумкинилиги ҳисобга олиниб, Соҳибқирон қўшини эҳтиёт шарт тариқи бўйича ўзлари учун истеҳком қуришга ҳам улгурадилар. Қамал уч ойу ўн олти кун давом этади. Амир Темур сипоҳийларига ғалабанинг узил-кеシリл қўлга киритилиши ҳижрий 781 йилда – 1379 милодий йилнинг 13 июнида юз берганилиги аниқ тарихий сана сифатида қаралади. Ҳижрий 780 йил шу йили 21 марта ўз ўрнини 781 йилга бўшатиб берган. Ҳал қиувчи фотихлик юришига тўрт ойдан ортиқроқ вақт сарфланган. Хоразмдан қайтиш бирмунча вақтни олган бўлса-да, Соҳибқирон 1379 йилнинг авжии сисифида – июль ойи бошида ўз пойтахтига етиб келган, дея тахмин қилсак бўлади. «Зафарнома»ларда эътиборсиз ўтиб кетиб бўлмайдиган, кўзда туваётганим воқеага тўғридан-тўғри дахли бўлган қараашлар борки, уларнинг тагига етилмаса, хижиллик губори аримайди.

Низомиддин Шомий Соҳибқирон назарига тушган муаррихдир, унинг гувоҳдик беришига кўра, «Амир Соҳибқирон у ердан (Хоразмдан – П. Р.) иззат ва иқбол билан қайтиб келиб, ўзининг олий қароргоҳида ўрнашди ва қишини у жойда ўтказди». Амир Темур ҳазратлари-нинг «олий қароргоҳи» дейилганда, муаррих ҳеч бир шубҳасиз, Самарқандни кўзда тулади. Нисбатан кейинроқ ёзилган «Зафарнома» асарида (Шарафиддин Али Яздий) эса Амир Темур Хоразмни эгаллаб, олимларни, Қуръони карим ҳофизларини, ҳунармандларни Шаҳрисабзга кўчириб, «Соҳибқирон фатҳ ва давлат билан қайтиб, ул қиши Занжирсаройда қишила-ди», деган фикр берилади. Бу ерда гап бевосита Оқсарой қурилиши қачон бошланишига дахли бўлганилиги учун Соҳибқироннинг 1379 йил қишини қаерда ўтказганлигини аниқлаш заруратига бориб тақалади. Чунки бунда вақт тафовути қарийб бир йилга етади. Чамамда, Амир Темурнинг шу йилги қиши фаслида ўз пойтахтида бўлиши Низомиддин Шомий «Зафарнома»сида аниқ берилган. Муаррих асарида Соҳибқироннинг Хоразмдан қайтища Занжирсаройда тўхтаганини, қиши Занжирсаройда кечирганлигини ақалли эслатмайди ҳам. «Баҳор фасли келгач, – деб ёзади Низомиддин Шомий, – (781 ҳ. – 1380 м.) Кеш шаҳри қурилишига олий фармон берди ва у ерда ҳисор бунёд эттирди. Шу ўртада Оқсаройни ҳам бино қилдилар».

Шарафиддин Али Яздий Соҳибқироннинг Занжирсаройда қишлишини Хоразм юришидан кейинги йилда бўлганлигини янгиштирган. Қишичикиб, баҳор келиши билан (1380, март) Амир Темур ҳазратлари «ул шаҳарга қалъа солдурди ва жаҳдлаб тамом қилдурди», деб ёзади у.

Муаррихлар сўзларини қиёсан мушоҳада этганда, уларнинг ҳар иккаласида ҳам Шаҳрисабз истеҳқом девори қурилиши ҳижрий 781 йилнинг март ойида бошлангани тарихга тўғри бадал этилган. Шарафиддин Али Яздий бир қалимаси шаҳодат берганидек, Оқсарой қасри «шу ўртада» – ҳисор битганидан кейин («жаҳдлаб» тамом қилиш) барпо этилган. Бошқача айтганда, аввал – мустаҳкам қалъа, сўнг эса Оқсарой қурилиши тайёргарлиги кўрилган. 1380 йил баҳорида Шаҳрисабзда бошлаб юборилган кўламли ишлар Амир Темурнинг шахсан назоратида бўлганлиги унинг 1380 йил қишини Қашқадарё воҳасида, Муборак ҳудудидаги Қозонхон қасри – Занжирсаройда ўтказиши ҳам далолат этади.

Амир Темур ҳазратларининг юриш ва қўшин тортишга эҳтиёж бўлмаган тинч вақтларда пойтахтида, унинг ғарбий қисмида боғлар, иморатлар, қасрлар барпо этишга астойдил киришгани каби, Шаҳрисабзга фавқулодда дикқат ажратиши замондошларининг ҳайратларига сабаб бўлган эди. Тахту ҳокимият бардавомлигининг ўнинчи йилида, баҳор фаслида Шаҳрисабз, Соҳибқироннинг туғди-битди

ота юрти унинг ҳимматидан мунаввар бўлади, янада ободликка юз тутади. Вақтида истибдод давр тарихчиларидан энг забардастлари ҳам, Амир Темурнинг оламшумул қурилишларини унинг юришлари билан боғлашга интилганлар. В.В.Бартольд «Туркистон тарихи» (1922) асарининг 6-бобида Соҳибқирон ва унинг меъморий фаолияти ҳақида айтганлари фикрим далили бўла олади. У Амир Темурнинг айрим фанлардан малака ҳосил қилганлигини олимлар билан бўлган сұхбатлар воситасида ортирганлигини қайд этишга мажбурият сезади. «Меъморлар қурилишлар чоғида, – деб ёзади муаррих, – шахсан Амир Темурнинг бадиий ўйламаларини дастуруламал қилиб олишлари лозим бўларди». Қитмирликни олимнинг «айрим қурилишлар аниқ ҳарбий юришлар билан боғлиқ эди», сўзларидан англаб олиш мумкин. Ўтган асрнинг 20-йилларида большевикларнинг маданий-оқартув ташкилоти – Пролеткульт таъсири кучли бўлиб, ўтмиш обидалар ҳам қатағон қилинаётган паллалар эди. Амир Темурнинг меъморчилик соҳасидаги қобилияти ва билимини унинг юришлари (яъни, бойликни қўлга киритиш) билан боғлаб, ҳақ ва зид аралашмасидан фикр жамламасини ифодалашдан бошқа чора бўлмаган. Буни тушуниш мумкин. Муҳими, Соҳибқироннинг меъморчиликдаги юксак қарашлари қурувчиларга, муҳандисларга йўриқ-лойиҳа вазифасини ўтаганлиги тан олинишида. Чингизхондай дунё бойлигини тўплаган хон муazzам кошо-

налар, саройлар қолдирмаганлыгыни идрок эт-
ганда, ер билан осмонча фарқни сезиш қишин
бўлмайди.

Буюк алломалар подшоҳу хоқону хукмдор-
лар фарқини яхши билганлар. Шу сираға ака-
демик В.В. Бартольдни, Осиё тарихини сув
қилиб ичган олимни биринчилардан қилиб,
киритиш ўринли бўлади. Муаррих «Улугбек ва
унинг даври» деган тадқиқотида Амир Темур-
нинг давлат бошлиғи сифатидаги бир улкан
устунлигини қиёсан келтириб ўтади. «Темур ўз
ҳокимиютини бошлаган пайтлариданоқ, – деб
таъкидлайди олим, – қалъалар қурди, шаҳар-
ларни деворлар билан ўратди, бу билан Чин-
гизхон ойинини бузди». Чингизхон ойинида,
маълумки, қуриш, бунёд этиш деган тушунча-
лар шаклланмаган эди.

Бу келтирилган иқтибосларни мушоҳада
қилиб қўрилганда, Амир Темур бунёдкорлиги-
нинг тутма эканлиги моҳияти тушуниб олина-
ди. Ҳали ҳокимият ҳақида гап бўлмаган 1365
йилда Қарши қалъасининг таъмирланиши,
истеҳком деворининг барпо этилиши шундай
хulosага даъват этади. Ҳофизу Абру, Абдураз-
зоқ Самарқандий, Фасиҳ Хавофий, Муинид-
дин Натанзийлар тарихларида Амир Темур
Самарқанд билан Шаҳрисабзда бошлаган,
амалга оширган улуғвор қурилишлари тилга
олинган.

Бугунги китобхонда тарихимизга қизиқиши
борган сари улғая бораётганлигини ҳис қил-
май бўлмайди. Қайси бир муҳлисда Соҳибқи-

рон пойтахт Самарқандни ортиқроқ севганми ёки ота шаҳри Шаҳрисабзими деган мулоҳаза туғилиши табиий ҳол. Ўзим ҳам бу ҳақда кўп ўйлаб кўрганман. Бу мулоҳаза мантиқан торроқ туюлса-да, Амир Темур ҳам инсон эди, унинг давлат мезонидаги қараашлари муҳим бўлганидек, одам сифатидаги ҳиссиётлари ҳам эътиборга лойик эканлиги холосасидан келиб чиқиладиган бўлса, юқоридаги мулоҳазага ўрин бор, деб ҳисоблаш жоиз бўлади.

Соҳибқироннинг Самарқандга қанчалар эътимод қўйғанлигини В.В. Бартольднинг мана бу сўзларидан тўла англаб етса бўлади. Олим шундай ёзади: «Самарқанд, Амир Темур фикрича, жаҳоннинг биринчи шаҳари даражасига кўтарилиши керак эди. Бу фикрнинг амалдаги ифодаси Самарқанд атрофидаги мусулмон давлатларининг бош шаҳарлари: Бағдод, Дамашқ, Миср (Каир), Шероз ва Султония номларини олган қатор қишлоқлар қурилишида намоён бўларди».

Олим санаб ўтган қишлоқлар, чамаси, Самарқанд теварак-атрофифида Оқсанорини қуриш нияти ҳаётга татбиқ этилгандан кейинроқ Хуросон, Эрон ва Ироқ юришлари давомида барпо этилган ва шундай номлангандирлар. Бундан Соҳибқирон Амир Темур кейинги ўн-ўн беш йил давомида Самарқанднинг тамомила кудратга тўлган, Осиё ва Оврупода етакчилик мақомига кўтарилган туркий давлатнинг маъмурий маркази, пойтахт шаҳри сифатидаги шукуҳига қаттиқ аҳамият берганлигини пай-

қаш осон. Яна бир томони, буюк Соҳибқирон Ватанини, унинг ҳар қаричини кутлуғ билган, шаҳару қишлоқларининг ҳаммасини обод кўришни, ҳар бирида ўзига хос қурилишлар олиб боришни юрагига туккан.

В.В. Бартольд пайхос қилган жиҳатга қайтатик. Курилажак янги иморатнинг гояси, тарҳи, ташқи кўриниши, безатилиши лойиҳалаштирилишда Амир Темурнинг истаги, таклифи, фикрлари дастуруламал қилиб олинган. Олим буни «бадий ўйламалар», деб атайди. Бадийлик кенг тушунча, меъморий биноларнинг тоза тарҳ-тароватга эга бўлиши, маҳобат касб этиши, кошинлар безакларида маърифийлик уфуриб туриши, биноларнинг ҳашамат билан бир қаторда, хизмат вазифаларини адo этиш жойи сифатидаги қулайлиги, шинамлиги, ёруғлиги, об-ҳавосининг мўтадиллиги, ён-атрофининг серсув, фавворали, боғу роғлар билан вобасталиги, мудофаавий ўнгайлиги ва бошқа кўпгина қутбларни шакл ва мазмун жиҳатдан уйғулаштириш салоҳиятини қамрайди.

Оқсарой қасрининг ўрни, ҳеч бир шубҳасиз, Самарқанддан танланиши мумкин эди. Лекин омад Шаҳрисабзга кулиб боқади. Бу ҳиссиётнинг ғолиб келиши самараси эдими? Мен, хусусан, бу хулосадан узоқман. Руи Гонсалес де Клавихо 1404 йилда Шаҳрисабзда бўлганида, Оқсарой қурилишида одам кўплиги ва қурилиш жадал давом этаётганлигини айтади. Мен буни бошқачароқ талқин қилган бўлардим.

Агар Клавихонинг шу гали мулоҳазасиз ҳазм этиладиган бўлса, Оқсарой 24 йилда – чорак аср давомида ҳам битмаган эканда, деган тасаввур пайдо бўлади. Бундай эмас. Бу ўринда, яна бир ажнабий олим Ҳерман Вамбери тўғри фикр юритган деб биламан. Ҳерман Вамбери «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» китобидаги Оқсаройнинг 12 йилдан ортиқроқ вақтда қуриб тамомланганлигини уқтиради. Ҳали бу фикр-мулоҳазаларга мавриди билан, батафсилоқ қайтаман. Чунки сизни XV асрнинг бошида, Амир Темур ҳазратлари ҳаётининг сўнгги кунларида ҳам Оқсаройда қурилиш (аслида таъмирлаш, ички хоналарни безатиш) давом этаётганлиги, бунга сабаб қандай эҳтиёж бўлганлиги каби масалалар қизиқтиради.

Масаланинг моҳиятини тушуна бошладингиз. Оқсаройдек улуғвор бино ҳатто пойтахтда ҳам режалаштирилмаган эди. Юзи шимол тарафга қад керган марказий бино – улуғвор пештоқ, икки қанот ва гумбаздан иборат қаср баландлиги ҳозирги йигирма қаватли, осмонўпар иморатлар даражасида бўлиши мўлжалланган эди. Самарқанддаги Кўксарой эса тўрт ошёнли, тамкин сарой эди. Шаҳрисабзда Оқсаройнинг қурилиши режалаштирилиши ҳиссиёт ёки тор қарашлар даъвати билан эмас, давлат аҳамиятига молик қарашлар тақозоси ўлароқ амалга оширилганлигига қатъий амин бўласан, киши.

Амир Темур тарихига оид ёзма манбаларда Шаҳрисабз истеҳком деворининг бошланиши

1379 йил деб кўрсатилади. Қадимшунос М.Е. Массон бу соҳада олиб борган тадқиқотларига таяниб, Шаҳрисабз қалъаси истеҳком девори 1378–1379 йилларда қурилганлигини айтади. Ўтмиш муаррихлари ҳисорининг жадал тамом қилинганини эслатиб ўтганлар. Муаррихнинг бир сўзига эътиборни қаратиш керак бўлади. Девор «жаҳд» билан тиклангани атай келтирилади. «Жаҳд» сўзи луғатларда тиришиш, астойдил ҳаракат қилиш, саъй кўшиш маъноларини ташиши уқтирилади. Агар муаррихлар «жаҳду шитоб» иборасини ишлатганларида эди, унда тиришиш ва шошилиш билан истеҳком девори қад кўтарганлигини тасаввур қиласа бўларди. Вақтида Соҳибқирон Шаҳрисабз қалъаси деворига астойдил киришган ва ниҳоятда мустаҳкам бўлишига аҳамият берган. Шаҳрисабз ҳисори кейинги асрларда қанча қамалларни бошдан кечирди. Шунга қарамай, ўтган асрнинг 60-йилари иккинчи ярмида ҳам истеҳком деворининг сақланиб қолган ҳайбатли қолдиқларини кўриш мумкин эди. Деворни кейинги истибодод даври таг-томири билан емириб, комига тортиб кетди.

Қадимшунос олимларнинг далолат этишларига кўра, истеҳком деворларидан сақланиб қолган қисмида баландлик 11-13 метрга етган. Бир найзани 2,5 м деб ҳисобласак, тўрт найза бўйи баландлик 10 м.ни ташкил этади. Деворнинг кенглиги 3,5 м. дан то 9 м.гача бўлган. Деворнинг ҳар эллик қадам келадиган

жойларида қабариқ буржлар бўлиб, минораларнинг бу жойдаги қалинлиги 17,5 м. гача борган. Девор сингари минораларнинг асл ҳолати сақланмаган, чунки биринчи зарб уларга берилган, етиб келган ҳолатида баландлик 10-12 м даражасида. Жанубий девор қолган уч тарафдан сезиларли тарзда пастроқ бўлган. Деворнинг ўлчами 5,6 км бўлиб, қутблари тенг ҳисобланади. Истеҳком деворида 70 га яқин кўрикчи миноралари савлат тўкиб турган.

Таниқли олим Г. Пугаченкова Шахрисабз ва Оқсаройда илк текширув олиб борган қадимшунослардан. У кишининг гувоҳдик беришича, Шахрисабз қалъаси истеҳком деворлари баландлиги ўтган асрнинг 70-йилларида сақланиб қолгани ўн бир метрдан анча дўнг бўлган. Деворларнинг таг қисми эналиги 8-9 м. га етган. Истеҳком девори пишитилган пахса лойдан кўтарилган. Девор атрофида сув тўлдириладиган муҳофаза хандақлари -чоҳлар қазилган. Галина Анатольевна келтирган бир далил аҳамиятли. Оима «Шахрисабз ҳисори деворининг ҳар бирида тахминан марказий қисмida кўтариувчи кўприклари бўлган шаҳар дарвозалари мавжуд эди», деб ёзган эди. Афсуски, бу маълумотлар тарихий манбаларда учрамайди. Мудофаа чоҳи, кўтарма кўприкли тўрт дарвоза, ҳеч бир шубҳасиз, Соҳибқирон истеҳком мажмуи режаси асосида барпо этилган. «Зафарнома»да Оқсаройнинг ўзига саноқли сатрлар бағишлиланганлиги, қалъа, истеҳком девори, икки асосий йўл,

тўрт дарвоза, мудофаа чоҳи ва кўтариувчи кўприклар тўғрисида индамай ўтилиш сабабларини бироз бўлса-да ойдинлаштиради.

Л.Ю.Маньковская ҳам шундай фикрда бўлади. Олима бу борада манбаларнинг камсукумлигини инобатга олган ҳолда, «Темур 1378–1379 йиллардаёқ Шаҳрисабзда катта ободончилик ишларини бошлиган эди. Шаҳар янгитдан тўрт дарвозали пахса девор билан ўралди, ташқи томонда гир айлана хандақ қазилиб, осма кўприклардан ўтиладиган бўлди», деб ёзган эди.

Оқсарой курилиши мўлжаллангунга қадар бўлган жиҳатларни ҳар ҳолда умумий тарзда бўлса-да, аниқлаб олишга саъй қилдик. Энди бевосита қасрга такаллумни бурсак бўларди. Эътиборга ҳавола этилган кейинги иқтибосларни мулоҳаза қилсак, бир эътиroz десамми ёхуд қониқмаслик, сўзлардаги носамимийлик десамми, нимадир дилимга ўрнашмади. XIV асрнинг ўрталаридан то 80-йиллар охиригача шимоли-فارбий Хоразмнинг ҳокимлари – Сўфийлар сулоласига пойтахт бўлиб турган Урганч (Кўхна Урганч, Туркманистон) ҳақида гап кетганда, олимаю олимлар ғойибона жўр бўлиб, Урганчининг Амир Темур томонидан қилинган тўртинчи юриш вақтида текислаб юборилганлиги айтилади. Шундайми, аслида Урганч тақдири қачон ҳал бўлган ва йўқликка қайси даврда юз тутган?

«Ўрта Осиё сиёсий тарихида 1379 йил Темурнинг Хоразмга қилган тўртинчи, – дейила-

ди Москвада, 1976 йилда 50 минг нусхада чоп этилган бир китобда, – якунловчи юриши бўлиб, гуллаб-яшнаётган пойтахт шаҳар Урганч (ҳозирда Кўҳна Урганч вайроналари) ер юзидан супуриб ташланди. Бу ердан Мовароуннаҳрга кўплаб усталар, ҳунармандлар, ишчилар олиб келиниб, уларнинг катта қисми Шахрисабздаги қурилиш ишларига юборилди». Худди шу фикрларни кейинчалик бошқалар ҳам илиб олиб, юмалоқ-ёстиқ қилиб, «умумлаштириб» айтишлари урф тусига киради. Мулоҳаза қилиш, қиёсий ёндашиш асосида қабул қилиш истибод замонида раэм эмасди. Айтилгани – тайёри эди. Амир Темур ҳазратлари ҳакидағи асл манбалардан йироқ бўлган ўқувчи борига қаноат қилишга, ҳақиқат шу экан, деб кўнишишга мажбур эди. Л.Ю. Маньковская ҳам тайёридан илгу олиб, 1979 йилда нашр этилган «Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари» йўл кўрсаткичидаги «Темур Хоразмни истило қилгач, бу ўлгадаги ҳамма ишга яроқли олимлар ва ҳунармандлар усталарни Мовароуннаҳрга ва ундан Кеш шаҳрига кўчириш тўғрисида фармон берган», деган фикрни айтади. Шу холосалар кейинчалик барча ёзилажак ишларда «қолип» вазифасини бажариб келди.

«Зафарнома»лар ва «Мунтажаб ут-таворих» асарида Соҳибқирон Амир Темурнинг 1379 йилда Юсуф Сўфийга қарши ва 1388 йилда Тўхтамиш таъсирига тушган, Урганчни яна қароргоҳига айлантириб олган Сўфийлар-

нинг авлоди Сулаймон Сўфийни даф этиш учун қўшин тортган бешинчи юриши – 1388 йилда ғолиб бўлиши воқеалари бир-биридан фарқлаб кўрсатилади. Кўҳна Урганчнинг текислаб ташланишида орадан кечган 8-9 йилни истисно қилиш, энг лоқайдлик шундаки, бир шаҳар билан бутун вилоятни қориштириб юбориш илмий, тарихий маданиятдан бўлмаса керак.

1379 йилда бўлган қарама-қаршиликда Юсуф Сўфий ўйламай қилиб қўйган ноҳақ ранжларидан пушаймон бўлиб, касалга чалинади ва қамал кунларида вафот этади. Хоразмилар укаси Ёйик Сўфийни ўрнига қўйишишмоқчи бўлади. Лекин Муиниддин Натанзий шаҳодатича, таниқли амирлардан бўлган Хожалоқ билан ихтилофда бўлгани сабаб, бу иш амалга ошмайди. Ёйик Сўфийнинг ўз кишиси Хожалоқни ўлдириш қасди маълум бўлиб, баҳодир ҳимоя қилиб турган дарвозани очиб, Амир Темур ҳузурига келади. Сўфийлардан ишончли ҳарбийларнинг юз ўтириши Соҳибқирон ғалабасига йўл очади. Урганч фатҳ этилади. Сўфийлар йиллар давомида тўплаган бойликлар олинади. Муиниддин Натанзий «шаҳар аҳолисининг (яъни, Урганчнинг – П.Р.) барча аслзода ва машхур кишилар жамоасини кўчириб, Шайхали баҳодирни доруғаликка тайинлаб, қайтиб кетди», дейди. Бу тўртинчи юришда маълум бўладики, ҳали Урганч яшаща давом этган, қолган аҳолига доруғаликка Шайхали баҳодир қолдирилган.

Шайхали баҳодир Урганчда бир йил нари-берисида доруғалик қилиб турган ва 1381 йилда Ҳирот гарбида, 60 чақирим нарида жойлашган Фушанж қалъаси қамалида фаол қатнашган. Соҳибқирон Хоразм муаммоси ўртадан кўтарилигач, Хурросон ва Эрон фатҳига киришади. Урганчда Сўфийлар ҳокимияти ошкора амалда бўлмаса-да, Дашиби Қигчоқ, ёғийликка ружу қўйган Тўхтамиш уларнинг қолган-кутганларини Амир Темурга қарши тезлаш пайдада бўлган. Ҳолбуки, шимоли-гарбий Хоразм билан саккиз йилдан ошаётган эдики, норозилик, низо аломатлари сезилмас эди.

1379 йилда Урганчдан кўчирилган ва Шаҳрисабзга жойлаштирилган аҳоли вакиллари катта хонадонни ташкил қилмаган. Ўша пайларда Кўҳна Урганч мустаҳкам қалъали шаҳарлардан бўлган. Унда истиқомат қилган аҳолининг сонини аниқ билиш имкондан холи. Ҳар ҳолда маҳаллалари бўлган. Шу ўринда мушоҳада учун бир далил бор. Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома» достонида XVI аср бошида, Муҳаммад Шайбоний Хивани қамал қилганида, Чинсўфийнинг мудофаада маҳкам эканлигини, кишилари сони ўн мингтадан ошишини айтганлигини шеърий йўсинда шундай ифода этади:

*Холиё ўзум ила қалъа аро,
Бордур ўн минг киши борча зебо.*

Чинсўфий, ёрдамга келиши мумкин бўлган «қариндош-таборлари» хазарларнинг ҳам беш

минг уйлик эканлигини айтади. Хива қалъаси-нинг ўзида 10 минг аҳолининг бўлишида ҳеч бир маҳобат йўқ. Урганчда ҳам бундан ортиқ аҳоли бўлмаган. Бунинг сабаби анча олисга бориб тақалади. «Фирдавс ул-иқбол» асарида масалага ойдинлик киритувчи қуидаги иқти-бос дикқатга лойик:

«Ва мўгул черикиким, ҳар ергаким еттилар, горат ва қатли ом қилдилар, – деб ёзди Мунис ва Оғаҳий, – ва ул вақт маорифларидан би-ридан манқулдурким, дебдур, агар минг йил адолат ва амният бўлса, мўгул қатли омига талофий ва алар вайронкорлиғифа тадориж қилмас. Андоқким, ул жумладин Хоразмда ҳар мўгул йигирма тўрт кишини ўлдурди ва мўгул-лар юз мингдин ортуқроқ эрди».

Тасаввур қилайлик, юз мингдан ортиқ мўгул лашкарининг ҳар бир сипоҳийси ўлдирган кишилар сони ўртача йигирма тўрттаданга тўғри келса, ҳалок бўлганлар сони қанчага ета-ди? Ўнта мўгул сипоҳи 240 та, юзтаси 2400 та, мингтаси 24 000 та кишининг ёстигини курит-ган бўлса, юз мингдан ортиқ черикнинг ўқига учганлар адади 2 млн. 400 минг ҳисоб қилина-ди. Муаррихлар шуни ҳисобга олиб, тинчлик-да ўтган минг йил давомида ҳам бундай вай-ронагарчиликни тиклаб бўлмайди, дейдилар. Табиийки, уруш-низолар қирғин ўчоги. Юсуф Сўфий ўз кучига ортиқ баҳо бермаганида, дав-лат ишларида ўзининг мустаҳкам қарашлари бўлганида эди, қиличлар қинидан чиқмасди. 1379 йилда Урганч аҳолисининг учдан бир

қисми – фозиллар, аслзодалар, ҳунармандлар күчирилиши ва уларнинг Шаҳрисабзда жойлаштирилиши 500 уйдан кам бўлса бўлганки, ортиқ эмас. Бошқа жойларда бўлганидек, Хоразм шаҳар-қишлоқлари ҳам Чингизхон олиб келган ўлим вабосидан бир асрдан ортиқ вақт давомида ўзини ўнглаб, тўла тиклаб олиш имконига эга эмасди. Олдинда айтилган хуносаларга лаққа тушиб, ишониладиган бўлса, бутун бошли Хоразм аҳолиси аввал Мовароуннаҳрга, сўнгра эса Шаҳрисабзга кўчириб келтирилган, деган лоф сеҳрига тушиб қолган бўламиз. Бунга яна ишонч ҳосил қиласиз, деган умиддаман.

Дашти Қипчоқда Тўхтамишни тахтга восил қилиш, афсуски, Соҳибқирон кутган натижани бермайди. Орадан беш йил ўтар-ўтмас, нонкўр Тўхтамиш кечаги кунни унутиб, оламгириликка мубтало бўлади. Катта қўшин билан Табризга босиб боради, Эрон мулкларини ишғол қилишга иштиғол кўрсатади. Бу хатти-ҳаракатлар Соҳибқирон режаларига зид эди. Шу сабабли ҳам, Амир Темур ҳазратлари «Эрон вилоятининг забтиға хотирин қўйуб, вожиб кўрдиким, ул вилоятларни забт қилғайким, мундин нари анда ёғий кирмағай». 788 ҳижрийда (1386) Соҳибқирон муаррих айтганидек, «Турондан Эрон сари мутаважжих бўлади». Соҳибқирон катта қўшин билан сафарда бўлган вақтида Тўхтамиш вазиятдан фойдаланиб, Бухородан Амударё соҳилигача бўлган мулкларни талаб, Занжирсаройни – Амир Темур ҳазратлари ҳар

сафар севиб қишилайдиган Қозонхон саройини ёкиб юборади. Тўхтамишнинг разилона босқинида Хоразм Сўфийларининг қолган-қутганлари ҳам қатнашадилар. Бир вақтлар Юсуф Сўфийни Амир Темургага қарши гижгижлатган Кайхусрав Хутталонийнинг ўғли, ҳамон Сўфийлар пинжида тиқилиб юрган Султон Махмуд ёвнинг ражарчиси – йўл бошловчиси бўлиб келади.

Бухоро, Занжирсарой, Қарши, Ҳузор ва Термизга қадар бўлган Соҳибқироннинг кўзга суртган шаҳарларини талаш ва вайрон этиш қасдида номардларча, орқаворотдан қароқчи янглиғ келган душманнинг адабини бериб қўйиш ҳаётий зарурат эди.

Сўфийлар макон тутган, 1379 йилда муруват кўрсатилган Урганч яна фитна ўчогига айланган эди. Шу боисдан Амир Темур ҳазратлари сафардан қайтиб, 1388 йилнинг баҳорида Хоразмга, Тўхтамиш черики изидан қўшин тортади. Сабаблар, оқибатлар аниқ талқин этилса, кўнгилларда мудраб турадиган шубҳаларга ўрин қолмайди. Муаррих Шарафиддин Али Яздий сўзларини келтирай:

«Тўқтамиш яна аҳдини синдуруб, – деб ёzáди аллома, – қалин кишини Мовароуннаҳр сори йибариб туурур. Ва муенинг кайфияти бу туурким, Дашиб черикиким, улуғи Бек Ёруқ ва Илиғмиш Ўғлон ва Алибек ва Сотқин ва ўзга беклар... Аммо Тўқтамишнинг қалин кишиси Хоразм йўлидин Бухорога келиб эдилар ва анда етконда аларга бу ҳавас бўлдиким, Бухорони олфайлар».

Воқеанинг якуни маълум. Сиз бу ерда Илифмиш Ўғлон исмига эътибор беринг. 1388 йилнинг март-апрель ойида Тўхтамишнинг қон юқлари қолган изидан Хоразм сари отланған Соҳибқирон важоҳатидан Тўхтамишнинг чериги тум-тарақай бўлади, айрим беклари Амир Темур ҳузурига бош эгиб келади. Лекин Илифмиш Ўғлон ва унинг ёнидаги Сўфийларнинг авлоди бўлмиш Сулаймон Сўфий Хоразмда, Урганч далаларида йилқиларини ўтлатиб, яйлов қилиб юрган бўладилар. Илифмиш Ўғлон Тўхтамишнинг олд бекларидан эди.

Илифмиш Ўғлон, Сулаймон Сўфийлар Хоразмдан жуфтакни ростлаб қочиб қоладилар. Тўхтамиш юрак ютиб, жангга рўпара бўлганида яна ўша Илифмиш Ўғлон унинг ёнида ҳозир бўлади. Шармандаларча мағлубият, қочиб қутулиш – Тўхтамиш чекига тушгани шу бўлади. Шу воқеадан кейин Илифмиш Ўғлон ва Сулаймон Сўфий номлари ҳам ўчиб кетади. Энди савол туғилади, Хоразмга қилинган бешинчи юришнинг асл ўзаги қаерда, нима билан боғлик эди? Тарихни хассослик билан, холис ва ҳаққоний ўрганишда катта-кичик, хаспўшлаб кетиладиган бирор зарра бўлмайди.

Орадан саккиз йил ўтиб, балки бундан-да олдинроқ, Сўфийлар Урганчни фитна ўчоfiga айлантирган ва Тўхтамишнинг пинжига суқилиб, Амир Темур мулкларига кўз олайтириш, босиб олиш, талончилик қилиш пайида иттифоқни йўлга қўйган эдилар. Бу турган гапки, мустаҳкам бирлашув эмасди. Натижада, Тўх-

тамиш ҳам, айниқса, унинг узоқни кўра олмайдиган, давлат илинжида сўқир бўлган шериги – Сўфийларнинг айирмачи, ўзбошимча, туркий давлат инқилобини кўра олмайдиган сўнгги намояндалари бир умрлик сабоқ оладилар. Шимоли-ғарбий Хоразмда буруқсив, аланга олишга ҳозир фитна ўчоғи таг-туғи билан ўчириб ташланади. Шарафиддин Али Яздий ачиниш билан тубандагиларни қайд этади: «Соҳибқирон неча кун Хоразмда туруб ҳукм эттиким, «Хоразм элини кўчуруб, Самарқандга йибаринг! – Шаҳарда бўлғон элни кўчуруб, Самарқанд сори йибардилар ва Хоразмни бузуб, ичида арпа эктилар».

«Хоразм элини» деган иборани «Урганч элини» деб ўқиши мантиқан тўғри бўлади. Муаллиф иккинчи жумлада «шаҳарда бўлғон барча элни кўчуруб», деб мантиққа мувофиқ ёзган. Шарафиддин Али Яздийда «Хоразм» «Урганч»-нинг маънодоши сифатида берилади. Бу иқтибосга изоҳ ёзган йирик тарихчи олимлар Ашраф Аҳмад ва Ҳайдарбек Бобобековлар, «бу ерда сўз бутун Хоразм юрти эмас, балки унинг пойтахти Урганч ҳақида кетяпти», деган эслатмани ўринли таъкидлаганлар. Урганч қалъаси, Сўфийлар макон қилиб келган жой бир неча таноб ерни эгаллаган. Қалъа ичини омоч қўшиб ҳайдаш (айни баҳор вақти эмасми, бугдойга кеч, арпа экишга имкон бўлган) унчалик кўп вақтни олмаган. Энди тасаввур қилинг, кимларнингдир онгида Амир Темур бутун Хоразмни теп-текис қилиб, арпа

эктирган, деган гира-шира на фикр, на хуло-сага ўхшамаган қарааш бор. Фикр ҳаётда, ху-лоса қиёсда шакланади. Ҳар икки ҳолда ҳам тадқиқ ҳақиқатнинг тагига етиш калитидир.

Гапнинг давомини ҳам мухтасар айтиб ўтай. Қадим муаррихларнинг пок ва ҳалоллигига имон келтираман. Гүё улар башорат қилгандек, мустабид замонлар бўлишини, оқ қорага дўндирилишини олдиндан билгандек. Урганч қалъаси бузиб ташланиб, қалъадан асар ҳам қолмаганидан кейин бу ерда зоғ ҳам қишлиамаган бўлса керак, деб ўйларсиз. «Заварнома»ни синчилаб варақлайлик. Муаллиф «Уч йил Хоразмнинг (Урганчнинг – П.Р.) бузулғонидин кечти, яна Ҳазратнинг (Амир Темурнинг – П.Р.) иноят ва марҳамат лутфи ул шаҳарнинг аҳволига тушиб, Даشت Қипчоқ юрушидин қайтқонда Мусикаким, Ханки Қавчиннинг ўғли эрди, Хоразмфа (Урганчга – П.Р.) юбордиким, бориб иморат қилгай. Ул бориб қалъани ясади ва ҳозир ўшул (1425 йил кўзда тутилаётир – П.Р.) иморат турурким, Соҳибқирон давлатидин бўлгон туур», деб хабар беради.

Вақтида В.В. Бартольд ҳам бунга аҳамият берган эди. «1388 йилда Урганч шаҳрининг ўзи ер билан текисланган (албатта, масжидлар, минораларни ва б.ш. кабиларни мустасно қилган ҳолда), барча аҳолиси Самарқандга кўчирилган эди. 1391 йилда Темур шаҳарни фақат бир маҳалла даражасида, қайта тиклашга рухсат берган эди», деган эди. у.

Олим, олдинда ҳам қайд этилгани каби, Амир Темурнинг марказлашган, яхлит туркий давлат ғоясини майда, биқиқ ҳокимларга хос ўч олиш, «адабини бериб қўйиш» юришлари сифатида баҳолайди. «Темур Мовароуннаҳрнинг шимолий ва шарқий қўшиниларига бир неча бор қўшинлар тортиб, даштикларнинг олдинги босқинлари ўчини олиш ва келгусида бундай хавфни камайтиришга интилади», деган сўзларда В.В. Бартольд юришлар ташаббусини тамомила Мовароуннаҳр ҳукмдори зиммасига юклаб қўяди. Сўфийлар, Қамарииддин, Тўхтамишларнинг «қўрқсан олдин мушт кўтарар» қабилидаги босқинчиллик хатти-ҳаракатлари эса иккинчи планга кўчирилади ёинки эслатилмайди ҳам. Фашга тегадиган бу хилдаги писандаларни эътиборга олган ҳолда, В.В. Бартольднинг бошқа сафдошлари журъат эта олмаган Соҳибқирон сифатларини ёритишидаги хизматларини қайд этган бўлардим. Олимнинг қўлида истибодод замони галвири бор эди. Бутун эса шукрки, Мустақиллик имкони ўлароқ, мустабидлар галвиридан ўтиб-ўтмай қолган тарих инжуларини териб олишимиз, қадрлашимиз даст берди.

Тарихий манбаларда ҳам муаллифларда гоҳо бир томонга ҳаддан ортиқ ён босиши ҳолатлари учраб қолади. Муиниддин Натанзий «Мунтаҳаб ут-таворих» (1413–1414) асарида Соҳибқироннинг Тўхтамиш черигига қарши Урганчга 1388 йилда қўшин тортиши ва унинг Кешга дахлдор жиҳати чалкаштирилиб юборилган-

лигини айтиб ўтиш мақбул кўрилди. Натанзий мен жуда кўп мурожаат этадиган, ўз даврининг ҳалол муаррихларидан. Унинг «Амир Соҳибқирон шаҳар аҳолисининг (Урганч – П.Р.) барча аслзода хонадонларини ва машҳур кишилар жамоасини кўчиритириб, Шайхали баҳодирни доруғаликка тайинлаб, қайтиб кетди. Хоразм ўрнига (Урганч – П.Р.) қуббат ул - хазро Кешни бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган янгича тарҳда қуриб, Хоразмдан кўчиб келгандарни шу ерга жойлаштириди» сўзларини мушоҳада этганимизда 1379 ва 1388 йил Урганч юришлари аралаштирилиб юборилганлигига амин бўламиз. Бу икки фотиҳдик юришлари талқини юқорида аксини топди ва ўқувчида аниқ тушунчалар пайдо бўлди.

Оқсарой маъмурий - сиёсий бошқарув мажмуаси ғояси туғилгунча ва ҳаётга жорий этилгунча Соҳибқирон 10 йил Турон мустақиллигини сақлаш, ҳарбий жиҳатдан қудратли давлатга айлантириш ва шу ҳаётий муҳим ишлар қатори мамлакат ободончилигига, қурилишларга ҳам зарурий аҳамият бериш фаолиятининг бош мезонлари бўлган. Оқсаройнинг маҳобати у ҳали қуриладиган жойда эгаллаган ўрни билан ҳайратларга сабаб бўлади. Чунки Шарқда афсона бўлиб келган қасрлар, саройлар унинг қад кўтарадиган қадди-қомати олдида тог билан тепани эслатарди. Оқсарой ҳайрат ва ҳасад ўйғотиб дунёга келаётган эди. Муаррихларда ҳам самимият, ҳайрат ва бир чимдим бўлса-да, ҳасад газакларига ўралган

талқин нишлаб туриши шундан бўлса керак, деб биламан. Қадим муаррихлар Оқсарой таърифида жуда оз гапирганлар, талқини бору, таҳдилий йўқ. Оқсаройдек улуғвор иншоот барпо этилиши ва унинг тарихи XV аср бошларида, Шайбонийлар яғмосига қадар унут бўлиши мумкин эмасди. Соҳибқирон вафотидан кейин Темурийзодаларнинг муаммоси Оқсаройдан кўра муаззамроқ эди, тожу тахт илинжида ўзаро низолар осмонга ўрлаган эди. Биронта туркигўй муаррих Амир Темур тарихини битишга ботина олмаганми ёки рағбат туймаганми, бу жабҳада байроқ Шоҳруҳ Мирзо ҳукм сураётган юртга, олимларига насиб этади.

Мовароуннаҳрда ўша йилларда юз берган сиёсий курашлар ипидан-игнасига қадар улар ёзган тарихларда акс этгану, улуғ Соҳибқироннинг пойтахтида, Шаҳрисабзда қурилган муҳташам бинолар, қасрлар тарихи бир оғиз сўз – эслатиш билан хотима топган.

Оқсарой қасри саодатмиди ёинки синоатми? Фикримча, ҳар иккаласи ҳам. Унинг айнан Шаҳрисабзда – Ўзбекистоннинг дурдона шаҳрида бунёд этилганлиги халқимиз пешанасига битилган баҳт бўлди, халқимиз номини асрлар давомида улуглаб келди. Синоат эса қасрнинг тенгсизлиги ва ...омадсизлигига эди.

...ТАРҲИ ТОЗА БЎЛҒАЙ

Шаҳрисабзда узунасига ҳам, энига ҳам кенгмўл (5,6х5,6 чақирим) бўлган мустаҳкам қалъанинг ичида, унинг баҳаво шимоли-шарқий кутбида Оқсарой қурилиши бошлаб юборилади. Қалъа девори 1378–1379 йиллар оралиғида, чамаси, халойик ҳашари тарзида битказилган. Бунда Урганчдан олиб келинган хунармандлар ва деворзанглар иштироки ҳам истисно этилмайди. Кешда қадимдан қалъадорлик тажрибаси катта эди. Буни «Табарий тарихи»да арабларнинг Кешни эгаллаш йўлида қамалга зўр берганликлари талқинида англаш мумкин бўлади.

Оқсаройнинг муazzзам биноси тарҳи, ўрни, назаримда, қалъа сингари бирданига тахт бўлиб, тез бошланиб кетмаган. Урганчлик муҳандисларнинг лойиҳалаштиришда, қаср тамалини тиклашда ўрни қандай бўлган? Бўлганми ўзи? Бундай савони ножоиз қўяётганим йўқ. Ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталарида шу муаммога оид турли фикр-мулоҳазалар туғилган эди. 1926 йилда таниқли олим А.Ю. Якубовкий Шаҳрисабзда хоразмлик усталарнинг Амир Темур қурилишларида иштироки масаласини ўрганишга киришади. Олим Шаҳрисабз ҳақида бир талай ёзма гувоҳдикларни жамлашга муваффақ бўлган. Кейинчалик олимнинг ўзи ёзма равишда тан олганидек, тўпланган далиллар йўқолиб қолган. Унинг эътирофига кўра, шаҳарнинг нисбатан баландликда жой-

лашган қисмida қадимдан ҳисор бўлиб, унинг қамров доираси 20 таноб даражасида бўлган. Қалъа қолдиқ деворлари ўлчами 2 чақирим бўлиб, ўша пайтлардаёқ шаҳар икки қисмга бўлинган.

Ҳисор барпо этиш бобида Шаҳрисабз аҳолиси эгаллаган малака, бироз олдинга кетиб айтадиган бўлсам, Бухоро Манғит амирлари даврида ҳам жуда қўл келган эди. Мени қизиқтиргани, А. Ю. Якубовскийнинг ўтган аср 20-йилларидаёқ Шаҳрисабздаги Амир Темур меъморий обидаларида хоразмликларнинг қатнашган ёки қатнашмаганлигини алоҳида мавзу сифатида ўрганиши бўлди. Бу иштирокни инкор этмаган ҳолда, 1379 йилда Урганчдан кўчириб келинган кишиларнинг асл зодалар, Қуръони карим ҳофизлари ва ҳунармандлар – усталар бўлганлигини, уларнинг сони айтарли даражада кўп эмаслигини мушоҳада этиш ўринли туолади. Тарихий манбаларда умумий йўсили эслатмаларни ҳеч бир мулоҳаза чиририғидан ўтказмай туриб, қабул қилишга одатланиб қолганимиз. Шу бойисдан ҳам, «Темур Хоразмни истило қилган, бу ўлгадаги ҳамма ишга яроқли олимлар ва ҳунарманд усталарни Мовароуннаҳрга ва ундан Кеш шаҳрига кўчириш тўғрисида фармон берган. Хоразмлик меъмор усталар бунда муҳташам сарой қурдилар. Бу энди Оқсарай номи билан машхур», деган саёз, бир ёқлама хуносалар вужудга келди. Бу фикр 1979 йилда нашр этилган рисола орқали оммавийлашди

ва ҳали-ҳозирда ҳам муносабат билдирилмай, яшашда давом этаётир.

Оқсарой билан Шаҳрисабз Соҳибқирон ҳазратлари қурдирган қалъа девори битказилиши орасида камида бир йил тафовут қиласлик вакт бор. Амир Темур ҳазратлари Хоразмга тўртинчи бор қўшин тортгани ва шу юришдан кейин Занжирсаройда қишилагани ҳақида олдинда сўз юритилди. Урганчдан кўчирилган донишмандлар, ҳаффозлар ва ҳунармандлар Кешда (Шарафиддин Али Яздий) жойлаштирилган. Шаҳрисабз ҳисори эса, бу пайтда тайёр ҳолига келиб қолган эди. Хоразмлик усталар зиммасига, афтидан, ҳисор ичидан қаср учун муносиб жой танлаш, унинг олийшаън бино бўлишини чамалаш, чизгилар, хомаки нусхалар тайёrlаш сингари муҳандислик юмушлари юклangan бўлса, ажаб эмас. Самарқанд – Шаҳрисабз – Занжирсарой ташрифларидан кузатилган мақсад ҳам, назаримда, янги қурилажак саройнинг Соҳибқирон диidi даражасида бўлишига эришиш, назорат қилиш билан боғлиқ бўлса керак.

«Шаҳрисабз» номли мажмуанинг 2-жилдида (1993) «Абдураззоқ Самарқандий «Оқсаройнинг қурилиши бошланиши ҳақида маълумот беради», деган жумлани ўқиб, иқтибосда кўрсатилган Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарининг Тошкентда, 1969 йилда нашр этилган нусхаси, 116-бетини қараб чиқдим. Бу саҳифада Мироншоҳ Мирзонинг Шаҳрисабзда дафн эти-

лиши ҳақидағи маълумотни топдиму, Оқсарой қурилишининг қачон бошлангани вақтини таассуфки, топа олмадим. Лекин В. В. Бартольд Абдураззок Самарқандийнинг зикр этаётганим асаридан бу ҳақда бир иқтибос келтирған. В.В. Бартольд асарида (3-жилд, 1965, 63-бет) берилған бу күчирма шундай: «Устодони Хоразми сарои олийки, хало Оқсарой машхур аст, тархи андохтанд» – хоразмлик усталар олий қаср қурдиларки, ҳозирда бино Оқсарой номи билан машхурдир.

Бу ерда бир жиҳатни эсдан чиқармайлик. Абдураззок Самарқандий китоби 1468–1470 йиллар давомида ёзиг тутгалланған. Оқсарой қурилиши бошланиши билан асар хотималанғунча түқсон йиллик вақт масофаси бор. Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий ва Шарафиддин Али Яздий, Фасиҳ Ҳавофийнинг тарихий асарлари Амир Темур ҳазратлари ҳаётлигигида ва вафотидан 9-20 йил ўтиб ёзилған. Бу манбаларнинг тарихий-илмий қиммати бекіес, бироқ уларда Оқсарой қурилиши бошланған вақт ҳақида аниқ күрсатма мавжуд әмас. Умумий равищда Оқсарой қурилгани айтилади.

Оқсарой тұғрисида ҳаммадан күпроқ қизықсиниб ёзган Руи Гонсалес де Клавихо бирон нарса демаганмикан бу ҳақда? Испан элчи-си юртидан то Самарқандгача бўлған узундан-узоқ йўлда кўрганларини оқизмай-томизмай қофозга туширган. Айниқса, Амир Темур ва Темурийларга дахли бўлған бирон нарса

унинг назаридан четда қолмаган. Сўраган, суриштирган, тагига етишга интилган. Бахтга яраша, Оқсаройнинг қачон қурилганлиги ҳам бу синчков элчининг тадқиқ доирасида бўлган экан.

Испан элчилари 1404 йилнинг 28 августида Шаҳрисабз шаҳрига етиб келганлар. Бу пайшанба куни бўлган. Эртасига Руи Гонсалес де Клавихо бошлиқ меҳмонларни «маҳобатли саройни» томоша қилишга олиб борганлар. Бу ҳақда Клавихо шундай ёзди: «эртаси, жума куни элчилар Кешдаги яна бир маҳобатли саройни томоша қилишди. Подшонинг амри ила бунёд этилаётган бу кошона қурилиши, айтишларича, **йигирма йилдан бери ҳар куни, тинимсиз давом этади**. Шу кунларда ҳам бу ерда кўплаб усталар ишларди».

Руи Гонсалес де Клавихонинг далилларга ўчлигини, юртига қайтиб борганида билганлари иш беришини ҳисобга олиб, тадқиқотдан эринмаганлигини инобатга олсак, «маҳобатли сарой» – Оқсаройнинг 1384 йилдан эътиборан ҳар куни тинимсиз қурилиши давом этаетгани маълум бўлади. 1404 йилда ҳам, элчилар гувоҳ бўлганидек, «бу ерда кўплаб усталар» меҳнат қилаётганлиги аён бўлади. Таржимада шу сўзлар аслият руҳини тўлиқ ифода этган деб ўйлайман. Бас, уларни мушоҳада этадиган бўлсак, Оқсарой ҳақидаги ҳақиқат бир қадар ойдинлашади. Клавихо 1404 йилнинг кузида Оқсарой қасрида «кўплаб усталар» ишилаётганини таъкидлайди. «Кўплаб усталар» билан

юзлаб, минглаб усталар ишлаётир, деган иборалар ўртасида жиддий маъно тафовути борки, бу изоҳ талаб этмайди. Элчининг сўзидан қасрнинг аллақачонлар битганлигини, эндиликда унинг пардозлаш ёки деворий ёзувлар билан боғлиқ, кўп минг кишилик куч талаб қилмайдиган, 40-50 маҳоратли усталар билан охирига етказиладиган юмушлари қолганлигини идрок этиш тўғри бўлади.

XIX асрнинг машҳур сайёҳи Херман Вамбери кўпгина муаррихлар ботина олмаган хуласалари билан Шаҳрисабз ва Оқсарой ҳақида ажойиб эсадаликлар қолдирган. Унинг сўzlарига дикқатни қаратайлик. «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асаридан ўқиймиз:

«Темур ғалабалари ва бахтининг илк даврида Кеш шаҳрига катта аҳамият бериб, уни Ўрта Осиёning маънавий марказига айлантирган эди. Шу боис бу шаҳар «Қуббатул илм ва-л адаб» унвонига эга бўлган эди... Темур ўзининг пойтахтини ҳам шу ерда (Шаҳрисабзда – П.Р.) қуришни ният қилиб, гўзал Оқсаройни бино эттирган эди. Ўн икки йилдан ортиқроқ вақтда бино қилинган бу сарой Эрон меъморларининг холис ишидир».

Сайёҳ муаррихнинг хуласалари таҳдилига ҳали қайтамиз. Бу иқтибосда қизиқарли жиҳат Оқсаройнинг «ўн икки йилдан ортиқроқ вақтда бино қилинган»лигига. Клавихонинг лафзидан келиб чиқиб, Оқсаройнинг қурилиши бошланганлигини 1384 йил, тугалланишини эса Вамбери қавлига кўра 1396 йил деган тўхтамга келишимиз мумкин бўлади.

Оқсаройнинг қурилиши битиши шунчаки оддий воқеа бўлмаган. Ўтган йиллар давомида бу қаср Соҳибқирон жанобларининг диққат марказида турган. Навбатдаги фасллардан бирида Амир Темурнинг Оқсарой қурилаётган йилларда Шахрисабзга қилган ташрифлари тўғрисида махсус тўхталиш ниятим бўлгани учун шу ўринда улардан бири хусусида сўз юритмоқчиман. Херман Вамбери Оқсарой қурилиши тамомланиши ҳақида ўн икки йилни қайси манбадан олган (бунга шубҳам йўқ) билмадим, бу далилни у ҳаводан олмаган, шундай экан, Амир Темур ҳазратлари 1396 йилда Шахрисабзга, албатта, қадам ранжида қиласидилар, деб ўйладим. Шундан аввал Соҳибқирон беш йил фотиҳлик юришига отланган, майда хонликларга бўлиниб, ўз бошига алоҳида ҳукм суроётган Эрон мулкларини тасарруфига олишга муваффақ бўлган эди. Бу орада Мовароуннаҳрдан Оқсаройнинг қурилиши ниҳоясига етганлиги хушхабари Ҳамадонга ҳам етиб борган кўринади.

1396 йилнинг 18 июль куни Амир Темур ҳазратлари аркони давлати билан хушнудликда Самарқанд йўлига мутаважжиҳ бўлади. Соҳибқироннинг ташрифига алоҳида тайёргарлик кўрилганлигини, Оқсарой ўз бунёдкорини шоён қаршилашга тахт қилиб қўйилганлигини муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг мана бу сўзларидан тўлиқ сезиш мумкин бўлади:

«Аму суйига етиб, кема била ўтуб, Ҳузор вилятига келиб тушди. Ҳарамлари Сарой Мулк

хоним ва Туман Оғо ва ўзга оғолар, олиё Султонбахт бегим ва шаҳзода Шоҳруҳ била ўтрув чиқиб келиб, давлати дийдорига мушарраф бўлдилар. Ва андин Ҳазрат Соҳибқирон кўчуб, Кеш вилоятига келиб, ўзи солғон Кўшкда (Оқсаройда – П.Р.) тушти. Ва тонгласи отланиб, мутабаррук мазорларнинг тавофиға борди. Аввал Шайх Шамсаддин Кулол мазориға бориб тавоғ қилди ва андин сўнг ўзга азизларнинг мазорлариға бориб тавоғ қилди ва андаги муҷовирлари била фақиру мискинларга кўб садақалар берди. Андин атоси Тарагайбекнинг мазориға ва ўғли Мирзо Жаҳонгир ва қариндошларнинг мазорлариға бориб тавоғ қилди. Ҳофизлар Қуръон ўқуб, дуо ва такбир дедилар. Ҳофизларга кўб нималар шафқат қилди. Ва ҳар ердинким уламолар ва фузалолар келиб эрди, барчани лутфу инъом била хушвақт қилди. Подшоҳзодалар ва беклар барча Оқсаройда тўй этиб, айшу ишратға машғул бўлдилар. Ва андин саодат ва иқбол била кўчуб, Кеш уқбасидин ўтуб, Самарқанд шаҳриға бориб тушти».

Низомиддин Шомий, бевосита шу воқеаларнинг энг яқин гувоҳи, Амир Темурнинг Шаҳрисабзда тантанавор кутиб олинишини (1396 йил, июль) таъриф қилиб, «Амир Соҳибқирон бир қанча кун Кеш вилоятида, Оқсаройда турди, тўйлар қилдилар, шодлик ва хурсандлик билан кун ўтказдилар», дейди.

Ҳерман Вамбери хулосасининг ҳаёт ҳақиқатига тўғри келишини Шарафиддин Али Яздий-

нинг яна бир далили сабит этади. 1394 йилнинг 17 сентябрида Эронда беш йиллик юришда бўлган Амир Темур ҳазратлари Самарқандга тафтиш учун, пойтахтда ва бўлак мавзеларда аҳвол қандайлигини назорат қилиш учун Шоҳруҳ Мирзони йўллайди. «Зафарнома»да «Шаҳзода юруб, Кеш вилоятига тушди», дейилади. Кўрамизки, Оқсарой тилга олинмайди, демак, бу вақтда курилиш қизғин давом этаётган, бундан қониққан Шоҳруҳ Мирзо уни кўздан кечириб, пойтахтга ўтиб кетган.

Ёзма манбаларда Оқсарой курилиши даври хусусида йўл-йўлакай айтилган фикр-мулоҳазалардан маълум хulosаларга келинди. Бунда оғзаки манбалар, нақллар ва ривоятларга ҳам эътибор қаратадиган зарб бўлсак, мушоҳада доираси анча кенгаяди. Тарихчи олим Саттор Турдиев ўзининг «Оқсарой – Амир Темур курдирган кошона» номли мақоласида (1996) бир ривоят келтириб ўтади. «Амир Темур қурилажак Оқсарой устаси учун чопар юборади, – деб нақл келтиради олим, – уста шундай бино куриши керак эдики, у жаҳонда ягона бўлсин. Уста бу хабарни эшитгач, Темур ва унинг одамларига билдиrmасдан, кечқурун қурила жак бино ўрнига таёқчани қадаб қайтиб кетади. Орадан бир йил ўтади, уста қадаб кетган таёқчадан хабар олади. Таёқни қандай қадаб кўйган бўлса, шундай турган экан. Ва шоҳ ҳузурига кириб, Оқсаройни қуриш учун рухсат сўрайди. Бундан шундай хulosса қилиш мум-

кинки, уста ўша жойнинг мустаҳкамлигини ва ўзгармаслигини назарда тутган».

Иккинчи бир ривоятда Амир Темур Кеш шаҳрининг тўрт жойида тўртта сўйилган қўйнинг гўштини остириб қўяди, биттаси ҳозирги Оқсарой ўрнида бўлади. Қарасалар, уч жойнинг гўшти бузилиб, ҳидланиб қолган эмиш. Оқсарой ўрнидагиси эса анча вақтгача ўз ҳолатини сақлаб турган. Ҳақиқатан ҳам, Оқсаройга ташриф буюрган кишигина бунинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини сезади. Чунки ўша ернинг ҳавоси жудаям енгил, тоза, одам кайфиятига ижобий таъсир қиласди.

Оқсарой ҳақида халқ тўқиган ривоят ва афсоналарга разм солинса, мулоҳаза этиб кўрилса, ҳақиқатнинг нақдга дўнган мантифи жилоланиб турганлигини пайқаш осон бўлади. Шаҳрисабз шаҳри жойлашган минтаقا денгиз сатҳидан 658 метр баландликда, 39° шимолий кенглик ва 66,5° шарқий узуниликда жойлашган, шарқи ҳам, жануби ҳам тоглар билан қуршалган, серсув, баҳаво манзиллардан ҳисобланади. Об-ҳавонинг мулоҳим ва мўътадиллигига урғу берадиган нақллар, шу сабабдан бўлса керак, талайгина. «Темур ва Улуғбек даври тарихи» (1996) китобида зикр этилган ривоятда ҳам Шаҳрисабзнинг иқлими кўзда тутилади. Нақдда айтилишича, Оқсаройнинг пештоқ гумбазини қурган меъморни Темур шошириб турган бўлишига қарамай, уста бир куни пештоқда узун занжирни осилтириб қўйганича фойиб бўлибди. Темур ғазабланиб кет-

ган, аммо қидиртириб устани топа олмаган, бошқа усталар эса бу мураккаб вазифани бўйинларига олишга журъат қилолмаганлар. Шу алфозда икки йил ўтган ва тўсатдан устанинг ўзи дарғазаб Темур ҳузурида пайдо бўлиб, шундай деган: «Қаранг, олампаноҳ; мен кетганимда занжирнинг учи бошимга тегиб турарди, энди эса елкамдан ҳам пастга тушибди. Демак, пештоқ пойдевори чўккан ва энди мен гумбазни тиклай оламан, акс ҳолда у ёрилган ва кейин бузилиб кетган бўларди». Темур ғазабини марҳаматга алмаштирган, қурилиш поёнига етиб, уста мукофотланган.

Ривоятлар ўз йўли билан дейиш ҳам мумкин. Мағзи чақиб кўрилса, тўғри хulosса чиқаришга туртки берадиган бир ички куч борлигини инкор этиб бўлмайди. Биринчи нақлда қаср қуриладиган жой бир йил давомида синовдан ўтганлигини, танланган майдоннинг пишиклигини пеша этиш, иккинчисида эса тамал тоши қўйилиб, оғирлашган тагзаминнинг ҳолати икки йил давомида кузатувда бўлганлиги (аниқроғи, ташлаб қўйилганлиги) ўз ифодасини топган. Оқсарой шу вақтга қадар на Соҳибқирон давлати меъморчилиги тарихида ва на Шарқ мамлакатлари қасрлар солиш кечмишида тажрибадан ўтмаган, вазни чамасиз даражада катта, ерга бўлган босими даражаси ҳаминқадар бўлган. Муҳандислар, кўпни кўрган усталар маслаҳати тамалдан кейин, албатта, маълум муддат кутиш бўлган. Соҳибқироннинг Шаҳрисабзда, Самарқандда

қурдирған биноларида тажрибалар ортганди. Лекин улар бино этилиши билан боғлиқ ривоятлар йўқ, аслида уни тўқишига эҳтиёж бўлмаган. Бундан биргина Биби Хоним масжиди мустасно десак бўлади. Бу иморат ҳам ўз замонасининг энг йирик иншоотларидан бири ҳисобланади.

Ёзма манбалар ва оғзаки нақллар Оқсарой-нинг қурилиши, қад ростлаш йиллари тўғрисида ишонарли маълумотларни ўзларида ташыйди. Фақат уларга мулоҳазакорлик билан ёндашилса, мантиққа асосий эътибор берилса, муддаога эришилади.

КОШОНА ТАРОВАТИ


Ҳақ гапга тан бериш керак. Ҳар сафар мўъжазгина рисолани мутолаа қилганимда, улкан олима Галина Анатольевна Пугаченкованинг Оқсарой ҳақида куйинчаклик билан айтган мана бу сўзларини мушоҳада қилишга беришаман. «Оқсарой. Шахрисабз ҳисорининг шимоли-шарқий қисмидаги майдонни, Оқсарой кошонасини ва яхши режалаштирилган боғни қамраган қасрий мажмуя жойлашган. Бизнинг кунларимизга қадар ундан кириш пештоқининг харобаларигина қолди. Саройнинг илк қиёфаси ҳақида агар унинг замондоши ва гувоҳи Руи Гонсалес де Клавихонинг батафсил тасвири бўлмагандан эди, фақат каромат қилиш мумкин бўларди». Олима ҳақ, юз чандон ҳақ. Клавихонинг битикларида йўл-йўлакай Шахрисабз ва Оқсаройнинг таъриф ва тасви-




Оқсарой. XIX асрнинг 90-йиллари



Оқсаройнинг ҳозирги кундаги күриниши





Оқсарой. XIX асрнинг 90-йиллари

ри бўлмагандга эди, ўша давр тарихий манбалидаги ихчам, лўнда жумлалар билан қаноатланишга мажбур бўлардик.

Клавихо Соҳибқирон Амир Темур давлатининг энг юксакликка кўтарилиган, довруги жаҳонга ёйилган, XV асрнинг залварли қадамлари эндигина заминга қўйилаётган даврда Шаҳрисабзда, Самарқандда бўлган. XV аср бошида Шаҳрисабз қандай эди?

«Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги» (1403–1406 йиллар) китобига назар ташлайман. Руи Гонсалес де Клавихо 1404 йилнинг 22 августида Термиздан чиқиб, ҳафтадан кейин Шаҳрисабзга етиб келади. «Кеш текисликда жойлашган, – деб ёзади илк таассуротини қофозга туширган Клавихо, – бағрида кўплаб ариқлар ва анҳорлар оқади, шаҳарда боғлар ва уйлар кўп. Аҳоли зич яшайдиган қишлоқлар, кўм-кўк ўтлоқзорлардан иборат, сувга сероб бу текислик ёзда жуда чиройли манзара касб этса керак. Текис, сугориладиган далаларга буғдой, пахта, қовун-тарвуз экилган, ҳаммаёқда токзорлар ва мевали боғлар. Шаҳар атрофи тупроқ қўргон ва чуқур хандақлар билан ўралган. Шаҳарга кириладиган дарвозалар олдида кўтарма кўприклар бор».

Хандақ ва кўтарма кўприклар тўғрисида олдинроқда гапиргандим, бу сув мудофаа иншооти ва осма кўприклар 1378–1379 йилда Амир Темур ҳазратлари хоҳиши билан бунёд этилганлигига энди сира шубҳа қолмади.

Ўрни келгани учун испан элчисининг айнан 1404 йил кузида Шаҳрисабзда Амир Темур ҳазратлари изни билан давом эттирилаётган қурилишлар ҳақида ёзиб қолдирган маълумотларини зикр этиб ўтиш жоиз деб билдим. Шаҳрисабзнинг ўша вақтда қизғин иш олиб борилаётган қурилиш майдонига айлантирилганлигини бир кўз оддимизга келтириб кўрайлик. Клавихо жаноблари ёзади:

«Подшоҳ Темурбек авлоди шу шаҳардан. Унинг отаси ҳам шу ерлик. Шаҳарда катта уйлар, масжидлар кўп. Хусусан, Темурбек томонидан қурилган бир масжид алоҳида ажралиб туради. Масжиднинг қурилиши ҳали тугамаган. Унда Темурбекнинг отаси дафн этилган мақбара бор. Темурбекнинг амри билан унинг ўзи учун қурилаётган мақбара ҳали битмаган. Айтишларича, бундан бир ой олдин бу ердан ўтган Темурбек мақбара қурилишининг боришидан кўнгли тўлмайди. Мақбаранинг эшиги паст эканини айтиб, уни қайтадан ишлашни буюради. Ҳозир усталар шу топшириқни бажариш устида ишламоқдалар...

Масжид ва мақбаралар тилло, зангори буёқ ва кошинлар билан сайқалланган. Масжид олдидаги катта ҳовлида ҳовуз бор, атрофида дарахтлар ўсиб турибди. Подшонинг фармойишига биноан, масжидда ҳар куни йигирматга кўй сўйилиб, отаси ва ўғлининг хотираси учун элга (худойи) ош берилади. Элчилар шаҳарга келишлари билан уларни дарҳол ана шу масжидга бошлаб келдилар. Гўштлик таомлар,

мева-чевалар келтириб, меҳмон қилдилар. Овқатдан сўнг элчиларни бир йирик саройга бошлаб боришиди. Бу ерда бизга турар жой ажратилган эди.

Эртаси, жума куни элчилар Кешдаги яна бир маҳобатли саройни томоша қилишди».

Жума куни эртаси 1404 йилнинг 29 августи эди. «Подшонинг амири ила бунёд этилаётган бу кошона қурилиши айтишларича, йигирма йилдан бери ҳар куни, тинимсиз давом этади. Шу кунларда ҳам бу ерда кўплаб усталиар ишларди». Клавихо, ҳеч бир шубҳасиз, бу ерда Оқсарой ва унинг қурилишини кўзда туваёттир.

Руи Гонсалес де Клавихонинг ҳассослиги, синчковлиги, айтган гапини асосли, далилли равишда мустаҳкамлашга интилиши менда рости ҳавас уйғотади. Унинг бу борадаги туумини қўллаб, бир далилини синааб кўрмоқчи бўлдим. У Шахрисабзда яшаб турган пайтида «бундан бир ой оддин бу ердан ўтган Темурбек мақбара қурилишининг боришидан кўнгли тўлмайди», дейди. Бу шунчаки эшитма гапми ёинки воқеийми эканлигини манбалар билан муқояса қилишга киришдим. 1401 йил августидан зътиборан Соҳибқирон Амир Темур юришларида бевосита бирга бўлган муаррих Низомиддин Шомий ва буюк халоскор вафотидан йигирма йил ўтиб асар ёзган Шарафиддин Али Яздийлар бу ҳақда фикр билдиришганми, дея қараб чиқдим. Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийлар бу борада якдил бўл-

ганлар. Соҳибқирон 7 йиллик фотиҳлик юришидан 1404 йил 29 июнда Самарқандга қайта бошлаган. Шарафиддин Али Яздий Амир Темур ҳазратларининг Самарқандга етиб келишини шундай таъриф этади:

«Соҳибқирон саодат ва иқбол била отлануб, муҳаррам ойида, тарих саккиз юз еттида (июль, 1404 йил) Самарқандда Боги Чинорга келиб тушти». Амир Темур ҳазратлари Самарқандда етий йил давомида, ўзи пойтахтда йўқлигига қурилиши буюриб кетилган иморатларни, жоме масжидини кўздан кечиради. Қурилишда бўлган камчиликларни тузатишга, айборларни жазолашга амр қиласди. Клавихонинг «Зафарнома»ларга (аввал ва соний) кирмай қолган бир жиҳатга аҳамият берганлиги ибратлидир. Амир Темур ҳазратлари Шом, Миср ва Рум музafferиятидан қайтар чоғида қўл остидаги вилоятлар ҳокимияти ишларини, олиқ-солиқларни, адл ва бошқарув соҳаларини шахсан сўраб-сuriштирган. Амударёдан ўтиш, Ҳузор йўли орқали Шаҳрисабзга келиш одатдаги ҳол бўлган. Соҳибқирон муаррихи Низомиддин Шомий фаромуш қиласган бу воқеани Испан элчиси ўз эсадалигига муҳрлаган. Шаҳрисабзда ҳам, Самарқандда ҳам олиб борилаётган қурилишларда эшикнинг паст қўйилиши Соҳибқиронга маъқул тушмаган. Қурилиш мутасаддилари энидан, бўйидан уриб, «иктисод» қилиб, «биздан ўтар-сизга етар» қабилида иш кўрганлар. Орадан ўтган етий йил Хожа Маҳмуд Довуд, Муҳаммад Жалд

ва Жалолиддин Маҳмуд сингари ишончли кишиларни ҳам нафс бандаларига айлантиради.

Клавихо қундалигининг ростгўйлиги шу тариқа синовдан ўтди. Мұхими, у 1404 йилнинг июлида Амир Темур ҳазратларининг 7 йиллик сафардан қайтиш чоғида Шаҳрисабзда тўхтаб ўтганлигини, қурилишларни кўздан кечирганлигини айтиб ўтади. Шубҳасиз, унинг суҳбатдошлари Амир Темур ҳазратларига яқин кишилар, шаҳар аёнлари бўлишган. Соҳибқирон танбехи Оқсарой хусусида бўлмаган. Йўқса, бу Клавихонинг ўткир нигоҳи ва фаҳмидан четда қолмасди.

Энди эса Клавихонинг 1404 йил 29 августда Амир Темур ҳазратлари Шаҳрисабзда бўлганидан бир ой кейин Оқсаройни кўргани ва ҳайратларини қундалигига қандай туширганлиги ҳақида тўхталаман. Испан элчиси Оқсаройни фаолият кўрсатаётган, битган қаср сифатида таърифлайди:

«Саройга жуда узун йўлакдан, баоят баланд дарвоза орқали кирилади. Йўлакнинг икки томонидаги гиштин равоқ жимжимадор, гулдор кошинлар билан безатилган. Равоқлар остида очик, кичик айвончасимон жойлар бўлиб, олдидаги кошинлардан супа қилинган. Айвончалар подшоҳни кутиб олувларнинг ўтиришига мўлжалланган. Шундан сўнг навбатдаги эшикдан катта ҳовлига чиқлади. Ҳовли саҳнига оппоқ тош тахталар тўшалган, ҳар икки ёнида ҳашаматли айвонлар. Ҳовлининг ўртасида катта ҳовуз жилоланиб туради. Ҳовли саҳ-

нининг кенглиги уч юз қадам келади. Мазкур жовлидан бағри кенг уйга кирилади. Уйнинг жуда баланд ва кенг очиладиган эшига зарҳал ва ложувард бүёқлар ҳамда чиройли кошинлар билан безатилган. Эшикнинг тепасидаги девор ўрта қисмида қуёш нури кўламида акс эттирилган шер тасвири бор. Эшикнинг четларига ҳам худди шундай суратлар чизилган...

Юқорида тилга олинган эшикдан тўртбурчак шаклидаги қабулхонага кирилади. Қабулхонанинг деворларига олтин ва ложувард бүёқлар ҳамда ялтироқ кошинлар, шифтига эса яхлит зарҳал бүёқлар билан сайқал берилган. Бу ердан элчиларни юқори қаватга бошлаб чиқдилар. Бу қаватда бошдан-оёқ зарҳалланган бўлма ва ҳашаматли хоналарни шу қадар кўп кўрсатишдики, таърифини адо қилиб бўлмайди. Бўлма ва хоналарга зарҳал, зангори ва бошқа хил бүёқлар билан заргарона ҳал берилганки, чевар усталарга эга бўлган Париж ҳам бу нақшлардан ҳайратга тушиши ҳеч гап эмас. Шундан кейин подшоҳ ва маликалар истиқомат қилишига мўлжалланган бўлма ва ҳарамларни кўрсатдилар. Бу хоналарнинг деворлари, шифти ва таги ҳаддан ташқари ҳашаматли безатилган.

Сарой тепасида ҳар хил ҳунарманд усталар ҳамон ишлар эдилар. Шундан кейин элчиларни подшоҳнинг ўз маликалари билан туришга ва базм ўтказишига мўлжалланган жуда кенг ва ҳашаматли залга бошлаб кирдилар. Унинг олдида мевали ва серсоя дарахтлар ўсган, ҳо-

вузлар ва дид билан бунёд этилган майсазорлар мавжуд, катта боғ яшнаб турарди. Боққа кираверишда анча кенг майдон бўлиб, унда одамлар ёз ойлари сув бўйида, дараҳтлар соясида хузур қилиб ўлтиришлари мумкин эди.

Сарой шу қадар ҳашаматли қилиб қурилган эдик, уни тасвирилаш учун хоналарнинг ҳар бирини шошилмай кўздан кечирмоқ керак. Мазкур сарой ва масжид подшоҳ томонидан ҳозиргача қурдирилган энг улуғвор бинолар жумласидандир. Буларни подшоҳ шу шаҳарда дафн этилган ўз отаси шарафига қурдирган. Унинг ўзи ҳам шу шаҳарда туғилган».

Руи Гонсалес де Клавихонинг кундалигидан келтирилган ушбу иқтибосни раҳматли Очил Тоғаев томонидан бажарилган таржимасидан (2010) ҳавола қилдим. Клавихонинг Амир Темур саройига қилган сафари кундалиги рус тилига XIX аср охирларидаёқ таржима қилинган. Асар Санкт-Петербургда 1881, Москвада 1990 йилларда босилган. Галина Пугаченкова «Термиз. Шаҳрисабз. Хива» (1976) китобида Клавиходан Оқсарой таърифини келтирадар экан, «в этом дворце был очень длинный вход и очень **высокий портал**» истилоҳини ишлатади. Олима, афтидан, Клавихонинг 1881 йилги русча таржимасидан фойдаланган бўлса керак. Икки жилдли «Шаҳрисабз» китобининг 2-жилдига Клавихонинг шу сўзлари 1990 йилги русча таржимаси асосида «во дворце очень длинный вход и очень **высокие ворота**» тарзida берилади. Рус тилида «пештоқ» ва «дарво-

за» шу тариқа икки хил күринишда (аниқроғи, икки хил маңнода) таржима қилинганд. Галина Анатольевна, назаримда, түғри ўғирмадан фойдаланған. Баланд пештоқли қасрга йўлак бошида қўйилган баланд дарвозадан кириш мумкин экан, деган чалғишиш бўлмаслигига кафолат борми?

Пештоқ билан дарвозанинг фарқланиши зарурати жуда катта. Оқсарой қасрига узун йўлакдан кириб борилган. Киравериш – олд пештоқнинг икки қанотида ён-вери безакдан гулдаста ҳосил қилган иккита қудратли минора осмонга бош чекиб турган. «Шаҳрисабз» қадимшунослик асарининг муаллифлари таъкидлаганлари каби, пештоқнинг ярим ойсимон, китоба билан нақшланған энг баланд қисми баланддиги 70 метрга етган.

Ҳозирги пайтда ана шу муаззам пештоқдан 38 метрлик хароба қолган, холос. «Ҳафт ранг» – етти хил камалак товланишини ёдга соладиган бўёқларда безатилган, бинафша – кўкимтири, ложувард – мовий, олтин ҳалли, зарҳал, оқ, қизил, жигарранг кошиналар турфа гўзаллик баҳш этган кошонанинг улуғвор бўй-бастини кўз ўнгимизга келтириб кўрайлик. Тамалдан бошлаб, энг юқори нуқтага қадар китобалар – илоҳий, диний битиклар, манзарали нақшлар қасрни бошдан-оёқ чиройга чулғаб турган.

Бурж минораларига қуфий ёзуви билан битилган матнлар Аллоҳ таоло сифатларига, подшоҳни улуғлашга қаратилган ихчам, оҳангдор, маъноли жумлалардан тузилган. Куфийда

ёзилган ҳарфларнинг катталиги 2,8 м.ни ташкил этади. Пештоқнинг юқори қисмида «Подшоҳ – Аллоҳнинг ердаги сояси» битиги бир неча ерда такрорланган. Ёзувларни кўпгина олимлар ўқишга мұяссар бўлганлар. М.Е.Массон, Ҳ. Султонов, М. Раҳимжонов каби тадқиқотчилар бу соҳага катта ҳисса кўшганлар. «Адолат – давлат асоси ва ҳукмдорлар шиоридир», «Подшоҳлар сўзи – сўзлар ичра подшоҳдир» сингари деворий безакли битиклар Оқсаройга салобат, кўрк ва маърифийлик бағишилаган. Бироз олдинроқقا кетиб, бир таъкидни кўшгим келди. XVI аср муаррихи, «Абдулланома» (1596) асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий ўз китобида Оқсаройнинг китоба ёзувларидан бири – «Подшоҳлар сўзи – сўзлар ичра подшоҳдир», жумласини Шахрисабз воқеаларига боғлаб тилга олиб ўтади. Бундан хуносам шу бўлдики, ўтган асрларда Оқсаройнинг диний-маърифий шиорларини кишилар ўқиганлар, билганлар, асарларида улардан иқтибослар келтирганлар.

Оқсаройнинг кошиплар билан деворларга нақшланган матний битиклари илоҳий (диний) ва қонунчилик йўсинига эга. Қуръони карим, Ҳадисларга таяниб ёзилган, Аллоҳ таоло сифатларини акс эттирувчи битиклар қаторида подшоҳни улуғловчи матнларнинг ташвиқий-ҳаётий таъсири кўзда тутилган. Ягона подшоҳ муаммоси ҳамиша долзарб ҳисобланган, бу мамлакатнинг яхлитлиги, парокандаликка йўл қўймаслик чақирифи эди.

Соҳибқиронга қадар майдар бўлакларга бўлиниб қолган Мовароуннаҳри бирлаштиришда кўл келган, кейинчалик Оқсарой деворларига нақшланган, тажрибадан ўтган ҳикматлар келажакка ҳам чақириқ, бўлиши кўзда тутилган эди. Оқсарой қасргина эмас, очиқ дарслик, чўнг маърифий-сиёсий китоб ҳам эди. Гўзал нақшланган ҳикматлар саройга ташриф буорадиган аъёнлар, беклар ёдида муҳрланиб қолиши, уни қасрдан анча олис масофадан туриб ўқиши имкони бўлганидан саводхон кишилар ҳам ёзувлар маъноларига амал қилишлари эътиборда тутилган бўлса, ажаб эмас.

Қадимшунос олимлар Г.Я. Дресвянская, С.Б. Лунина, Ҳ.С. Султонов ва З.И. Усмоновлар ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Шаҳрисабз обидалари қатори Оқсарой меъморий мажмуасини ҳам синчиклаб ўрганганлар. Уларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ, икки жилдли «Шаҳрисабз» китоби дунёга келган. Китоб қадимшунослик нуқтаи назаридан юксак савияда яратилган. Бир муҳлис сифатида муаллифларни қадрлайман. Асаддан ўзим қизиқсан кўпгина саволларга жавоб олганман.

Оқсарой қасрининг ҳайбатли, улуғвор ва юксаклиги тўғрисида бетиним гапирилган. Аммо Оқсарой биносининг эни, узуналиги қандай бўлган, бу хусусда жим ўтиш афзал кўрилган. Бунинг учун обида ҳаробаларини қадамбақадам ўлчаш, рельефни мушоҳада этиш, илмий хуносаларга келиш талаб этилар эди.

«Шаҳрисабз»нинг 2-бўлими 32-варагида бу ҳақда тубандагиларни ўқиш мумкин бўлади:

«Сарой биносининг охиригача кенглиги 120–125 м чамасида, узунлиги эса сақданиб қолган мўъжаз рельефга кўра, тахминан 240–250 м даражасида аниқланади». Бу рақамлар Оқсарой эгаллаган майдон нечоғлиқ катта эканлигини фахмлашга кифоя қиласлик. Муаллифларнинг уқтиришига биноан, Оқсарой ҳовли охиридаги қабулхона зали билан тўғри бурчакли тарҳга эга бўлган кўринади. Бунга ҳовлига кўндаланг солинган айвонлар, подшоҳ оромхонаси, ҳарамлар ва хўжалик бинолари мажмуи ҳам киради.

Оқсаройни сукланиб томоша қиласланган Ҳерман Вамбери, «бу саройнинг (ўша замондаги бошқа иморатларнинг ҳам) энг кўркам ва олий мақомини унинг пештоқи ташкил этади, – деб ёзган эди, – пештоқ бутун иморатнинг юқори қисмини эгаллаган, катта, шакли ярим ойга ўжшайди. Хитой кошинлари арабий нақшлар, гуллар ва ўймакорлик билан безатилган. Бу кошинлар Кошон шаҳрида ясалгани сабабли коши деб аталади ва ҳозирги кунда ҳам шундай аталади. Деворнинг ташки томони кўқ ва олтин рангдаги арабий нақшли кошинлар билан зийнатланган, уларнинг замини олий кошинлардан иборат».

Ҳерман Вамбери бир ўринда Оқсарой «Эрон меъморларининг холис ишидир, улар бунда ўзларининг миллий услугуб меъморчилигига, аниқроғи, фарбий ислом услубига содик қолиб,

иморат пештоқига доира ва қуёш аломатини тасвиrlаганлар. Шунинг билан Турон фотиҳининг иқоматгоҳи Эрон шоҳларининг аломат белгилари билан безатилган эди. Темурнинг аломат белгиси ушбу тарзда ^о_о кўйилган уч ҳалқадан иборат эди. Шиори – «Рости – русти». Бу ибора «Куч – адолатда» маъносини билдиради. Бу аломат унинг уч иқдимда, яъни Шимол, Жануб ва Фарбда ҳокимлигига ишора», дейди.

Бу борада Клавихонинг фикри бошқачароқ. У Оқсарой ҳовлисининг кенглигини уч юз қадам келади, деб кўрсатар экан, «мазкур ҳовлидан бағри кенг уйга кирилади. Уйнинг жуда баланд ва кенг очиладиган эшиги зарҳал ва ложувард бўёқлар ҳамда чиройли кошинлар билан безатилган. Эшикнинг тепасидаги деворда ўрта қисмида қуёш нури кўламида акс эттирилган шер тасвири бор. Эшикнинг четларига ҳам худди шундай суратлар чизилган. Бу рамзий белги Самарқанд подшосининг расмий тамғаси ҳисобланади», дейди.

Руи Гонсалес де Клавихо эшикдаги тасвирини мушоҳада этар экан, «мазкур сарой Темурбекнинг буйруғи билан қурила бошлаган, деб айтган бўлсалар-да, бироқ сарой қурилиши, фикримча, Самарқанднинг аввалги подшоси томонидан бошланган бўлса керак. Чунки юқорида кўрганимиз қуёш ва шер тасвири илгариги Самарқанд подшосининг тамғасидир. Темурбекнинг тамғаси эса уч ҳалқа доирадан иборат бўлиб, бундай жойлаштирилган:

Бу тамға Темурбек – дунёning уч қисми подшоси, деган маънони англатади», деган мушоҳада юритади. «Шаҳрисабз» номли қадимшунослик китобида (1993) муаллифлар Оқсарой киравериш эшигидаги рамзий тасвиirlар хусусида Клавихонинг қарашлари га мойиллик билдирадилар. Мовароуннарда 1102–1130 йилларда ҳукмдор бўлган Арслонхон (арслон – шер) ўз исмига монанд равища, шер тасвири тамғага ружу қўйган. Арслонхон иморатларида бу тасвир бўлган. Бундан Руи Гонсалес де Клавихо холоса қилганидек, вақтида Арслонхон Шаҳрисабздаги сарой қурилишини бошлаб кетган экан-да, деган янгилиш тасаввур туғилмаслиги керак. Амир Темур ҳазратлари туркий давлатга хос бўлган, унинг қадимиyllиги ва қудратини ифодалайдиган қадриятларни маъқуллаган, бошқарув ишларига татбиқ этган. Куёш ва шер тасвирининг Оқсарой эшиги тепасини безаб туриши, ўз тамғасининг – уч доиранинг намойиш этилиши давлат рамзлари эканлигидан далолат бериб туради.

Оқсарой қурилиши узоқ давом этган. Унда усталарнинг, мужандисларнинг, ҳунармандларнинг, фишт терувчиларнинг, кошин безакчиларнинг, китоба кошиналарни жимжимадор жойлаштирувчи қўли гул фозилларнинг қанча авлоди ишламаган, дейсиз. Ўйлайманки, хоразмлик бинокорлар муazzам қурилиш май-

донаида тайёргарлик, тарх, қазув ишларини амалга оширган, маҳаллий кишилар курилиш ашёларини ҳозирлашда жонбозлик қилган, фишт, ўтин, озиқ-овқат ва зарурий бўлак юмушларни амалга оширганлар. Салобатли қасрнинг тамали қўйилгандан кейин асосий дикқат-эътибор мисли кўрилмаган баланд иморатнинг фиштини териш санъат даражасида бўлишига қаратилган.

Оқсарой қурилишида эронлик, табризлик усталар иштироки, фикримча, саройнинг ички ва ташқи безатилиши билан боғлиқ ҳолда нисбатан кейинроқ амалга оширилган. Биноларнинг пардоз-безак ишларида маҳаллий усталарнинг ҳам тажрибаси етарли эди. Қаршилик бинокорларнинг Самарқанд қурилишларига зеб берганлиги яхши маълум.

«Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи»да қайд этилган «Темур ҳар бир муваффақиятни (триумфни), ҳар бир севинчли воқеани бир меъморлик асарини бунёд этиш билан нишонлашга аҳд қилди. Шу мақсадда Ҳиндистоннинг юзларча моҳир фишт терувчиларини, Шероз, Исфахон ва Дамашқнинг машҳур усталарини Мовароуннаҳрга келтирди, улар гўзал иморатлар қурдилар... Темур гарчи ўз мамлакатининг бошқа шаҳарларида бинолар қуришга амр этса-да, масалан, Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, ҳазрат Туркестонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устида мақбара бино қилдирса-да, лекин ўзининг буюк саховат ва ҳимматини Кеш ва Са-

марқандда олий асарларни қурдиришда кўрсатди», сўзларининг қиммати баланд.

Фотиҳ этилган бу ўлкалардан моҳир кишиларнинг Мовароуннаҳрга олиб келиниши ва уларнинг бир қисми Оқсаройга жалб этилиши кейинроқ, юқорида айтганимдек, ички ва ташқи пардоз, кошинлар қоплаш, хуллас, фишт териш каби асосий ишлар бўлмай, безатишига жалб этилганлар. Бу, табиийки, жуда нозик, катта малака талаб, ҳандасавий ечими мураккаб нақшлар, китобалар кўлами билан боғлиқ эди. Табризлик кошиншунос Муҳаммад Юсуфнинг Оқсарой битиклари орасида исми шарифи учраши ҳам буни далолат этиб туради.

Оқсарой нақшиёти, Галина Пугаченкова топиб айтганидек, «соатлаб кўздан кечирилади, у Шарқнинг мўъжизавий афсоналари янглиғ тахайюл шамойилларига, ҳикматларга, ташбехларга фаровон, безаклар бетакрор, тадрижи равон, мазмуни теран куллиёт мисол ўқилади».

Қадимшунослар яқдиллик билан эътироф этганларидек, «Оқсаройнинг кириш пештоқи чиндан ҳам Ўрта Осиёда энг йирик пештоқ бўлиб, унинг равоқ оралифи 22,5 метрдир. Таққослаш учун шуни айтиш мумкинки, XIV асрга оид ёдгорликлардан Туркистондаги (Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси) ва Самарқанддаги (Бибихоним масжиди) энг катта пештоқлар 18,5 метрдан ошмайди. Минорасининг (Оқсаройнинг – П.Р.) ҳозирги вайро-

на ҳолидаги баландлиги ҳам 38 метрдир, агар пештоқнинг қанотлар билан кенглиги 40 метрга яқинлиги назарда тутилса, солномаларда эслатилганидек, унинг пештоқи галереяси рўйи-рост баландлиги 50 метрдан ортиқроқ бўлган деб фараз қилиш мумкин. Бу эса ҳозирги 16-18 қаватли иморатларнинг баландлигига тенг келади!». Олима Л.Ю. Маньковская тамкинлик билан қаср баландлигини 50 метрдан ортиқроқ бўлган, дея ишонч билан гапиради. Оқсарой харобаларида бевосита қадимшунослик тадқиқотлари олиб борган «Шаҳрисабз» китоби (1993) муаллифлари, таниқли олимлар Оқсаройнинг пештоқи ўз вақтида 70 метрлик баландликда юксалиб турганлигини таъкидлайдilar.

Оқсарой тароватидан қанча баҳс юритилса, шунча оз. Ташқи ва ички томондан рангбаранг кошинлар билан безатилган бундай улкан сарой жаҳонда деярли кузатилмаган. Сарой қурилиши меҳнати ҳам, сарф-харажати кўлами ҳам чакки бўлмаган. Мақол бор, «Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга» қабилида. Оқсаройнинг ҳар бир гиштини, тупроғини, осори атиқаларини қаричлаб, синчиклаб ўрганиш, охир-оқибатда, ҳақ хуласани, жонни жонга суққан шахсини айтиш имконини берар экан.

«Шаҳрисабз» китоби муаллифлари «қаср қурилишида Темурнинг ўз алоҳида ўрни бор», деганларида ва Соҳибқирон шахсини улуғлашлирида юз карра ҳақ эдилар.

Оқсарой тарҳи унинг дангиллама, осмон-ўпар қаср бўлишидан дарак бериб, ҳар қандай моҳир устанинг ҳам ишни бошлашга журъати етмаган. Буни тасаввур этиш мумкин. Ҳокимиятига ўн йил тўлаётганда, Мўғулистон хавфи ҳали тўла бартараф этилмаган, Мовароуннахрнинг айрим қисмлари мустақиллик даъво қилиб, бўйсунмаслик йўлини тутаётган бир пайтда сиёсатни ҳам, маданиятни ҳам қаттиқ ушлаган Амир Темур ҳазратлари давлат имкониятини ҳисобга олиб, 1380 йилда Оқсарой қурилишига изн беради. Оқсарой қасрининг бошлаб юборилиши, олдинда айтганимдек, қурилиш мустаҳкамлиги манфаати ва моддий сабабларга кўра чўзилироқ, бир-икки йил ўтказиб бошланади. Шундан бўлса керак, бу мавзуга оид нақллар пайдо бўлади. Афсоналардан бирида очиқдан-очиқ Амир Темур бу қадар улкан саройни қурдирмоқ учун давлат хазинасини қоқлай оладими, деган гояни ташувчи афсона тўқилади. Эмишки, қурилишга мутасадди бўлган бош меъмор тамал тошига қоришма тайёрлашда мустаҳкам бўлсин учун атайин хазиниадан олинган олтин қумлардан ҳовуч-ҳовуч қўшиб аралаштирибди. Меъмор, ҳукмдор бу исрофгарчилликка чидаш бера олмай, олтии қумларни беришдан воз кечади, қурилиш эса соддалашади, деб ўйлабди. Меъморнинг бу ишини кузатиб турган Соҳибқирон хазинабонга имо қилиб, олтин қум билан

тўла янги халтани очдириб, ўз ҳовучлари билан қоришмага зарралари товланиб турган тиллодан солибди. Меъмор бу жўмардликдан ҳайратга тушибди-да, ишни бошлаб юборибди. Оқсарой тамалининг барпо этилишида хукмдорнинг қатнашуви, саховати ишнинг, Л.Ю. Маньковская таъбири билан айтганда, «кўз очиб-юмгунча» бошланиб кетишига сабаб бўлади.

Нақллар кўп. Ҳатто сохталари, эл номини рўкач қилиб тўқилган уйдирма, қўлболалари ҳам. Амир Темур тушига чиройли бир қушча кирибди. Қушча учиб, Оқсарой қурилиши танланиши керак бўлган майдонни айланибди. Маҳаллий мавқедаги «китоб»лардан бирида Темурбек ишончли навкарларидан бирига 500 тую берип, Самарқанддан фишт ташишни буюрганлиги айтилади. Ташиладиган фиштлар ҳар сафар синиб кетаверади, навкар эса тошга айланиб қолади. Шунда Амир Темур бу тошни Оқсаройнинг учинчи поғонасига (?) қўйган экан, навкари токи қиёматгача деворга жо бўлсин учун... Бу нақддан кузатилган мақсадни дафъатан англаш мушкул. Амир Темурнинг золимлигини пеш қилишми ёки Оқсаройга ишлатиладиган фиштларнинг пишиклигини синаб кўришми, нима муддао кўзда тутилган? Афсуски, бу хилдаги «ривоятлар» тўмтоқлиги, халқ закосидан йироқлиги билан маҳдудликка маҳкумдир.

Бугина эмас. 2002 йилда чоп этилган бир рисолада Оқсарой ҳақида муаллифларнинг

лоф уришлари кишини ҳайратта солади. «Оқсарой Амир Темурнинг ёзги дам олиш қароргоҳи учун мўлжалланган эди, – дейилади унда. – Булар орасида бошқа бир эшик бўлган ва ундан катта ҳовлига чиқилар экан. Ҳовли оқ тошлиардан иборат бўлиб, эни 300 чақирим атрофида, айвон билан ўраб олинган. Оқсаройнинг кенг ва баланд эшиги жуда чиройли қилиб, олтин сир билан нақшланган».

Оқсаройнинг оқ тошлиар билан қопланган ҳовлиси эни оз эмас, кўп эмас, атиги 300 чақирим экан?! Бошқача айтганда, Шахрисабздан Термизга қадар бўлган ҳудудни эгаллаган экан. «Чақирим» билан «қадам»ни фарқласмаслик Оқсарой ҳақида китобхонни лақильтишга ҳукуқ берадими? Рисола муаллифлари Клавихо търиғидан фойдаланганлар. Яхшилаб эътибор берганларида эди, Клавихо ҳовли саҳнининг кенглигини 300 қадам келади, деб айтганлигига амин бўлардилар. Бу 300 қадамнинг аслида қанча бўлишини қадимшунос олимлар жиддий баҳс қилганлар. Бундай қусурларни эътиборсизлик дейиш қийин.

Яна бир «атоқли» тарихчи олим эса «Оқсаройнинг баландлиги 74 метр бўлиб, икки қисми алоҳида минора шаклида кўтарилиб, тепаси ёғочсиз, арк шаклида ёпилган», дея «кашфиёт» қилишдан тортинмайди. Бундай миш-мишлар, гап-сўзларнинг илмий-назарий анжуман мақолалари сирасида босилиши (2006) ажабланарли эмасми? Оқсарой ҳақидаги лофлардан яна бири 300 чақиримдан ҳам ошиб туша-

ди, десам ҳайрон бўлманг. 1996 йилда босмадан чиққан бир «илмий тўплам»дан қуидаги мисолни келтирай, мағзини ўзингиз чақинг. Унда шундай сатрлар берилади: «Оқсарой Турон юртининг хукмдори Соҳибқирон фармонидан сўнг 1330 йилнинг баҳорида табризлик меъмор Мухаммад Юсуф Табризий бошчилигида маҳаллий ва чет эллардан келтирилган усталар томонидан қурила бошланган». Бу сўзларга изоҳ ҳожатми? Оқсарой Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари туғилишидан олти йил аввал барпо этила бошланган экан деган фикри қандай ҳазм қилиш мумкин?

Бу «лоф»да нашриёт ва мусахҳихнинг беминнат хизмати бўлганлигини, 1380 санаси 1330 қилиб ёзилган бўлса, эътибор қилмаганликларини қайд этмай бўлмайди. Вақтида бу рисолалар талабаларга сотилган. Оқсарой тўғрисидаги ҳозирга қадар хукм суроётган гализликлар манбалар камлиги билан эмас, кўплиги, бири-биридан юқорида эслатилган антиқа «кашфиёт»лари билан тўғри йўлга тўсиқлар қалаштириши оқибатидан бўлса керак, деб ўйлайман.

Амир Темур ҳазратлари тарихига доир ёзма манбаларда учратмаган далилларга, рақамларга дуч келиб, иккиланасан, киши. «Амир Темур. Ривоят ва ҳақиқат» (1996) рисоласида манбага таянилмай айтилган айрим холосаларга тўхталиб ўтиш зарурати шундан туғилди. Китобнинг бир ўрнида муаллиф Амир Темур «Хоразмни Мовароуннаҳрга бирлаштиргандан

сўнг онаси Тегина бегим Моҳ шарафига 1380 йилнинг баҳорида Шаҳрисабздаги Оқсарой қурилишини бошлади», деган фикрни айтади. Бу хулоса манбаи айтилган ҳолда ўқувчиларга тақдим этилса, нур устига нур бўларди. Оқсарой қурилиши билан боғлиқ бундай бағишловни, афсуски, тарихий асарлардан топиб бўлмайди. Бу чинакамига ривоятми ё ҳақиқат? Клавихо Оқсаройни Соҳибқирон отаси шарафига қурган деса, бу ерда онаси учун барпо этилганлиги уқтирилади. Тарихий манбалар ҳар иккала фаразни ҳам тасдиқламайди.

Оқсаройнинг Тегина бегим шарафига қурилганлиги юқоридаги рисола билан бир вақтда босилган «Амир Темурга армуғон» тўпламида ҳам айнан шундай зикр этилган: «онаси шарафига қурдирган меъморчилик обидаси кошонасининг...» Иқтибосни шу ерда бўлиб қўйишимнинг сабаби бор. Мақола муаллифи ишнинг бу томонини ўта замонавийлаштириб юборган, мана ўқинг: «биринчи фишини тантанавор ҳукмдор томонидан қўйилган бўлиб, у йигирма йилдан ортиқ вақт давомида отаси ва ўғиллари мақбаралари яқинида бош майдон ва аслзодалар маҳалласи ёнида қуриб битказилган. Бино пойдеворларига уч метр чукурлик қазиб, йирик харсанг тошлиар келтириб ташланган. Унинг устидан куйдирилган қамиш кулинни ганч билан аралаштириб қорилган, сўнгра фундамент қўйилган».

Муаллиф фақат шулар билан чекланиб қолмайди. «Сарой қурилиши олдиндан пишган

ёндоқ билан түрт бурчакли фишт пиширади-
ган бир неча хұмданлар барпо этилған, – дея
давом этади у, – ганч тайёрланадиган уста-
хоналар қурилған. Ҳеч нарса аралашмаган
тоза тупроқдан фойдаланилған. Тупроқ аввал
әлакдан ўтказилған, тоза бўлған лой тайёрлаб
фишт қўйилған. Фишт тўла қуритилған, унинг
чиdamлиги текширилиб, сўнгра терилған».
Агар тарихий манбаларда шу айтилғанлар жа-
мулжам бўлғанда борми, топқирилгимизга,
хаёлга эрк беришимизга сира ҳожат қолма-
ған бўларди. Фақат бир эътиroz, фишт тўла қу-
ритилғач, хұмданда пиширилғанлигини, Оқ-
сарой пишиқ фиштлардан кўтарилиғанлигини
унутиб қўймасак бас эди.

«Ривоят ва ҳақиқат» рисоласида Оқсарой-
да олиб борилған амалиёт хусусида янада
аниқроқ рақамлар тилга олинади. «Қурилиш-
нинг кўлами шу қадар кенг эдик, – деб уқти-
ради муаллиф, – унда қарийб 30 минг фишт
терувчи, 20 мингга яқин кошинкор усталар
ишлиған эдилар. Улар учун ҳар куни 700 қо-
зонда таом тайёрланарди».

Хаёлни жамлаб, фараз қилиб кўрайлик-а.
Оқсаройни қуришда 50 минг уста, хунар-
манд, косиблар ҳар куни тинмай ишилғанлар,
улар учун 700 қозонда овқат пиширилған. Бу
рақамларни 20 йилга зарб қилсак, нималар
келиб чиқмайди ахир?! Ўйлаб кўрайлик, ўша
вақтда Шаҳрисабзнинг ўзида қанча аҳоли бўл-
ған? Ҳатто қалъа деворини тиклашдаги ҳашар
кунларида ҳам ўн мингдан ортиқ киши қат-

нашмаган бўлса керак. Бу ўринда Руи Гонсалес де Клавихонинг бир шаҳодатини эслашга тўғри келади. У шундай гувоҳлик келтиради:

«Темурбек томонидан қурилган бир масжид алоҳида ажралиб туради. Масжиднинг қурилиши ҳали тугамаган. Унда Темурбекнинг отаси дафн этилган мақбара бор. Темурбекнинг амри билан унинг ўзи учун қурилаётган мақбара ҳали битмаган. Айтишларича, бундан бир ой оддин бу ердан ўтган Темурбек мақбара қурилишининг боришидан кўнгли тўлмайди. Мақбара-нинг эшиги паст эканини айтиб, уни қайтадан ишлашни буюради. Ҳозир усталар шу топшириқни бажариш устида ишламоқдалар.

Масжид ва мақбаралар тилло, зангори бўёқ ва кошиналар билан сайқалланган. Масжид олдидаги катта ҳовлида ҳовуз бор, атрофида дарахтлар ўсиб турибди. Подшонинг фармо-йишига биноан, масжидда **ঢার কুণি ইগির্মাতা কৃষ্ণ সূর্যলিব**, отаси ва ўғлининг хотираси учун элга худойи ош берилади. Элчилар шаҳарга келишлари билан уларни дарҳол ана шу масжидга бошлиб келдилар».

Клавихонинг келтирилган бу сўзларидан гап «Дор ус-саодат» меъморий мажмуаси ҳақида бораётганилиги аниқ сезилиб туради. Қадим-шунос олим Л.Ю. Маньковская «Дор ус-саодат» улкан бино бўлиб, «унинг бўйи қарийб 70 метр, эни эса 50 метр эди», деб кўрсатади. Ҳукмдорнинг ўзи учун барпо этилаётган сафана ҳам ҳар жиҳатдан мукаммал қурилиши лозим эди. 1404 йилнинг кузида Шаҳрисабзда

бўлган Амир Темур ҳазратлари мақбара эшигининг пастроқ қўйилганидан кўнгли тўлмай, уни буздириб, баланд, кўркам эшик бино қилидиради. Масжид ва мақбараларда, Клавихо таъкидлаганидек, бўёқ ва кошинлар безаклари тугалланган. Мақбара эшигини қайта бошдан бузиб, кўтариб қўйиш учун қанча уста ишлиши керак? Мингтами, юзтами? Мадраса ва мақбаралар қурилишида ишлар деярли битиб қолган эдикни, уларда кўпи билан эллик чорли ҳунарманнд банд бўлган кўринаади. Хўш, йигирма йилдан кейин, 1404 йилда ҳам Оқсаройда эллик минг уста кечаю қундуз тиним билмай меҳнат қилганми? Қурилишда минглаб одамлар ишлаган, буни инкор этиб бўлмайди. Лекин ақл Оқсаройда узоги билан 5-7 минг (шунда ҳам иморатни кўтариш, фишт териш пайтларида) киши машғул бўлган, бу ҳам доимий бўлмаган, деган мулоҳазага даъват этади. Фикримча, қасрий мажмуа 1396 йилда, Ҳерман Вамбери тасдиқлаганидек, охирiga етказилган ва ёрдамчи косиблар, фишт терувчилар-ишлоҷиларнинг асосий қисмига жавоб берилган. Клавихо Шаҳрисабзга ташриф буюрганда масжиду мақбарамда бўлганидек, Оқсаройда ҳам минг киши нари-берисида (бу ҳам кўп туюлади) одамлар меҳнат қилиб турганлар. Ҳар куни сўйиладиган 20 қўй, назаримда, шунча устаю ҳунармандини едириш-ичиришга кифоя қилган. Қолаверса, ҳар куни худойи оши қилинавермаган. Сарой маҳобатли бўлгач, унинг атрофида, таъ-

минотида ҳам маҳобатли мишишлар бўлар экан. Буларни истисно этиб бўлмайди. Фақат эшигнанларни, ўқиганларни фаросат ва фаҳм билан ҳазм қилиш ўринли бўлади, бу эса кишини таҳайюлда адаштирумайди.

Соҳибқирон даврида Турон мулклари бойингандан бойиган. Буни англаш учун XV асрга хорижликлар кўзи билан қарашиб керак бўлади. Руи Гонсалес де Клавихо Амир Темур ҳазратлари яқинлари, фуқаролари ҳақида гапирапкан, бир жиҳатни алоҳида таъкидлайди:

«Чорвалари кўп: қўйлар, туялар ва отларнинг сон-саноғи йўқ, сигирлари эса кам. Лекин подшоҳ уларни ҳарбий сафарга чорласа, шу заҳотиёқ бутун мол-мулклари, подалари, хотин, бола-чақалари билан йўлга чиқишади. Ҳарбий сафар кунларида қўшин қаерда бўлмасин, улар ўз моллари, яъни қўйлари, туялари, отлари билан ўша ерда бўлишиб, лашкарни озуқа ва улов билан таъминлашади.

Бу халқ билан подшоҳ қўпдан-кўп буюк жасоратларга эришган ва қўпдан-кўп фалабаларни кўлга киритган. У меҳнатсевар, моҳир чаандоз, камон отувчи мерган. Умуман, урушда сабот-матонатли халқ. У борига қаноат қилиб ноңсиз биргина сут ва гўшт билан тирикчилик қилишга ўргангандан халқ. Иссиқ ва совукқа, очлик ва ташналиkkка жаҳондаги бошқа эллардан саботлироқ ва чидамлироқ халқ. Борида гўштни ҳаддан ортиқ истеъмол қилишади, йўғида сувга қатиқ қўшиб қайнатиб ичиш билан кифояланадилар».

Амир Темур ҳазратлари қурилишларининг моддий таъминоти ҳақида ҳам бу, хорижлик холис элчи томонидан самимият илиа айтилган ушбу сўзлар маълум тасаввур уйғотади, деб ўйлайман. Шу сабабли, Шаҳрисабз қурилишларида бир кунда йигирма жонлиқ сўйилишини воқеий ҳол деб қабул қилиш жоиз. Шу ўринда тағин моддий рағбат билан уланиб кетувчи бир муҳим манфаатдорлик ҳақида мисолга мурожаат қилиш эҳтиёжи туғилди. Бу бобда Ҳерман Вамберининг тантлигига, ҳақ сўзни ямламай, борича баён этганидан, рости, мамнун бўласан, киши. Амир Темур ҳазратлари қайси юртдан олимларни, муҳандисларни, хунармандларни олиб келар экан, уларнинг яшашлари учун зарур ҳамма нарсаларни муҳайё қилдиргани каби, иш ҳақи – маошларини ўзларида оладиган миқдордан бир неча карра ошиқ қилиб белгилаган. Бу ҳақда ўқиганмиз, эшитганмиз. Ҳерман Вамбери бу хусусда мулоҳаза юритар экан, Оврупо ўқувчиларига уқтириб шундай дейди: «Темурнинг ҳимоя ва мурувватидан фойдаланган ажнабий уламо ва шоирларнинг сони ҳам аҳамиятсиз эмас эди. Бало даштидан Мовароуннаҳрга ўзи олиб келганларнинг ҳаммасига Соҳибқирон жавонмардона инъом ва эҳсон қилур эди. Истеъодали бўлганлари, масалан, энг буюк қомусий арабий ёзувчи Жазирий жуда катта мансаб олди. Нишопур, Бағдод, Марв, Хоразмнинг уламо ва мударрислари, Бухоро, Самарқанд ва Кеш мадрасаларида илгарида

бўлганидан ортиқ **маош** ва белгиланган иш
ҳақи олдилар».

Ҳерман Вамбери бир вақтлар ватандошли
рига қарата айтган бу эътироф сўзларини қу-
рувчиларга, жумладан, ғишт терувчиларга,
кошинкорларга, муҳандисларга, оддий косиб
– меҳнатчиларга ҳам бирдай таалуқли бўлган,
десак тўғрига юз бурамиз.

Оқсарой қасри, кимлардир ўйламасдан айт-
ганидек, Амир Темур ҳазратларининг ёзги
дам олиш қароргоҳи эмасди. XIX асрда сало-
батли бу меъморий мажмуанинг амалий моҳи-
ятига Ҳерман Вамбери тушуниб етган эди.
Чамамда, у Оқсаройнинг давлат аҳамияти-
га моликлигини, ошкор этилмаган улуғ ният
билан бошқарув маркази – маъмурий-сиёсий
бино сифатида қурилганлигини биринчи бў-
либ ифодалаган бўлса керак. Ҳерман Вамбе-
ри «Темур ўзининг пойтахтини ҳам шу ерда
қуришни ният қилиб, гўзал Оқсаройни барпо
эттирган эди», дейди.

Аслини олганда, Ҳерман Вамберининг бун-
дай хulosага келишига Заҳириддин Муҳам-
мад Бобурнинг «Темурбекнинг зоду буди Кең-
дин учун шаҳр ва пойтахт қилурға кўп саъӣ
ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешта
бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ
пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида таво-
чи беклари била девон беклари ўлтуруб девон
сўрап учун икки кичикроқ пештоқ қилибтур.
Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг
ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур,

мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар», деган сўзлари туртки берган. Заҳириддин Мұхаммад Бобур улуғ бобокалонининг кейинчалик Шаҳрисабз бобида бир тўхтамга келиб, Оқсаройни қурдириши ва пойтахтни кўчириши нияти бўлганлигига пайҳос қилмаган. Ҳерман Вамбери Оқсаройнинг маҳобатидан, Соҳибқироннинг кейинги йигирма беш йил давомидаги жаҳоншумул фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда пойтахтни Шаҳрисабзга кўчириш гоясини биринчи бўлиб айтади.

Бу фоя кейин ҳам олимлар томонидан кўп бора турланди. Замондош олимларимиздан бири «Амир Темурда қачон бўлса-да давлат пойтахтини Кешга кўчириш истаги бўлган. Бироқ шу истак нега амалга ошмади, жавоб бериш мушкул. Эҳтимол, ҳали Оқсаройнинг тўлиқ қуриб битказилмагани халақит берган-дир», дейди бу соҳада янада топқирлик қилиб. Оқсарой таърифидаги нисбатлар шундай – ҳам тиник, ҳам фуборли бўлиб келган.

«ОҚСАРОЙ»НИНГ ТАЛҚИНИ

Шаҳрисабзда бунёд этилган улуғвор қасрий мажмуя «Оқсарой» деган ном олган. Ёзма манбаларда илк бор Низомиддин Шомийнинг «Заварнома»сида бу ҳақда маълумот берилади. Асадарда «Баҳор фасли келгач (781-1380) Кеш шаҳри қурилишига олий фармон берди ва у ерда ҳисор бунёд эттирди. Шу ўртада Оқсаройни ҳам бино қилдилар, унинг пештоқ ва

равоқларини Айюқ юлдузига етказдилар, чунончи, бирон кимса жаҳонда унга тенг келадиган иморатни кўрмаган ва эшитмаган эди», дейилади.

Шарафиддин Али Яздий ўз «Зафарнома»-сида (1425) Оқсарой номини уч марта тилга олади. Биринчи зикрда қаср номи сарлавҳада «Соҳибқирони саодатманд Кеш қалъасини солиб, Оқсарой иморатини буюргани» тарзида келади. **Бу ифодани Амир Темур ҳазратдарини қасрни бошлиш вақтидаёқ унинг номини Оқсарой деб атаганилиги маъносида** тушуниш мумкин. Бу мулоҳазада жон бор, деб ўйлайман. Қаср номи Соҳибқироннинг ўзидан чиққанлиги ҳақиқатга жуда яқин. Бошқа тарихий асарларда ҳам Оқсарой номи қайд этилади-да, унинг тарихи берилмайди, нега, нима сабабдан сарой шундай аталган, бу хусусда индамай ўтилади. Шу бўшилиқ, назаримда, бу ҳақда турли талқинларга, тахминларга сабаб бўлган. Энди, шу тўғрида озгина баҳс юритайлик.

«Оқсарой номи «Белый Дворец» деб таржи-ма этилади, – деб ёзган эди Г. Пугаченкова, – лекин у оқ эмас, балки ложувард – мовий эди. «Оқ» сифати бу ерда тўғри маъносида эмас, кўчма, рамзий маънода – «бағрикенг», «улуғлик»ни (русча «оқ қаср», «оқсуяк» сўзлари билан қиёсланг) ифода этади». Олим, фикримча, жуда мувофиқ ва мос изоҳни берган. «Оқсарой» деган атама қасрнинг ташқи кўриниши оқ ёки кўклиги билан боғлиқ бўлмай, унинг

сифати – эзгулик ва улуғликни ўзида ташиш хоҳиши билан вобаста ҳолда вужудга келган, дейиши мақбул туюлади.

В.В.Бартольднинг бу борадаги тахмини бошқачароқ; муаррих Оқсаройнинг Хоразм юришидан кейин қурилганлигини унута олмай, «курилиш Урганч яқинида бўлган бинолардан бирининг номини олган бўлиши эҳтимол. Шайбонийнинг Урганчга юриши (XVI аср боши) вақтида ҳам, Урганч атрофидаги Оқсарой деган жой эслатилади. Бу ерда Урганчга Хива йўлӣ орқали келган Шайбоний сипоҳийларининг бир гурӯҳи турган», деб ёзади «Орол денгизи ҳақида маълумот» номли ишида. Табиийки, бу тахмин тахминлигича қолиб, мақбуллик касб эта олмади.

Қасрнинг «Оқсарой» номини олиши ҳақида турфа қарашлар кейинги вақтда жуда кўпайиб кетди. «Оқсарой» ундаги рангларнинг ой ёруғида жилоланиб – оқариб қўриниши туфайли обида Оқсарой номини олган. Оқ – кўнгиллилик рамзи», деб ишонади бир тарихчи олим. Бири эса «нақл қилишларича, Амир Темурга Оқсаройда бир неча бор фаришталар намоён бўлган. Фаришталар оқ либосда бўлгани учун унга «Оқсарой» деб ном кўйилган экан», деб ёзади.

Қадимшунослик илмининг пешволари бирор сўзни ҳавоий айтмайдилар, уларда аниклик асосий мезондир. Галина Анатольевнанинг ном бобида айтганларини юқорида келтирдим. Яна бир йирик олима Лия Юльевна Маньковская, «бу муҳташам даргоҳнинг «Оқсарой»

номи унинг улуғвор ва муҳташам мавқеига нисбатан берилган», деган қарорга келади.

Адиба Хильда Хукхэм Оқсаройнинг давлат аҳамияти даражасига эътибор бериб, қасрлар Амир Темур ҳазратларига «шахсий ҳузур-ҳаловат бағишлишдан ҳам кўра, кўпроқ сиёсий аҳамиятга молик қадриятлар эди, – деб кўрсатади. – Шаҳрисабздаги Оқсарой ҳам худди шундай сиёсий мақсадларга хизмат қилганди».

«Темур ва Улугбек даври тарихи» (1996) китобида ўтмишда барпо этилган саройларнинг аниқ мўлжалланиш мезони мавжудлиги қайд этилади. «Саройлар ҳам икки хил бўлган. Биринчи – асосан маъмурий-сиёсий вазифаларни бажаришга мўлжалланган бўлиб, қалъя ёки ҳисор ичида қурилган. Иккинчиси – шаҳар ташқари-сидаги қароргоҳлар бўлиб, боғ-роғлар бағрида эди... Биринчи хил саройни Темур Шаҳрисабзда қурдирди ва у Оқсарой номи билан шуҳрат топди», дейилади ушбу асарда. Таъкидлангани сингари, Оқсарой маъмурий-сиёсий вазифага мўлжаллаб барпо этилган ва унинг номланиши ҳам шу йўналиш билан боғлиқ ҳолда моҳият касб этган.

Шаҳрисабздаги маъмурий-сиёсий меъморий мажмуанинг «Оқсарой» деб номланишида унинг давлат аҳамиятияга таалуқли мавқеидан келиб чиқиб, муносабат билдирган Шарафиддин Али Яздий, Галина Пугаченкова, Лия Маньковскаяларининг хулосалари ҳамоҳанглиги, илмийлиги, ҳаётийлиги билан ҳам аҳамияти катта.

АМИР ТЕМУР ОҚСАРОЙДА ЯШАГАНМИ ЁХУД ОЛИЙМАҚОМ ТАШРИФЛАР

Турон мамлакати ёғийлар хавфидан фориғ бўлиб, якжилов мақомига эришади. Ҳарбий қувват, иқтисодий юксалиш кундан-кунга кучая боради. Соҳибқирон бу ишлар учун умрининг ўн йилини сарфлаган, Мовароуннаҳр бир бутун, жипс диёрга айланган эди. Аммо қўни-қўшниларда ҳамон парокандалик, майда ҳокимлик, ўзбошимчалик қуткулари давом этар эди. Муаррих Шарафиддин Али Яздий бу ҳақда, «ул маҳалда Эрон вилоятида ҳар мамлакатда бир жамоат бош чиқариб, подшоҳлик қилур эрдилар», дейди. Соҳибқирон 1381 йилда Хуросон юришига отланади. Ҳиротдек мустаҳкам қалъага эга шаҳар ҳам тобеъ этилади. Фотиҳлик узоқ чўзилмайди ва Амир Темур ҳазратлари Самарқандға қайтади. 1381–1382 йиллар оралиғида суюкли қизи Тоғайшоҳ Оғо – Оғо Бегим вафот этади. Бу Соҳибқиронга берилган тақдирнинг ўнгланмас зарбаси эди. Ҳамма соҳада зафарлар қўлга киритилаётган бир пайтда Шаҳрисабзга мусибатдан бош эгиб бориш Амир Темур ҳазратлари учун оғир ситетам эди. Тоғайшоҳ Оғо хокини муаррих айтганидек, «Кешга элтиб қўядилар. Ва Ҳазрат Соҳибқирон анинг рухи учун таъзият очиб, фуқаро ва масокинларга таомлар бериб, тасаддуқ ва хайру эҳсон қиласи». «Зафарнома»ларда – аввал – ва сонийида Соҳибқироннинг 1383–1385 йилларда қўшин

тортишлари, Шаҳрисабзга ташриф буюриши, Оқсаройда бўлиши талқинида айрим тафовутлар бор. Низомиддин Шомий 1385–1386 йил воқеалари тафсилини баён этаркан, шу йили Соҳибқироннинг Омул ва Мозандарон пойтахти Сори шаҳарларини фатҳ этиб, Самарқандга қайтганини зикр этади. Муаррихнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ҳазратлари «ёз фаслида айшу комронлик билан Самарқандда турди, қишини эса шоду хуррамлиқда **Оқсаройда** ўтказди».

Шарафиддин Али Яздийда шу воқеага бошқачароқ ёндашувни кузатдим. Омул ва Соридан Самарқандга қайтиб келгач, «ул ёз Соҳибқирон айшу ишрат била анда ўлтурди. Қиши бўлғоида **Занжирсаройга** бориб, ул қиши анда қишилади», дейилади. Икки муаррихнинг бир воқеага бўлган муносабати мағзини чақиб кўришга ботиндим. 1385 йилнинг қиши, Шаҳрисабз Оқсаройининг гиштлардан тикланаётган қомати қалъа деворидан баландлаб, узоқлардан ҳам кўзга ташланадиган бўлиб қолган вақтлар. Курилишда иш қайнагандан қайнаган, Шаҳрисабзнинг теварак-атрофи чодиру чайлалардан тўлиб кетган эди. Бу ҳолни ҳам тасаввур қилдим, ҳам кўнгилдан кечирдим. Шундай чала иморатда Соҳибқирон қишилаши ҳақиқатга тўғри келадими? Муаррих ё котиб бу ўринда Занжирсаройни янглиширган. Занжирсарой Қарши ва Бухоро оралиғида, ҳозирги Муборакнинг кўхна Шаҳар мавзеида жойлашган, пишиқ гиштдан қурилган, сўнгги

Чифатой хони Қозонхоннинг пойтахти – қаррогоҳи эди. Занжирсаройнинг яшаш учун барча қуликларга эга кошона бўлганлиги маълум. Атрофида катта қўшин жойлашадиган «йўлдош» шаҳарчалари бўлган Занжирсарой олиймақом ташрифлар учун жуда ўнгай ва малоҳатли кўналға ҳисобланарди.

Фотиҳдик режалари улғайиб, Соҳибқирон 1386 йилда Эрон сари уч йиллик юришни бошлияди. Озарбайжон, Гуржистон, Қорабоғ тасаруфга киритилади. 1387 йилда эса тузкўр Тўхтамиш мушкулот түғдиради – Соҳибқирон ҳарбий сафардалиги вақтида Мовароуннаҳрга бостириб келади. Мұхташам Занжирсаройга ўт қўйилиб, ер билан яксон этилади. Занжирсаройни номардларча бузиш кейинчалик Тўхтамишга қимматга тушади.

Тарихий манбалардан шу йиллар воқеа-ҳодисаларини мутолаа қиласканман, ўйга ботаман. 51-52 ёшни қоралаётган Соҳибқирондаги шижоат, ақл-фаросат, куч-қувват ҳайратга солади. Бир томонда фатҳ этилган мулклар, иккинчи ёқда катта оиласвий йўқотишлар, учинчи тарафда калтабин мулкирларнинг орқадан қиласдиган ҳужум ва хуружлари, буларни қўя турай, мамлакат аҳволи, ободлик юмушлари, адолат тизгинининг маҳкам ушланиши... Буларнинг ҳаммасига қандай вақт топишга улгuriш мумкин? Соҳибқирон эса ҳаммасига улгуради. 1390 йилда Амир Темур ҳазратларининг йўли яна бир сабаб билан Шаҳрисабзга тушади. Муаррих бу ҳақда, «Маҳ-

ди аъло Қадоқ Хотунким, Соҳибқирон отаси Тарағайбекнинг ҳарами муҳтарами эрди, бу жаҳон фонийдин саройи бокий сори кетти. Бу аламдин Ҳазратнинг муборак хотири асру мутаалам бўлди. Ани Кешга элтиб дафн этти. Бас, ош-сув бериб, фақир-мискинларга кўб нима анинг руҳи учун берди. Қиши чиққанд Ҳазрат Бухородин отланиб, Самарқанд сори мутаважжих бўлди. Йўлда ов солиб юруб, Қаршидан ўтуб, Кеш вилоятига етиб, Хашка суйига (Кешкруд – Қашқадарё – П.Р.) тайин Оқёр мавзеъида тушти», дея батафсил маълумот беради. Бу олиймақом қадам ранжида, шубҳа йўқки, Оқсаройни кўздан кечириш, ишларнинг қандай боришини назорат этиш билан ҳам боғлиқ бўлган. Чунки Оқсарой қурилиши бошланганига роппа-роса 10 йил тўлаётган эди. Йиллар ўтиб борар, ишда эса сусткашлиқ сезиларли эди. Соҳибқироннинг хорижий сафарларда, жанг жадалларда бўлиши қурилишда узилишлар юз беришига сабаб бўлмай қолмаган. Ҳар галги олиймақом ташрифлар эса унга яна жон ва қанот бағишлаган. Олиймақом ташрифлар Амир Темур ҳазратлари беш йиллик ҳарбий сафарда бўлган йилларида ҳам Соҳибқирон номидан амалга оширилган пайлар бўлади. 1394 йилнинг 17 августида ўғли Шоҳруҳ Мирзо Самарқандга масъул ваколат билан юборилади. Шоҳруҳ Мирзо зиммасига «дод адли ила машғул бўлуб, раъйо, фуқаро ва масокин аҳволларидин ғофил бўлмаслик» юкланади. Шоҳруҳ Мирзонинг Жай-

ҳундан ўтгани хабари олингач, «Мовароуннаҳр вилоятининг содот ва қазот ва даруғалари ўтрув келиб, Шаҳзодаға кўруниш этиб, пешкашлар тортиб, сочқилар сочилар. Шаҳзода юруб Кеш вилоятига тушди».

Шоҳрух Мирзо Шаҳрисабзда бўлиб, марқадлар тавоғидан кейин шаҳардаги курилишларни бориб кўради. Оқсарой бу пайтда ички ва ташки безатилиш палласида бўлган. Бирон-бир эътиroz бўлмаган ва Шоҳрух Мирзо Самарқандга жўнаб кетади.

Амир Темур ҳазратларининг шон-шавкатга бурканган беш йиллик юриши ниҳоясига етади ва у Эроннинг Ҳамадон вилоятидан пойтакти Самарқандга 1396 йилнинг ёзида йўлга чиқади. Низомиддин Шомийда бу сана жуда аниқ берилган. Бу ҳақда олдинроқда ёздим, Самарқандга қайтиш шаввол ойининг ўнинчи, душанба куни (1396 йил 17 июль) амалга ошади. Бу сана Ҳерман Вамберининг маълумотига мос келганлигини ҳам айтгандим. Шарафиддин Али Яздийда ҳам Соҳибқироннинг ватанига қайтиш санасида «Зафарнома»и аввал санасидан деярли фарқ йўқ. Иккала асар одатдагидай бир-бирини тасдиқлаш, тўлдириш, муқояса этиш хусусиятлари билан дикқатга сазовор. Амир Темур ҳазратлари Амударёдан ўтиб, Ҳузор орқали Шаҳрисабзга келиб, «ўзи солган кўшкка тушади». Бу кўшк – Оқсарой эди. Буни Низомиддин Шомий шундай кўрсатади: «Амир Соҳибқирон бир қанча кун Кеш вилоятида, **Оқсаройда** турди,

тўйлар қилдилар, айшу ишрат додини бердилар, шодлик ва хурсандчилик билан кун ўтказдилар. Сўнг у ердан Самарқандга жўнаб, иззату комронлик қароргоҳида фароғатга чўмдилар». Шарафиддин Али Яздий ҳам, «ўзи соглан кўшк»нинг Оқсарой эканлигини гапининг пировардида очиқ айтади. Амир Темур ҳазратлари узоқ сафардан қайтиб, Оқсаройда ўрнашгач, инсонийлик расм-русумларини адо этади, улуғ машойихлар, ота-онаси, фарзандлари, яқинлари қабрларини зиёрат қиласди, кўп садақалар беради.

Муҳими, Оқсаройнинг битганлиги шарафига эл аҳлини мукофотлайди, «хар ердан уламолар ва фузалолар келиб эрди, барчани лутфу инъом билан хушвақт қиласди». Амир Темур ҳазратлари шарафига шаҳзодалар, беклар барчаси навбат билан «Оқсаройда тўй этиб, айшу ишратқа машғул бўладилар».

Ҳерман Вамбери икки «Зафарнома»да Оқсаройнинг қурилиб, ишга тушишини, фикримча, Амир Темур ҳазратларининг 1396 йил июлида Оқсаройда бир неча кун яшаганилигидан келиб чиқиб, қатъий равишда айтган. Бу вақтда Оқсарой қурилишига оз эмас, кўп эмас, 16 йил бўлаётган ва шундай дейишга асослар етарли эди. Ҳерман Вамбери қурилишга 12 йил сарф этилганлигини айтадики, бунга ажабланмаслик керак. Улуғвор қаср гояси гарчанд 1380 йилда туғилган бўлса-да, тажрибада мисли кўрилмаган, Шарқда, балки, жаҳонда танҳо бўлган салобатли иморат-

ни қуриш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари икки-уч йил меъморчилик матлабларига мувофиқ кечикиб бошланган бўлиши табиий. Бу хусусда ривоятлар, нақллар, афсоналар бејизга тўқилмаган. Нима бўлганда ҳам, 1396 йил Оқсаройнинг қурилиши тугалланган йил, унинг биринчи яшовчиси, мөхмони ва мезбони Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ва унинг фарзандлари, ҳарами, яқин беклари бўлган, дея қатъий айтиш ўринли бўлади. Хорижлик олимлар, сайёҳлар буни қачонлардир илғаган-у, биз бу ҳақда фахр-ифтихор билан айтишга негадир журъат қилмай келганимиз.

Соҳибқирон ҳазратлари беш йиллик фотихлик сафаридан қайтиб, бир йил давомида «Самарқанднинг арки ичинда Кўксаройда давлат била ўлтуруб, адлу дод била машғул бўлади». Пойтахтининг шимол томонида Боғишимол боғини барпо эттиради ва зебли кўшк ҳам қурдиради. 1397 йилнинг ёзида, шаъbon ойида, муаррих Шарафиддин Али Яздий шаҳодат этганидек, пойтахтидан отланиб, Шаҳрисабз томон юради. Афтидан, ёз – саратон жуда иссиқ келган. Соҳибқиронро ҳоҳатни, ҳордиқни доим ўзи туғилиб ўсган, болалиги кечган Кешнинг сўлим жойларида, Қашқадарёнинг жилғалиари бўйларида чиқаришни хуш кўрган. 1370 йил баҳоридан бўён ҳар ҳолда шу удумга риоя қилинган. Мовароуннаҳр ҳокимииятига муяс-сар бўлиш юзланганда ҳам Кешнинг баҳавомайдонида икки ой (1370) машварат қилин-

ган, ҳам ҳордик, ҳам давлатни тузиш ишлари билан машғул бўлганди.

Амир Темур ҳазратлари шундан кейин орадан 27 йил кечиб, Шаҳрисабзни қўмсаб, унинг зилол сувлари хуморида «Кеш жилғасифа тушуб, оқ уй ва чодирлар тиктуруб ўлтурди ва айшу ишрат била неча кун фароғат қилди. Ва андин кўчуб, шаҳарга бориб, **Оқсаройга тушти** ва муборак **Рамазонни** анда ўткарди. Ва саодат била андин кўчуб, Султон Артуч яйлоғифа тушти».

Олиймақом ташриф Оқсаройнинг шаънини беҳад даражада улуғлаган эди. Бир ой давомида муборак рамазонни Оқсаройнинг кенгмўл боғларида, оди очиқ айвонларида, билур ҳовуз бўйида, баланд супаларида яқинлари билан биргаликда ўтказиш жуда катта эҳтиром белгиси эди. 1397 йилнинг рамазон санасини Оқсарой меъморий мажмуасининг бутун сақланиб қолган кўринарли жойларидан бирига эсдалик лавҳаси сифатида тарихга муҳрлаб қўйиш лозим. Оқсаройда кечган бир ой оламга татигулик дамлар эди.

Оқсарой битиб, нурпош таровати оламга овоза бўлгач, Соҳибқирон ҳеч бир муболагасиз, ундан кўнгил узолмайди. Орадан бир йил кечар-кечмас, Амир Темур ҳазратлари яна Шаҳрисабзга йўл олади. Тарихларда бу воқеа 1398 йилнинг баҳорида бўлганлиги қайд этилади. Шарафиддин Али Яздий бу ташриф ҳақида куйидагиларни ёзади:

«Неча кундин сўнг кўчуб (Амир Темур ҳазратлари – П.Р.), Кеш сори мутаважжих бўл-

ди. Ва йўлда бир тоғи воқеъ турурким, ул тоғдин Самарқандгача етти йағоч йўл турур ва ул тоғнинг оғзида оқар сув чиқиб борур эрди, Соҳибқирон ул тоғқа чиқиб кўрдиким, иморатқа лойиқ ер турур. Ва ҳар ердаким, ўшандоқ иморатқа қобил ер кўрса эрди, ул ерда албатта бир иморат солур эрди. Мунда етконда ҳукм қилдиким, «Боги солсунларким, бу сув анда борғай ва ул боғнинг ичидаги қасри солсунлар!». Бас, ҳукм била анда боғи солиб, тугагандан сўнғани Тахти Қароча от қўйдилар. Ва ҳазрат икки кун анда туруб кўчуб, тоғ этағидин Йом работига бориб тушти ва андин кўчуб, Кешга этиб, турмай Элчи Балиғқа бориб туштилар. Ва неча кун анда туруб, айшу фарогат била ўткарди».

Оқсаройдан кейин Китоб ва Самарқанднинг Ургут мавзеси оралиғидаги тоғда боғ ва қаср барпо этиш Ҳиндистон юришидан олдинги хайрли ишлар бўлганди. Тоғда обод қилинган боғ ва қаср Соҳибқироннинг улуғ бобоси шарафига Тахти Қорача боғи деб аталади.

Ҳиндистон юришидан зафар қучиб қайтган Амир Темур ҳазратлари 1399 йилнинг 7 марта, сесланба куни «Зафарнома»да талқин этилғанидек, «Кеш вилоятига кириб, Шайх Шамсиддин Кулол мазорига бориб тавоғ қилди. Андин чиқиб, ўзга машойихларнинг мазорига бориб тавоғ қилди. Андин сўнг атосининг мазорига бориб тавоғ қилди. Ва **ўн беш кун Оқсаройда ўлтуруб**, айшу фарогат қилди. Шаъбон ойининг ўн тўртида (21.04.1399)

Кеш шаҳридин кўчуб, Рўдак суйига бориб тушти».

Бу олиймақом ташрифлар Оқсарой учун унинг муносиб қасри олий эканини тасдиқловчи буюк илтифот эди. Қаранг-а, йилдан йил ўтмай, имкон бўлди дегунча, Соҳибқирон Шаҳрисабзга, улувлар тавофиға келиб, Оқсаройга тушиб турган. Уч йиллик, беш йиллик юришларни муваффақиятли ортда қолдирган Амир Темур ҳазратлари истиқболида етти йиллик фотиҳлик юриши кўндаланг турарди. Шаҳрисабз, улувлар руҳи, Оқсарой ўз соҳибига ҳар сафар руҳ, матонат, куч ва қудрат бағишлагандек эди. Етти йиллик муҳораба сари отланар экан, Амир Темур ҳазратлари 1399 йилнинг 10 сентябрида Ургутнинг Қаротепа боғига келиб тушади. Тунни ўтказиб, Шаҳрисабзга етиб келади. Одатдагидай, муқаддас билгани мозорларни зиёрат қилиб, Термизга жўнайди. Тарихнинг шу варакларини ўқир эканман, ўз соҳибини олис йўлга, узоқ муддатга кузатиб қолаётган Оқсаройнинг нурлари хира торғандай туғолиб кетди менга.

Оқсарой кошинларининг тасаввуримда хира тортиши бежиз бўлмагандек. Етти йиллик сафардан Амир Темур ҳазратлари музafferар бўлиб қайтади. Самарқандда шон-шавкат билан давлат ишларини бошқаради, кўшалоқ тўйлар қиласди. 1404 йил охирлаб бораради. Хитойга қилиниадиган юриш Соҳибқиронга тинчлик бермасди. Нима сабабдандир, буюк сафар олдидан Соҳибқирон ҳазратларига удум бўлга-

нидек, ота юрти Кешга, улуг зиёратгоҳларга қадам ранжида қилишга вақт топилмайды. Оқсарой остонасидан ҳатлаб ўтилмайды. Булар бари армондек туюлади. Авлиёлар ва Ота зиёратида, руҳий фотиҳаларда ҳикмат кўп экан, деган тўхтамга келаман.

Оқсарой ўз соҳибини 1399 йилнинг кузида маъюс кузатиб қолганича, қайтиб у зотнинг дийдорини кўрмади.

ОҚСАРОЙ ШОНЛАРИ ВА МУНГЛАРИ

Шаҳрисабз қалбida жойлашган, нифоҳини Самарқанд тарафга қаратган, осмонўпар кунгиралари нурталаш Оқсарой XIV асрнинг охирлари – XV аср бошларида ёқ афсонага айланган, шуҳрати Шарқу Фарбга тараалган эди. «Тарихи Рашидий» (1542) асари Кашмирда, Мирзо Ҳайдар томонидан ёзилган. У Кашмирда Султон Зайнул Обиддин томонидан барпо этилган Рождан қасри таърифини келтиради. Тасвир этилишича, қаср «ўн икки қаватли бўлиб, унинг айрим қаватларида элликта хона, бўлма ва айвонлари бор. Шундайин ҳашаматли ва улуғвор бино бошдан-оёқ ёғочдан қурилган. У жаҳоннинг саройлари янглиф, яъни Табриздаги Султон Ёкуб «Ҳашт Бехишт»и, Ҳиротдаги «Боги Зоғон», «Боги Сафед» ва «Боги Шаҳр», Самарқанднинг «Кўксарой», «Оқсарой», «Боги Дилкушо» ва «Боги Бўлди» қасрлари сингари кўп хонали ва энг баланд иморатдир».

Зийрак китобхон Самарқанд қасрлари жумласида Оқсарой номи ҳам зикр этилганини

сезмай қолмайди. Бу XVI аср ўрталарида Ҳиндистонда ҳам Оқсарой довруги ёйилганлигини күрсатувчи нишоналардан, дейишга кифоя. Темурийлар даврида Ҳиротда бунёд этилган қасрлар ҳам шұхрат тутғанлиги эътиборга сазовор.

Захириддин Мұхаммад Бобурнинг Оқсаройнинг улуғворлиги таърифида ишлаттган бир ташбеки беназирлиги билан ажралиб туради. Оқсарой пештоқи ҳақида сўзлар экан, «мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким Кисро тоқидин бу бийикрактур», дейди «Бобурнома» муаллифи.

«Кисро тоқи» – Кисро қурдирған қаср гумбази, пештоқи баландлиги афсонавий мезонга айланиб, ундан кейин қурилған саройлар, кошоналар юксакликда у билан тенглаша оладими ёки йўқлиги қиёс қилинганд. Кисро Эрон подшоҳи Ҳусрав Анушервоннинг (Кисро – «Хусрав»нинг арабча талаффузи, шакли) лақаби бўлған. Анушервон қурдирған деворлар, юксакликка бўй чўзган кошона VI-VII асрлардаётқ афсоналарга ва достонларда ташбехга айланиб улгурган эди.

Захириддин Мұхаммад Бобур – шоҳлар қароргоҳларининг билимдони ва жаҳонгашта аллома, Оқсаройнинг қиёсда Кисро қасридан буюкроқ – баланд ва улуғворроқ эканини изоҳга ҳожат қолдирмай, лўнда ва ихчам баҳосини берган.

Руи Гонсалес де Клавихо Оврупонинг шоҳона қасрларини кўравериб, кўзи пишиб кетган

Кастилия элчиси Оқсаройнинг маҳобати, ички ва ташқи безатилишидан ҳайратга тушиб, «бошдан-оёқ зарҳалланган бўлма ва ҳашаматли хоналарни шу қадар кўп кўрсатишдикি, таърифини адо қилиб бўлмайди, бўлма ва хоналарга зарҳал, зангори ва бошқа хил бўёқлар билан заргарона ҳал берилганки, чевар усталирга эга бўлган Париж ҳам бу нақшлардан ҳайратга тушиши ҳеч гап эмас», деб ёзади у.

Оқсаройнинг салобатли, шоҳона қасрлардан ўзига хос, айрича фарқларидан бири деворларининг бошдан-оёқ илоҳий, сиёсий, дунёвий битиклар билан безатилишида ҳам эди. Ўйлайманки, ёзувлар ва уларнинг матнлари ташаббуси Соҳибқирон ҳазратларига узвий боғлиқ бўлган. Вақти-вақти билан шиор руҳидаги мухтасар матнлар Оқсарой кошинкорларига етказиб турилган. Шунинг оқибати бўлса (яъни, ёзилажак матнларнинг бир вақтда эмас, аста-секин тўлдирилиб борилиши) керак, айрим матнлар ўлчамларга сифмай, охирiga етмаган. Оқсаройнинг бир неча чақирим жойдан бемалол ўқиш мумкин бўлган 2,8 м. гача катталикдаги ёзув – ҳикматларининг бир қисмигина ўқилиб, мағзи чақилган. Бизгача етиб келмаган яна қанча куфийдаги, сулсдаги битиклар XIX асрнинг 70-йилларига қадар фозиллар кўнглини ром этиб келган.

Оқсарой кўксида омон қолган айрим ҳикматлар, бошқаларига қараганда кейинроқ – 1394–1396 йилларда сирли кошинлар билан деворларда жило топган бўлса керак. Чунки

бу битикларда Оқсарой улуғланади, унинг беназир чиройидан фахр туюлади ва Соҳибининг куч-қудрати зикр этилади. «Бу ложувард гумбазли, гўзалликда тенгсиз иморат, ранго ранг нурлари пештоқ қуббаларида жилола-нувчи машъала мисодир» – бу битикни мулоҳаза қилганда, аждодларимизнинг дидидан, нафосатидан завққа тўласан, киши. Яна бир танбеҳ ҳам кишини ушёр тортирилмай қолмайди: «Ман шакка фи валоятино ва караматино фанзур ило иморатино» – «Агар бизнинг қувват ва шавкатимизга шубҳанг бўлса, иморатларимизга қара!». Бу узоқни ўйлаб, ҳуш ва ёт назарларни эътиборга олиб, кўзга ташланадиган жойда улуғвор ҳарфлар билан битилган огоҳлик муждаси эди. Оқсарой фақат дўстларнигина эмас, турли юртлардан келадиган меҳмонларни, Тўхтамиш каби мухолифларни, элчиларни (ҳатто турли қиёфадаги жосусларни) қабул қилишга мўлжалланган эди. Клавиҳо, афсуски, Оқсарой «дарслигини» ўқиш шарафига муяссар бўлмаган. Йўқса, у деворий битиклар хусусида ўз қарашларини баён этган бўларди.

Қадимшунослар Оқсарой ва унииг ҳовлисида йирик тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Кириш пештоқининг жанубий томонида олиб борилган қазиш ишларида 1,5 м. чуқурликда ёппасига гулдор кошинлар билан орасталанган тагзамин кашф этилади. Шарқий майдон 120, гарбий майдон эса 140 кв. метрдан иборат бўлган. Гарбий майдонда

ҳашамдор ҳовуз ўрни ҳам аниқланади. Пештоқ олдидан бошлаб, кошинлар түшаб чиқилган майдон шарққа қараб 50, фарб сарига 28, жанубий томонга 38 м.ни ташкил этади.

Оқсарой қасрининг ҳажми инсониятнинг иморатлар соҳасидаги онгига инқилобий таъсир кўрсатувчи омил бўлади. Қасрнинг эни 125 м, узунлиги 250 м бўлган. Бу – 3125 кв.м деган гап. Бофу роғларни ҳисоб қилмагандан ҳовли билан Оқсарой Шаҳрисабз қалъаси ичida 4805 кв.м. дан кўпроқ жойни ишғол қилиб турган. Бу XIV аср учун чинакамига мўъжизаий иншоот эди.

Бизнинг замонамизда 1999 йилда пойтахтимиз Тошкентда бунёд этилган Оқсарой қароргоҳи майдони 5460 кв.м.ни эгаллайди. Қадимги бошқарув-маъмурий мажмууларининг бир хусусияти – уларнинг ҳисорлар, мудофаа деворлари ичida солиниши бўлиб, нисбатан катта майдонни банд этиши мақбул кўрилмаган. Эндиликда бундай истеҳком деворларига ҳожат йўқ.

Шаҳрисабздаги Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ташаббуси билан бунёд этилган Оқсарой қасри ўзбек халқининг ифтихори бўлиб келди. Улуғвор бинонинг босиб ўтган йўли халқимиз тарихининг узвий бир қисми ҳамдир. У халқимиз ақдий даҳосининг яхлит дури-марвариди сифатида Шаҳрисабзни, Амир Темур ҳазратлари Ота юртини асрлар давомида безаб келди. Шаҳрисабзни Соҳибқирон исм-шарифи билан Оқсарой жаҳонга танит-

ганлигини, довругини ёйганлигини, ўзбек меъморчилигининг гултожи, сарвари бўлиб тарихда мангу қолганлигини алоҳида таъкидлагим келади.

Шундай маҳобатли, салобатли, гўзалликда тенгсиз Оқсарой нечун мажруҳ бўлиб қолди? Нечун ўзи билан тенгдош иморатлар қатори, осмонўпар токидан каҳкашонга нурлар таралмади? Қадимшунос олма Лия Маньковская таъкидлаб айтганидек, «Оқсарой фишт масасининг метинлиги» ҳақида шубҳа бўлиши мумкин эмас-ку? Саволлар кўп, тарих барibir, бу қийноқли муаммоларнинг жўяли жавобини кечадан, бугундан, эртадан кутади. Кеча мубҳам, жим кечган, бугун фаол бўлса, эрта эса, ҳақиқатни кашф этмай қолмайди. Бунга ишонаман. Ҳали биз билмаган манбалар тадқиқ этилади, Оқсарой ҳақида мукаммал тарих юзага чиқади.

Амир Темур ҳазратлари вафотидан (1405) кейин Оқсаройнинг ҳоли нима кечган? Муаррих Абдураззоқ Самарқандий, Мовароуннаҳр сингари Шаҳрисабзнинг ҳам ўзаро босқинлар чорраҳаси бўлиб қолганлигини, бу ерда Халил Султон, Султон Ҳусайн тўқнашувлари, Шоҳруҳ Мирзо ва Улуғбек, Шоҳмалик олиб борган жангу жадаллар ҳақида хабар бериб ўтган. 1409–1410 йилларга келиб, Мовароуннаҳр Шоҳруҳ Мирзо номидан, унинг ўғли Улуғбек Мирзо томонидан бошқарила бошлагач, Шаҳрисабзга эътибор кучаяди. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»да ишорат этилганидек, Шаҳрисабз

қавмлари Улубек Мирзони Халил Султон ўзбoshимчалигига қарши йилларида қўшин билан қувватлаб турган. Улубек Мирзо Самарқандда мустаҳкамлангач, Шаҳрисабзда бобоси удумини давом эттиради, Кўкгумбаз сингари олий иморатлар қурдиради. Шаҳрисабз Темурийлар бошига иш тушган пайтларда бошпана бўлган, деган таассурот қатъийлашди менда. Буни Соҳибқирон вафотидан 95 йил ўтиб, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ёғий сулола – Шайбонийларга қарши курашган дастлабки йилларида ҳам кузатиш мумкин.

«Бобурнома»да 1499–1500 йил воқеалари тафсил қилинар экан, шундай эътироф зикр этилади: «Хабар келдиким, Шайбонийхон Бухорони олиб, Самарқанд устига мутаважжиҳ бўлди. Ул навоҳида бўлмоқни маслаҳат кўрмай, Кеш сари азимат қилдук. Бу Самарқанд бекларининг аксар кўчлари ҳам Кешда эди. Кешга келгандин бир-икки ҳафтадин сўнг хабар келдиким, Султон Али Мирзо Самарқандни Шайбонийхонга берди».

«Самарқанд бекларининг аксар кўчлари» эҳтиёт шарт Шаҳрисабзда, Оқсаройнинг мустаҳкам ҳисор билан ўраб олинган қалъасида сақданганлигини тушуниш мумкин. Шайбонийлар ўзаро ихтилофлардан путури кетиб бўлган, бирлаша олмаган Темурийлар мулкларини бирин-кетин кўлга киритадилар. XVI асрда яшаган шоир Муҳаммад Солиҳ (1455–1535) Шайбонийлар сулоласини кўкларга кўтариб мадҳ қилса-да, элу юрт ҳолига юраги

ачиган. У вайронагарликлар ҳақида очиқ-ойдин ёзар экан, икки сулола курашларининг Шаҳрисабзда қандай кечганилигини деярли тилга олмайди. Мовароуннахр бир ёқдан Шайбонийлар отлари туёқлари остида эзилган бўлса, юртнинг эгасиз қолиши доимо имкон пойлаб келган мўфуллар назаридан четда қолмайди. Хоника деган мўфул хонининг чопқунлари элнинг тинкасини қуритади:

*Эв била қўйни олиб эрди мўгул,
Теваю отни, ҳисорию чугул.
Чун Самарқанд бу наеъ ўлди хароб,
Бўлди кўп қаҳат бўлурга асбоб.
Ёлгиз ул шаҳрда ўлмади ҳалқ,
Анда-ўқ лола каби сўлмади ҳалқ.
Кеш била Қаршида ҳам кўп ўлди,
Андолар кўп киши зое бўлди.
Ўлди бисёр Бухорода дози,
Бўлди кўпроқ элига марг чоги.
Юз минг одам ўлууб эркин, шояд,
Эвлари бузулиб эркин, шояд.*

Икки сулоланинг қирпичноқ йилларида та-маддунга ҳам дарз кетади. Амир Темур ҳазратлари «ҳар доим меҳр-муҳаббат билан» қараган Шаҳрисабз, Оқсарой оёқ-ости қилинади. Эл Бош эгасиз қолганда, ҳокимият курашлари авжига минганда, иморату қасрлар ҳам вайроиаликдан четда қолмайди. XVII асрда яшаган Малеҳо Самарқандийнинг «Музаккир ул-асҳоб» тазкирасини мутолаа қилиш ҳали насиб этмади. Лекин билвосита бўл-

са-да, асар ҳақида тушунчам бор. 1948 йилда «Улуг ўзбек шоири» деган салмоқди бир тўплам нашр этилган бўлиб, унда академик Яхё Фуломовнинг икки мақоласи берилган. Буюк олимнинг «XV асрда Ўрта Осиё шаҳарларида бинолар ансамблиниң традицияси ҳақида» номли иши ҳали-ҳамон ўз илмий қимматини заррача бўлса-да пасайтирган эмас. Шайбонийлар сулоласи Мовароуннаҳрни тўла эгаллагач, Самарқанд, Кешдаги олий иморатларнинг ҳоли қандай кечганилигини, умумий тарзда бўлса-да кўз олдимда гавдалантира олдим. Домла шундай ёзадилар:

«Темур ва Темурийлар замонида мақбара-ларни мадрасалар биносига қўшиб юборишига кўп эътибор берилган. Темур замонида Самарқандда солинган мадраса, ҳозирги «Бибихоним» масжид жомеъи қаршисидаги «Мадрасайи Хоним» эди. Ҳозирги (1948 йил кўзда тутилаётир – П.Р.) «Бибихоним мақбараси» деб аталган хароба ҳолидаги бино мазкур мадрасанинг бир қисми эди. Ва бу нарса, айниқса, Малеҳо томонидан шу равишда тасдиқланади: «Абдуллахон (1557–1598)нинг Самарқандда қилган ёмон ишларидан бири Темур солдирган масжид жомеъ рўпарасидаги Мадрасайи Хонимни вайрон қилишидир. Бу мадрасани шундай буздирдики, унда Хоним мақбарасидан бўлак ҳеч нарса қолмади».

Малеҳо Самарқандий бор гапни, ҳақ гапни ёзган, деб ўйлайман. Амир Темур пойтахти Самарқандда шунча харобаликлар юз берган

бир пайтда, Шаҳрисабз иморатлари ҳам ни-
фоқлик бузғунчиликларидан четда қолмаган.
Малеҳо Самарқандий «Кеш 1103 йилда (1691–
1692) Самарқанд каби хароба ҳолдадир», дея
бекиз ёзмаган. Инсоф юзасидан айтиладиган
ва кейинги асрлардаги мавжудликни ҳисоб-
га оладиган бўлсак, Абдуллахон Шаҳрисабз
меъморий мажмуаларини бошдан-оёқ бузди-
риб, вайрона ҳолига келтирди, дейиш ўта му-
болагали хулоса бўлур эди. Бу ҳақда ҳали гу-
рунглашамиз. Абдуллахоннинг қораловчилари
бўлганидек, оқловчилари ҳам бор.

Аштархонийлар даврида Шаҳрисабз кена-
гаслари катта куч сифатида шаклланган эди.
Оқсарой кенагас уруфининг очамайли, кейин
эса, қайрасолли тармоқлари беклари қарор-
гоҳлари вазифасини ўтаб келди. Шаҳрисабз
истеҳком деворлари бу даврда янада мус-
таҳкамланади, узайтирилади. Бухоро тахти
Манғит амирлари қўлига ўтгач, Шаҳрисабз ва
Китобда мустақиллик кайфияти, бошбошдоқ-
лик асорати авж нуқтага кўтарилади. Амир
Ҳайдар, Амир Насрулло ва Амир Музaffer-
лар бу икки бекликни итоатда сақлаш учун
ҳар йили қўшин тортадилар, қонли муҳора-
балар эл юрагиини безиллатиб қўяди. Бундай
ўзаро жангу жадаллардан биргина фуқаролар
азият чекиб, бор будидан ажralиб қолганми?
Қалъа деворларига шикаст етди дегани, унинг
ичидаги қасрга, биноларга ҳам маълум заар
бўлади, деган маънони англашмайдими?

Ҳокимият талаблар биноларга бир фишт қўй-
иш ўрнига, эшикларни бузсалар, кўприкларга

ўт қўйсалар, охир-оқибатда бу калтабинликдан ким фойда кўради? Шаҳрисабз эли, элнинг кайвонилари шаҳарга файз ва барака бериб турган меъморий обидаларни кўз қорачифидай асрашга уринганлар. Оқсарой Темурийлардан сўнг ҳам бир неча аср давомида ҳокимлар қароргоҳи бўлиб келган. Ҳатто Бухоро тахтига чиқадиган номзодлар Оқсаройга келиб, расм-руссумларни адо этиб, бошга тож кийганлар. «Тарихий маълумотларда айтилишича, – деб ёзади Лия Маньковская, – ҳатто 1707 йилда ҳам Оқсаройнинг пештоқи тагида Бухоро хони Убайдуллахон тож кийиб, тахтга ўтирган, бу маълумот ҳам ўша вақтда ҳали пештоқ бутун эканлигидан далолат беради».

Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланома» асарини оҳиста варақлайман. Субҳонқулихоннинг ўғли, Балхда ҳокимият юритган Убайдуллахон муаррих кўрсатишича, 1114 ҳижрийнинг 23 жумадулаввалида (1702, сентябрь) Бухоро тахтига чиқади, Убайдуллахон Шаҳрисабз беклари билан муросани жойига қўйиш ҳаракатида бўлган. Икки ўртадаги яраш ҳам, барибир, натижа бермайди. Убайдуллахон 1711 йилда ўлдирилади. Оқсаройда тож кийиш рамзий бўлиб, Шаҳрисабз, Чироқчи ва Китоб беклари унинг ҳокимиятини расман тан олиш, хон сифатида қабул қилишларини англатар эди.

Бу даромад баёндан кузатилган мақсад – Оқсаройнинг XVIII аср бошида ҳали фаол бўлганидан, пештоқи, гумбази, безаклари жо-

йида эканлигидан хотиржам тортишлик эди. Мұҳаммад Ҳакимхон Тўранинг «Мунтажаб ат-таворих» асарини зўр ҳафсала билан очаман. Мана, кенагас Валламий бекларидан Дониёл Оталиқ ҳақидаги сатрлар:

«Дониёл оталиқ қирқ йил мустақил ҳукумат юргизиб, шундан Китоб шаҳридаги амирлиги йигирма саккиз йил бўлди, – деб ёзади муаррих. – Алқисса, Оталиқнинг вафоти бутун Шаҳрисабз ўлкаси бўйлаб ёйилди ва унинг ўлимидан сўнг амирларнинг боши қотиб, нима қилиш лозимлигини билмай қолиши. Ҳатто бир умр шундай кунни кутиб яшаган айрим амирларнинг миясига молиҳулиё касали йўл топа бошлади. Шу аснода Шаҳрисабздан икки нафар одам келиб, Хўжақули парвоначини Шаҳрисабз амирлигига таклиф қилишади.

Ниҳоят, Оталиқнинг тобутини олдинроқ солиб, амирлар катта дабдаба билан Шаҳрисабз сари йўлга тушдик. Шаҳарга яқинлашгач, Хўжақулийнинг укаси Бобобий чиқиб кутиб олди ва у ердан бийнинг укаси ҳамроҳлигигда ҳой-хуй товушлари остида шаҳарга кириб, Оталиқни тўла обрў-эътибор билан тупроқча топширдик. Шундан сўнг Хўжақулий парвоначи Оқсанарой иморати остида қушташлади ва кенагаснинг барча миру амирлари йифилишиб, Хўжақулий парвоначини амирлик мансабига ўтқаздилар. Хўжақулий амирлик **тактига** қарор топгач, мамлакат ишларини тартибга солмоқча киришди». До ниёр Оталиқ, маълумки, ҳижрий 1256 йилнинг

17 раби ас-соний ойида (1840 йил 19 июнда) вафот этган.

Оқсарой ҳасби ҳолида 1842 йил боши ҳам унинг курраи заминда қад кериб турганидан далолат берадиган аниқ саналардан бири ҳисобланади. Ҳокимият илинжида Бобо додҳоҳнинг акаси Хўжақулибийга иккилик қилиши, қайнотаси Абдулкарим мироҳўрни бир кун бўлса-да, Оқсаройда тахтга чиқариши воқеаси содир бўлади. «Мунтахаб ат-таворих»да бу ҳақда «Бобо додҳоҳ иш кўлдан чиққанини англаб, нима қиласини билмай қолди ва қўрққанидан Шаҳрисабз ҳукуматини қайнотаси Абдулкарим мироҳўр ибн Бекназарбий валинаъмига топшириб, дарҳол унинг номига жар солдирибди. Ўша ондаёқ Абдулкарим мироҳўр Оқсаройга кириб, ҳукумат ўринидигига ёнбошлабди». Бу воқеа 1842 йил 30 январда рўй берган. Бу ўринда Абдулкарим мироҳўрнинг бир кунлик ҳокимияти эмас, Оқсаройнинг ҳокимият қароргоҳи сифатида **ўринидиг** – ҳокимлик тахтгоҳ жойи бўлиб турганлиги аҳамиятлидир.

Шаҳрисабзни кенагас Валламийлар идора қилиб турар экан, Оқсарой ҳокимликнинг маъмурий-бошқарув биноси сифатида бардавом бўлади. Бу Россия империясининг тажовузи Бухоро хонлиги сарҳадларини қамраб олгунига қадар давом этади. Амир Музаффар отаси Амир Насруллодан ҳам ўтиб, Шаҳрисабз ва Китоб беклигига қарши қўлидан келган барча чораларни кўради. Амир Насрулло даврида

Шаҳрисабзда, Оқсаройда ҳоким Ашурбекбий, Китоб Афросиёбида эса Зокирбий Бурбажал ҳокимликка қўйилган.

Муаррих Мирзо Абдулазим Сомий шу давр воқеаларини қаламга олар экан, «Шаҳрисабз аҳли Амир Насруллоҳдан катта тұхфалар олар эди, Амир Музаффар эса зиқна эди. Шу сабабли, ундан ихлоси қайтадилар. Шаҳрисабзда Ҳакимбекбий, Китобда Жўрабекбий, Тўғоймуродбекбийлар Амирдан илтифот кўрмай, ҳафсалалари пир бўлиб, ундан юз ўтирадилар. Бу вақтда Шаҳрисабзда «ўз даврининг буюк кишиси» бўлган Иброҳим парвоначи ҳокимликка юборилган эди. Амир Музаффар Шаҳрисабз сафаридан қайтиб, Иброҳим парвоначини вазифасидан бекор қиласиди ва ўрнига қалмоқ Одил парвоначини ҳокимликка қўяди.

Шаҳрисабз беклари ва эли Амир Музаффар тайинлаган ҳокимдан норози бўлиб, исён ҳозирлигини кўрадилар. Исён кўтарилади ва Амир Музаффар қўйган амалдорлар қўлга олиниб, зинданбанд этилади. Оқсарой тахтига Ҳакимбий, Китоб Афросиёбига Жўрабек, Ўртакўргонга Тўғоймурод ҳоким бўлади. Амир Музаффарнинг саъй-ҳаракатлари, қўшин тортишлари беҳуда кетади. Икки ўртада сулҳ қарор топади, Шаҳрисабз ва Китоб бир неча йиллар давомида деярли мустақил ҳаёт кечиради. Ҳакимбий кексайиб вафот этади, ўрнига ўғли Бобобек Шаҳрисабз ҳокимиятини эгаллайди.

Ихтилофлар ҳар доим аланталаниб турган. Бу ўртада Россия империясининг Бухоро

мулкларини бирин-кетин тортиб олиши, Жиззах, Самарқанд, Каттақўргон шаҳарларининг мағлубияти, Зирабулоқдаги ҳал қилувчи жанг ва ярим тобе-вассаллик қисматига рози бўлиш воқеалари бўлиб ўтади. Амир Музаффар Россия империяси билан «яқинлигидан» фойдаланиб, саркаш ҳокимларни орадан кўтариш учун генерал К. П. фон Кауфмандан ҳарбий ёрдам сўрашга мажбур бўлади.

Муаррих Абдулазим Сомий Россия империяси қўшинларининг Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари устига босиб келишини ҳижрий 1290 (1873) деб кўрсатади. Россия империяси ҳарбийлари хужжатларида бу босқин 1288 ҳижрийда, яъни 1870 йил кузида бўлганлиги қайд этилади. «Шаҳрисабз тарихи» (2011) китобимда Шаҳрисабз ва Китобнинг руслар томонидан босиб олиниши, Жўрабек ва Бобоbekларнинг Худоёрхон ҳузурига, Кўқонга кетишлиари тўғрисида босқинчиларнинг ўз кундалик хужжатлари асосида батафсил фикр юритганман. Бу ўринда муаррих Мирзо Абдулазим Сомийнинг хуласаловчи сўзларини келтириб ўтиш билан чекланаман. Чунки бу сўзлар Россия империяси генерали Абрамовнинг ўз бошлиқларига берган рапортларида акс этмаган. «Тарихи салотини Манфития до-руссалтана Бухорои шариф» муаллифи шундай дейди:

«Насронийлар қўшини аввал Китобга дахл қилдилар, уч соат ичida уни босиб олдилар, сўнг Шаҳрисабзга етиб келдилар ва катта куч

сафламай, шаҳарии эгалладилар ва талон-тарож қилдилар. Руслар бу жойлар ҳокимлари ни қочириб, бу ҳақда Тўхтамиш иноқقا (Амир Музаффар тайинлаган янги ҳоким – П.Р.) хабар юбориб, уни олиб келдилар ва ҳокимиятни унга топшириб, Самарқандга қайтиб кетдилар».

Шаҳрисабз ва Китобни қонга белаб «қайтиб кетган» рус қўшинлари бу ҳужумга қандай тайёргарлик кўрганилигини ихтисор қилиб бўлса-да, бир оғиз гап айтиб ўтиш жоиз. Шаҳрисабз ва Китобни босиб олиш тафсилоти генерал-майор Абрамовнинг Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони К.П. фон Кауфманга 1870 йил 31 августда ёзган 591-рақамли рапортида ўз аксини топган. «Сиз жаноби олийларининг буйруғингизга мувофиқ, Шаҳрисабз бекларига қарши ҳаракат қилиш учун Зарафшон округи қўшинларидан «Шаҳрисабз» деган умумий ном остида отряд тузилди... Шаҳрисабз отряди таркибига: 3-Туркистон линия батальонининг ҳаммаси, 9-батальоннинг 4 та ротаси, 3-отлиқ дивизиони, 2 та тоғ тўпи, ракета батареяси, Оренбург казаклар полкининг 200, Сибирь казак полкининг 150 жангчиси киритилди. Бунинг устига, захира сифатида 6-батальоннинг 2 ротаси юборилди», дейди у босқинчи кучларнинг курол-яроғларининг ҳисобини айтар экан.

Генерал Абрамов 1870 йилнинг 15 августи ҳақида галирар экан, «Мен Шарга (Шаҳрисабзга – П.Р.) бордим. Аҳоли шаҳардан 3 чақи-

римча берида мени нон-туз билан қарши олди», деб, гүё тўп ва миљтиқлардан, ракета мосламаларидан биронта ўқ узилмагандай ҳаволаниб мақтанади.

Д.Н. Логофет Қаршининг, ундан кейин Шаҳрисабз ва Китобнинг «рус қуролининг кучи ва кўлоб бўлиб тўкилган рус қони эвазига олинган Шаҳрисабз ва Китобдек улкан беклик Бухоро Амирига берилди», дея ҳақиқатни хаспўшловчи пардани юлқиб ташлайди. Нега бу сўзларни таъкиди билан урғу бериб келтираёттирман? Бунда бевосита Оқсарой тақдирига рахна солган, кошинларга қўргошин юқи сараган излар бордек. Чунки ёпиғлигик қозон ёпиғлигича қолиб келган, ҳақиқатни кўрган-билган одамлар бир аср давомида ҳаётдан қайтганлар, воқеалар унутилган, вақтида бу ҳақда гапириш, ёзиш эса тазийиқларга сабаб бўлмай қолмасди.

Генерал яширганни Д.Н. Логофет ошкор қилган. У Бухоро хонлигини Россия таркибига қўшиб олишнинг ашаддий тарафдори эди. Қаршининг, Шаҳрисабзнинг, Китобнинг «рус қуроли кучи ва тўкилган қони эвазига» босиб олинишини маъқуллагани ҳолда бу мулкларнинг қайта Амир Музаффарга олиб берилишини кечира олмайди. **«Рус қуроли кучи»** иборасига эътибор берайлик. Тоғ тўплари қоя ва чўққиларни ушатишга қодир эди. Ракета мосламалари деворларни ўпириб, кунпаякун қиласади. Энди шу ерда ҳазин чекинищдан сўнг, мақсадга кўчай.

1870 йилдан кейин Д.Н. Логофет айтганидек, Шаҳрисабзнинг уч томонлама қамал иссанжасида қолган пайтида содир бўлган ҳужумлар оқибатида Оқсарой... вайрона, қулаган, ҳароб ҳолида, деган совуқ ташбеҳлар билан турланадиган бўлиб қолади. Гапнинг қаерга бораётганлигини фаҳмлаётгандирсиз. Д.Н. Логофет «Генерал Абрамовнинг рус қўшинлари отряди Шаҳрисабз ўлкасига кирганда, Бухоро лашкари шаҳарга гарб томонидан яқинлашиб келган эди. Уч томонлама қамал қилинган (Михайловский, Соковнин, Бухоро қўшини) Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ олингандан сўнг, Шаҳрисабз беклари Кўқонга қочди», деб кибранишни ўринлатган эди.

Шаҳрисабз ва Китоб босқинидан 3-4 йил ўтиб, Шаҳрисабзга Бухоро хонлиги, унинг тоғлик бекликлари ҳақида асарлар ёзган Н.А. Маев келади. У, назаримда, биринчилардан бўлиб, Оқсарой ҳароба ҳолга тушгани ҳақида ёзма равишда хабар берган Россия империяси намояндаларидан эди. Н.А. Маев 1875 йилда босилган «Бухоро хонлиги очерки» асарида шундай деб ёzáди:

«Темурнинг ҳашаматли Оқсаройи Бухоронинг шу даврдаги ҳамма иморатларида кузатилганидек, ҳаробаликдан иборатdir. Шунга қарамасдан, бу вайрона ҳозир ҳам ўзининг беназир гўзаллиги билан ром этади. Жанубий тарафдан гумбаз қолдиқлари яққол билиниб турди, вактида иморат безаги бўлган бу гумбаз ҳозирда нураган бўлиб, ундан кошиналар

ва ёзувлар билан безатилган икки баланд дөвөр сақланиб қолган».

Бу сүзларни чуқур мушоҳада этиш айрим табиий саволларга йўл очади. 1842 йилда таҳтгоҳдари жиҳозланган, фаол хизматда бўлган Оқсарой орадан 30 йилдан ортиқ вақт ўтиб, нурашга тушибди-да?! XIV асрнинг 90-йилларидан заминга мустаҳкам оёқ қўйиб, кўкка қад кериб, XV, XVI, XVII, XVIII ва XIX асрнинг 70-йилига қадар савлат тўкиб турган Оқсарой қандайдир чорак аср издиҳомларига тоб беролмабди-да. Эҳ, аттанг. Яхшиямки, Н.А. Маев генерал Абрамов қўшинлари ва Амир Музофар лашкари босқинидан кўп ўтмай Шахри-сабзга қадам ранжида қилган экан. Йўқса, Оқсарой қачон қулаганлиги ҳақида турлича каромат қилиш пойгага айланармиди? Пойгага айланди ҳам. Оқсарой вайронага дўнгани тўғрисида, бу харобалик қачон юз бергани бобида турланувчи фикрлар кўп бўлди. Бирор киши шундай мустаҳкам, муаззам меъморий мажмуя нураши энг баланд нуқта – гумбаз ва пештоқнинг ўпирилишидан бошлангани сабаби хусусида бош қотирмади. Ҳамма бирдек, бир-бирини такрорлавчи жўровоз билан «кулади, вайрон бўлди, Абдуллахон бузди, гиштларини ташиб кетди», қабилидаги фаразлардан нарига силжий олмади.

Оқсарой чинакамига ташқи таъсир бўлмаса, харобаликка юз тутадиган иморат эмасди. Унинг тамали теран, гиштлари сара, қир аралашмаси асрлар давомида гиштларни, кошин-

ларни метиндай ушлаб туришга қодир эди. Қир аралашмаси асрий иншоотларда, сардобаларда тажрибадан ўтган, сувга, ёмғиру қорга, иссиғу совуққа ўта чидамли ноёб қурилиш ашёси эди. Улуғ аждодларимизнинг, омилкор меъморларнинг ўлмас ихтироси юртимизнинг бирор мавзесидаги улкан биноларда асло панд бермаган эди. Оқсарой ҳам бундан мустасно эмасди.

Д.Н.Логофетнинг «рус қуролининг кучи» деган ибораси тилсимнинг қалити бўлиб туюлади менга. Рус қўшинлари Қаршини Амир Музофарга олиб беришда шаҳарии қандай вайрон қилганигини бир эслаб кўрайлик. Оқсарой генерал Абрамов ҳаракат қилаётган Китоб йўлида Самарқандга мағур бокиб турарди. Хув Тахти Қорачадан, Жом йўлидан босиб келаётган Михайловский ва Соковнин гурухлари сипохийлари кўзини Оқсарой қуббаларидан тараалаётган нур шамғалат қилиб турган. Шаҳар тақдирини ҳал қилиш, кишилар кўнглига кўркув солиш учун иккала тоғ замбараги биратўла – бири гумбазга, бири пештоққа қаратилиб, бўшатилмаганига ким кафолат беради?

«Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар» (1998) китобида фикримга далда шундай сўзлар бор: «Девор бўйлаб (гап Шаҳрисабз-Китоб мудофаа истеҳкоми ҳақида – П.Р.) чукур хандақлар қазилган. Деворнинг ўзи ҳам анчагина қалин бўлганки, 1870 йил 13 августда иккита рус батареясига бу деворларни ҳужум билан эгаллашга буйруқ берилганда, девор

уларнинг оловли ҳужумларига (яъни тўп ўқларига) анча вақт бардош берган». Ўша пайтда босқинчилар тўпларни қандай ишга солганини деворларнинг, иморатларнинг тили бўлслайди, баралла айтган бўларди.

Мана, рус қуролининг ёвуз, қабоҳатли кучи. Тарихий саналарнинг бир-бирига мувофиқ тушишини айтмайсизми? 1842 йилда бус-бутун бўлган Оқсарой 1870 йилда гумбази қулашга маҳкум этилган. 1874–1875 йилда Оқсаройни кузатган Н.А. Маев кўз ўнгида ҳали унинг асоси – таг қисми сақданиб турган.

XIX асрнинг 80-йиларидан бошлаб, Н. А. Маевнинг Оқсарой ҳақидаги хабаридан кеъин ҳарбий мундирдаги олимлар унга қизиқиб қоладилар. Деворлардаги ҳали барҳаёт бўлган ёзувларни ўқишига киришилади, суратлари олинади, тарҳи ҳақида фикрлар айтилади. А. Кун, Н. Петровский, Дубровин, Н. Ситняковский, В. Вяткин, Б. Денике, Э. Кон-Винер, А. Якубовский, Б. Засипкин, ҳатто 1925 йилда В.В. Бартольд Оқсаройга келиб, уни ўз кўзлари билан кўради. Ўйлайманки, бу қизиқишлиар, суратга олишлар, харитаю режа, тарҳ тузилмаларини ишлашлар нега олдинроқ амалга оширилмаган? Ахир Бухоро хонлиги Россия империясининг вассали эди, бас, Қарши сингари Шаҳри-сабз дарвозалари рус корчалонлари, шунингдек, сайдёху олимлари учун ҳам очиқ эди-ку?!

Фаразда кезинаман. Ўша пайтда, ҳали гумбаз етган зарбдан ўпирилиб, қулай бошлаган, Н.А. Маев келганида гумбаз таги – асоси тур-

ган вақтларда уни таъмирлаш масаласи кўта-рилганда қандай бўларди? Буни ҳеч бўлмаса, маҳаллий амалдорлар ўйлаб кўрганлар. Аммо гумбаз ниҳоят катта, пештоққа ҳам зил кетган, уларни тиклаш ва таъмирлашга ҳокимлик-нинг кучи ва сармояси етмас, Бухоро амирлиги бу ташаббусни қувватламас эди. Оқсарой тақдирининг четга суриб қўйилишига, қолгани қисмат ҳукмига ҳавола этилишига шулар сабаб бўлган, деган фикрга келдим. Шу хуласага келдиму, унга жуда-жуда ишонгим келиб кетди. Ахир асрлар давомида Оқсаройнинг қад ростлаб туришига одамлар боғланиб қолган, уни илоҳий таянчми, орқами, қудратми ё омадми деб билар эдилар. Балки Оқсарой таъмирланар, пештоқи нисбатан тез тикланар, гумбази ҳам олдинги ҳолига келган бўларди. Аммо қисмат равиши бошқача бўлди.

Ҳокимият Советлар қўлига ўтди. XX асрнинг 20-йиларида йўқсиллар маданий-оқартув ташкилоти (Пролеткулт) ҳукм сурган даврда мумтоз обидаларга ялпи ҳужум уюстирилди.

Шаҳрисабзда 1920 йилнинг 24 декабрида бўлиб ўтган мустабид Совет тузумига қарши умумжалқ куролли қўзғолони Файзулло Хўжаев бошчилигида Бухоро ҳалқ совет республикаси нозирлар кенгашининг 15 нозири иштирокида бостирилишида Бенбин деган бир кимса томонидан Оқсарой тўпга тутилган экан. Пилта замбаракни ўқлашда порох портлаб, Бенбиннинг кўзлари кўр бўлиб, оғир жароҳат олган экан.

Оқсарой 1870 йилги зарбадан кейин, орадан 50 йил ўтиб, яна тўпга нишон бўлади. Илгари манжанақлар қалъа деворларини бузишда ишлатилган. Замбарак ўқлари изларини Оқсаройнинг деворларида ҳали-ҳамон кузатиш мумкин. Қўл билан бузиш бошқа-ю, замбарак ядролари билан ўпириш, ўйиш бошқа, бу икки хил раҳнагарликни фарқлаш унчалик қийин эмас. Оқсаройнинг қулаган гумбазию пештоқини ҳозирги замоннинг қудратли техника воситалари ҳам бу тахлит вайрон қилолмасди. Бу узоқдан, ниҳоятда кучли зарб билан уриб ағдарилишдан етган харобаликлар. Иккичи зарба 1920 йил охирида «ўлганнинг устига тепган» қабилида амалга оширилган.

Айтаётганларим фараз ё тахмин натижалари эмас. Ўтган асрнинг 60-йилларида Шаҳрисабзда муҳтарам кексалардан бу гапларни эшитганман. Бу бобдаги тарихий далиллар шу холосага келишга асос беради. Қолаверса, бунга оид манбалар жонкуяр бир Шаҳрисабзийнинг ёдгор қолган бисотида сақланиб тургандир. Балки Оқсарой тарихи тўла ёргулликка чиқиб, элу халқимиз бор ҳақиқатдан баҳраманд бўлар. Бунга ишончим комил.

Мустабид қизил салтанат даврида «ёпиглик қозон ёпиглигича» қолиши одатдаги ҳол эди. Мафкура майлига имо-ишорасиз тушунадиган, фикр-мулоҳазасини пинҳон тутишга кўнишиб қолган олимлар, тадқиқотчилар ўзлари билган-бilmagan ҳолда истибодд тузуми фойдасига қалам тебратишга мажбур эдилар.

Буни Оқсарой ва унинг қачон вайрон бўлганлиги тўғрисидаги қарашлар мисолида ҳам кўриш имкони бор.

Қадрлайдиганим атоқди олима Галина Анатольевна Пугаченкова Шаҳрисабз ва унинг меъморий ёдгорликлари, санъати тарихи бо бида катта ишларни амалга оширган. Замона тутуми бутоқ олимани ҳам чаlfитмай қолмаган. Мана бу сўзларга дикқатни қаратайлик, олима шундай дейди:

«Оқсарой Темурийлар сулоласидан сал узоқроқ яшади. XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хукмдори Абдуллахон Шаҳрисабзни неча бор қамал қилиб, Темурнинг маҳобатли иншотини бузишга амр қилди. Унинг фиштларини аъло сифатли қурилиш хом ашёси сифатида ташиб кетдилар.

Афсонада айтиладики, Абдуллахон Шаҳрисабзга келаётганида бир куни узоқдан Оқсаройнинг юксаклигига кўзи тушиб, гўё шаҳарга яқинлашиб қолганини ҳис қилиб, тезроқ этиш учун энг яхши тезчопар бедовини қистаб ҳайдабди. Чопишдан бедов зўриқиб, йиқилиб ўлибди. Сарой эса ҳамон ҳайбат билан маҳлиё этиб тураркан. Масофани чўтлашда адашган Абдуллахон ўшанда қаттиқ аччиқланиб, уни бузишга фармон берган экан.

Темур ва Темурийлар давридаги улуғвор иншоотларни бузиш билан, ҳақиқатда, Абдуллахон ҳалқ онгидан Шайбонийлар томонидан ағдарилган сулоланинг буюклиги хотирасини ювиб ташламоқчи бўлган. Эҳтимолларга кўра,

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Оқсаройдан пойдевор ва пештоқнинг бир қисми қолган эди».

Келтирганим иқтибосдаги санага эътиборни қаратмоқчиман. Олима XVIII асрнинг иккинчи ярмида (яъни, 1750 йилдан кейин) Оқсаройнинг пойдевори ва пештоқидан бир қисми гина қолган эди, дейди. Галина Анатольевна яна дейдики, «шу вақтда собиқ кошона ўрнида Шахрисабз бегининг «ўрда»си – хўжалик ҳовлиси қўналғаси ўрнашган эди. «Ўрда»нинг ўзи эса пештоқ олдида, уни деворлари билан яrim тўсган ҳолда жойлашган эди».

Муҳаммад Ҳакимхон Тўра Шахрисабз ва Китобда узоқ яшаган, икки бекликка ҳам яқин киши бўлган. Олдинда кўрдикки, Оқсаройнинг XVIII асрнинг 40-йиллари бошларида ҳали фаолият устида бўлганлигини муаррих, пештоқига тақаб ўрда қурган, шу ўрдада «ёнбошлаб ётган», деган аниқ жумлани, ақалли шунга ишоратли сўзни зикр этмаган. Ҳолбуки, Ҳакимхон Тўра Шахрисабз ва Китобда шу даврда кечган воқеаларни тафсилотли ҳикоя қилишдан асло толиқмаган.

Галина Анатольевнанинг бу қарашлари унинг 1976 йилда Москвада нашр этилган, 50 минг нусхада тарқалган «Термиз. Шахрисабз. Хива» деб номланган рисоласида ўз аксини топган. Бу рисола оммалашгандан кейин Оқсаройнинг кулаб, вайронага айланиши ҳақидаги фикрлар ҳукмнамо тус олиб кетди. 1979 йилда Тошкентда чоп этилган йўл кўр-

саткичга разм соламан. Йирик қадимшунос олма Лия Юльевна Маньковская қаламига мансуб «Қашқадарे воҳасининг архитектура ёдгорликлари» китобчасининг 17-бетини очаман. Ва шундай сўзларни ўқийман:

«Муҳташам бинодан ҳозир фақат кираверишдаги пештоқнинг бир-бираидан ажralган икки асоси сақланиб қолган, холос. Дарҳақиқат, бундан 200 йил муқаддам қулаб тушган Оқсаройнинг кириш пештоқи чиндан ҳам Ўрта Осиёда энг йирик пештоқ бўлиб, унинг равоқ оралифи 22,5 метрdir».

Ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик. Агар Галина Анатольевна Оқсаройнинг қулашини XVIII асрнинг иккинчи ярмида деб мавҳумроқ айтган бўлса, Лия Юльевна очиқ-ойдин бу санани 1779 йил (1979-200=1779) деб белгилаб беради. Таниқли олма Лия Юльевна Маньковскаянинг бир фикри диққатни жалб этади. «Оқсарой харобаларидан шаҳар эҳтиёжлари учун, – деб ёзади олма – анча вактгача ғишт териб олишган». Шу гапни шаҳрисабзлик фозиллардан мен ҳам эшигганман. Ўтган асрнинг 20-30-йилларида советлаштириш даврида Оқсарой ҳовлиларида уюм-уюм бўлиб ётган ғиштлар кутубхона, қизил чойхона ва иморатлар қуришда ишлатилганигини айтиб беришганди.

Бир ҳақиқатни тан олиш керак, Г.А. Пугаченкова шаҳар беги ўрдаси Оқсарой пештоқи олдида, унга тақаб қурилган деганда янгишган эмас. Шундай қалама ўрда қурилган. Бу фақат Россия империяси Шаҳрисабзни қайта

Амир Музаффар тобелигига бергандан сўнг Амир томонидан қўйилган ҳокимлар (Тўхтамиш иноқ) орқали 1875–1880 йилларда тикланган. Амир Музаффар кенагаслар зиддига қўйган Тўхтамиш иноқ ўзини Бобобек, Жўрабекдан устун қўяди. Қолаверса, Оқсаной пештоқи бу вақтда бутун, гумбаз эса тўплар ўқи захмидан илма-тешик аҳволда эди.

1976 йилдан кейин бирон-бир муносабат билан Оқсаной тилга олинган мақолаю рисола, йўл кўрсаткичларда кошонанинг 200 йил муқаддам қулаганлиги қайта-қайта таъкидланаверади. Давримизнинг фидойи муаррихлари орасида ўз фикри, танқидий ёндашуви билан муносабат билдирганлар борлиги дикқатга лойик. Йўқса, В.В. Бартольд, Г.А. Пугаченкова каби собиқ совет даври фанининг корифейларидан бири ҳукмнамо мулоҳаза билдиранса, мағзини чақмай дастак қилиб оловчилар, бугунга қадар судраб келувчилар кам дейсизми? Марҳум тарихшунос Саттор Турдиев ўз қарашларига эга фидойи олим эди. У киши 1996 йилда ёзган мақоласида «Оқсанойнинг бундан юз йил муқаддам нураб тушган кириш пештоқи Марказий Осиёда энг йирик пештоқ бўлиб, оралиқ равоги 22,5 метр бўлган», деди. Мазкур иқтибосда муҳим ва янги фикр Оқсанойнинг юз йил олдин – 1896 йилда нураб тушганлиги қайдидир. Шу йилларга оид фотосуратларда ҳали Оқсанойнинг қомати чўкиб қолмаганлиги, қалъа деворлари, ёндаги иморатлар бус-бутунлиги акс этиб туради.

АБДУЛЛАХОН ВА ОҚСАРОЙ

Ваъда қилганимдек, Шайбонийзода ва уларнинг энг тетиги марказлашган давлат учун кўп йиллар уруф-аймоги билан ўзаро курашлар олиб борган Абдуллахон II ҳақида тўхталиб, Оқсарой билан ораларидағи муносабатни тушунишга интилиб кўраман. Юқорида айтганимдек, Абдуллахоннинг меъморий обидаларни сулолавий торфеъллик билан бузишга бўлган «машғулотининг» қораловчилари бўлганидек, вақти келиб, ёзганлари оқловчилик вазифасини ўтовчилари ҳам бор эди.

Абдуллахон Мовароуннаҳр, Хурросон учун қирпичноқ бўлиб ётган Шайбоний уруғининг бири эди. Аста-секин унга омад кулиб боқади. Абдуллахон (1533–1598) 40 йил ҳукм суради. Умрининг аксар қисмини мулкирликда кечиради. 1557 йилда Бухорони, 1569 йилда Самарқандни, 1567 йилда Шаҳрисабзни, 1572 йилда Балх ва Ҳисорни, 1582 йилда Тошкент, Туркистон, Фарғонани, 1583 йили Хурсонни, 1595 йили Хоразмни тасарруфига олади. Абдуллахоннинг Қашқадарё воҳасидаги курашлари анча эрта бошланган. 1552 йилда Қаршини қўлга киритади, кўп ўтмай Шаҳрисабзни Шайбонийзода Бурундуқ сultonнинг ўғли Ҳошим сultonдан тортиб олиб, укаси Ибодулло сultonни Шаҳрисабз ҳокимлигига тайин қиласди. 1553 йилда Тошкентдан Наврўз Аҳмадхон Шаҳрисабзга талаб солиб келади. Унинг ёрдамида яна Ҳошим сulton Шаҳрисабз ҳокимлигига эришади. Наврўз Аҳмадхон-

нинг хуружи бир қадар чўзилади. Абдуллахон Ҳошим султонни даф қилиш учун 1563 йилда Шаҳрисабзга юриш бошлайди.

Абдуллахон II тарихини ёзган Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий 2 жилдлик «Абдулланома» (Шарафномайи шоҳий) асари ни 1596 йил нари-берисида ёзиб тамомлаган. 1563 йилда Шаҳрисабзнинг Абдуллахон томонидан эгалланиши китобда бироз муболага билан таъриф қилинади.

Шаҳрисабзнинг шу йилги фатҳи талқинида бир муҳим чизгини англаб олдим. Шаҳрисабз бу сафар Абдуллахон томонидан ўз яқинларидан бири Хисрав султонга берилади. Муаррих шу ўринда Абдуллахон томонидан Хисрав султонга Шаҳрисабзни идора этиш бўйича маслаҳатлар беради ва «ҳақиқат билан ҳукмронлик қил, кучли ва кучсизни адолат тутиамида баробар тут, ҳамиша зулму жабр байроғини синдир», деб айтган тайинловини келтириб ўтади. Ҳофиз Таниш Бухорий шу воқеани баён қиласар экан, Оқсанори деворида битилган «Подшоҳлар сўзи – сўзлар подшоҳидир», ҳикматини тилга олади. Ажабо, мен билган, мутолаа қилган манбалар орасида бу биринчи ҳол бўлса керак, бирон-бир муаллифда (бунда мозий мусаннифларини кўзда тутаётирман) Оқсанори ёзувларидан намуна келтирилганини кузатмагандим. Ҳофиз Таниш Бухорий, бундан чиқади, Шаҳрисабз ва унинг обидалари ни синчилаб ўрганган.

XVI асрнинг иккинчи ярми бошларида Шаҳрисабз кўп азият чекади. Муаррих қавлига

кўра, 1567 йилнинг декабрида шаҳар ҳокими Хисрав султон овга кетганида, Самарқандда хўкм суриб турган Абулхайр султон Шаҳрисабзни эгаллаб олади ва талон-тарож қиласди. Ўша пайтда мулкирлик шу қадар газак отадики, орадан бир йил ўтар-ўтмас, яна «Тошкент сultonлари ва Самарқанд хоқонлари сон-саноқсиз жамият билан мазкур йилнинг ражаб ойида (1568, январь-февраль) Шаҳрисабзни забт қилиш учун ҳусумат туғини кўтардилар».

Шайбонийзодаларнинг ўзаро майдага курашларида катта талафотлар кўрилар эди. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ҳикоя қилишича, Шаҳрисабзни Абулхайр султон қалъага кириб, мустаҳкамланиб олган вақтида бир гурӯҳ довюраклари Абдуллахонга «хандоқ сувидан сузигб ўтиб, бу қалъанинг бурж ва деворларини йиқитамиз», дейдилар. Абдуллахон Шаҳрисабз ҳисори бурж ва деворларини бузишга рози бўлмайди ва «умид шулки, оқибатни ўйламовчилар охири ўз қилганидан пушаймон бўладилар», дейди. Шаҳрисабзни эгаллаш учун Самарқанддан келган Шайбонийзодалардан Гадойхон, Султон Саъидхон, Худойберди султон, Абулхайр султон ва бошқалар Абдуллахон ва унинг қўйган ҳокими Хисрав султонга қарши тиш-тирноги билан курашадилар. Абдуллахон кучлари ёғийларни Шаҳрисабз қалъасидан қувиб чиқарадилар. Аекин душманлар ҳам анойи бўлмаган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, «душман сипоҳи иккинчи марта ҳаммаси бирданига юзларини қўргон томон қаратдилар ва шай-

тон тоиғасидек **юқори оламга** қасд қилдилар. Хусумат күлини очиб, оёқларни күнгира ва девор тепасига қўйдилар. Қўргон аҳли қаттиқ тиришиб, мардона ва паҳлавонона жанг қилсалар ҳам фойда бермади».

Шаҳрисабз учун бўлган шу жангда Хисрав султон ҳалок бўлади. Самарқанд хоқонлари – келиб чиқиши Шайбонийлардан бўлган бир тўда мулкгирлар, кўрамизки, Шаҳрисабз ҳисори-қалъа деворларига чиқиб, қаср бурама зиналаридан кўтарилиб, «юқори оламга қасд қиладилар». Юқори олам – Оқсарой эди. Улар қасрнинг баланд қаватларида туриб, камон билан ҳимоячиларни қийратганлар. Бу ерда бир ишора борки, Ҳофиз Таниш Бухорий бу ҳакда умумий йўсинли қилиб шундай дейди: «ер юзида биронта ҳашамат саройи бошини осмонга кўтармаганки, фано зилзиласидан бузилмаган бўлсин». Бу сўзлар тилсимли, сеҳрли бўлиб туюлади менга. Шаҳрисабзни 1568 йил бошида босқин қилганлар иккинчи ҳужум вақтида қалъа мудофаасига – деворларга ҳам, «юқори олам» – Оқсаройга ҳам жиддий талафот етказганлар. Йўқса, муаррих бунчалик куйинчаклик билан тушкун холосани айтмаган бўларди. Абдуллахон ва унинг ишончли ҳокими Хисрав султон, кўрамизки, бу жангда Шаҳрисабз ҳимоячиси сифатида намоён бўладилар. Хисрав султон мудофаа жангидаги асир тушиб, қатл этилади.

Шаҳрисабз мулклари бир муддат қўлдан чиқиб, унда ёғийлар қолдирган Фақир султон

Ҳисорий ҳукм суради. Абдуллахон 1569 йилнинг апрель-май ойларида Шаҳрисабз интиқоми учун отланади. Факир султон бу юришга тоб бера олмай Ҳисорга қочиб қолади. Муаррих бу ҳақда «ул ҳазрат (Абдуллахон – П.Р.) Шаҳрисабз томон юзланди. Қалъа атрофига қўнгандан сўнг, **унинг бузилган қалъасини тузатишга буюрди**», деб ёзади.

Олдинроқда қалъа девори ва Оқсаройнинг шикаст топиши (чамамда, кошинларнинг қўпорилиши, айвонларга зарар етиши) ҳақида фараз қилгандим, янгилишмаган эканман. Шаҳрисабз қалъа деворлари жуда мустаҳкам бўлган, юз берган тўқнашувлар шунчалик қаттиқ бўлганки, бунда фақат жонлар эмас, кошоналар ҳам жабр кўрган. Абдуллахон бу ўринда тиклавчи бўлиб гавдаланаётир. Бузғунчилар Самарқанд хоқонлари – келиб чиқиши Шайбонийзодалар эди. Нима бўлганда ҳам, оқни оқقا, қорани қорага ажратиш, хайрли ва бад ишларни орадан аерлар кечган бўлса-да, ўз ўрнига қўйиш инсофдан бўлади.

«Абдулланома»да Самарқанд ҳақида ҳам маълумотлар жам этилган. Аввалги фаслларда Абдуллахон ҳукмронлиги даврида Самарқанднинг хароба ҳолга келгани ҳақида фикр қилгандим, «қораловчи» манбалар асосида билвосита сўз юритгандим. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг шаҳодати бунинг тескариси. Малеҳо Самарқандий ҳам, Ҳофиз Таниш Бухорий ҳам ўз асарларини қачонлардир бир кун муқояса қилиш, ё у-ё бу томоннинг тарафини олиш

учун ёзмаганлар. Гап қайси мусаннифнинг воқеликка қандай муносабатда бўлишида. Ҳофиз Таниш Бухорий Абдуллахонни улуғлаш, пировардида, воқеликни тўғри баҳолашга интилган. У 1586–1587 йиллар воқеа-ҳодисаларини тасвир қиласкан, Самарқанд тўғрисида, «ҳозир давлатлари кундан-кунга зиёда бўлаётган ул Ҳазратнинг (Абдуллахон – П.Р.) замонида, яъни ҳижрий тўққиз юз тўқсон бешинчи (1586–1587) йилда унинг (Самарқанднинг – П.Р.) маъмурлиги ниҳоятда ортди. У вилоятда буюк Амир ва унинг авлодларидан (Амир Темур ва Темурийлар – П.Р.) қолган ҳамма бузилган ва вайроналикка юз қўйган иморатларни Абдуллахон тузатишга буйруқ берди. Садр ул-аном жаноб Кўлбобо қўкалтош уни тузатиш ва қуришда тиришқоқлик кўрсатмоқдалар», дейди. Тузатиш ва қуриш ишлари муаррих ушбу сатрларни ёзган 1586–1587 йилларда ҳам давом этганлиги хайрикоҳлик руҳи билан таъкидланган.

Эътиборингизга, муҳтарам китобхон, Абдуллахон ва унинг меъморий обидаларни бузганлиги ҳамда унга зид бўлган тарихий манба гувоҳлигини ҳавола қилдим. Абдуллахоннинг обидаларни бузиши тўғрисида нақллар бўлганидек, тузиши хусусида ҳам жим ўтилмаган. Самарқанд ва Шахрисабз иморатлари фишлари Бухорога ташиб кетилганлиги кейинги давр манбаларида жўр бўлиб айтилади. Улар маълум ва ортиқ турлаш ҳожат эмас. Билмаганларни билиш эса фарз. Билмай туриб,

ўзгалар айтган ҳукмларни түтиқушдек та-
крорлаш хосиятсиз машғулот. Абдуллахонни
улуглаш ҳатто Амир Темур ҳазратлари син-
гари «соҳибқирон» деб аташ ҳоллари бўлган.
Унинг «минг бир иморат, кўприк, сардоба,
йўл, работлар» қурдиргани ҳақида афсоналар
тўқилган. Сомон ғарамидан буғдой донасини
топмоқ – дононинг иши. Тарих шундай фикр-
лар, қарашлар, нақллар ғарами.

«Шарафномаи шоҳий»ни мутолаа қиласроқ,
Абдуллахон (1533–1598) ва унинг Шаҳрисабз
учун олиб борган курашлари, бу вақтда юз
берган қамаллар ҳақида маълум тасаввурга
эга бўлиш имкони туғилади. Бир нарсага амин
бўлдимки, Абдуллахоннинг ўзи ҳам қамал қил-
ган, Шаҳрисабз қалъаси сув хандақини бир
сафар шоҳ-шабба билан тўлдириб, мудофаа-
ни синдирган. У ҳар сафар кўп сонли Шайбо-
нийзодалар билан ҳар бир мавзе учун талаш-
ган, уларнинг қаршилигини куч билан қай-
тарган. Шаҳрисабзни, унинг улуғ иморатлари-
ни Самарқанддан, Тошкентдан босиб келган
жангари қариндош-уругидан ҳимоя қилишга
кўп куч сарфлаган. Оқсанорай ва қалъа девор-
ларининг шикаст топиши, шундай хulosага
кедимки, Абдуллахондан, кўпроқ Абулхайр
сингари талончи Шайбоний султонлар кирди-
корлари билан боғлиқ. Нега энди, «Абдуллано-
ма» асарига, муаррихнинг бу ҳақда юқорида
келтирганим сўзларига эътибор қилинмас-
лиги керак? Талончи уруғ-аймогининг касри
Абдуллахонга урган, деган қарорда тўхталдим.

Бу Абдуллахонга ён босиш ёки уни ёқлаш, деганим эмас. Ҳофиз Таниш Бухорий 1568 йилда Абулхайр султон билан бўлган жангда қалъа девори ва Оқсаройнинг айрим жойлари бузилганлигига шама қилган. Оқсаройга етган заар, Абулхайр султон сипоҳийлари топтаган гумбаз, куббаларнинг сирли кошиналари кўчган, қисман рахна тушган жойлар бўлганлиги эҳтимол. Бу кейинчалик тўқилган нақлларда биратўла Абдуллахон бўйнига юклана бошланган. Ҳарнечук, Оқсарой деворлари, пештоқ, гумбази қулаш, нураш касофатларидан ҳоли бўлганки, шу важдан Ҳофиз Таниш Бухорий, 1569 йилда Абдуллахоннинг биргина бузилган қалъа деворларини тузатишга амр қилганлигини айтиб ўтади.

Оқсарой мозийда олис йўл босди. Унинг йўли шонли ва шавкатли бўлганидек, фурбатли ва маҳзун, мунгли бўлганлигини унутиб бўладими? Сулолалар жангги, бошбошдоқлик, нафс, ўзибўларчилик, энг ёмони, парчаланиш, марказлашган, қучли давлатни хомталаш қилиш, бўлакларга бўлиб идора қилиш, торфеълик, калтабинлик, келажакни, халқни, миллатни ўйламаслик, тамаддунни ҳурмат қилмаслик иллатлари моддий неъматлар офати ҳам бўлганлигига эди. Оқсарой сулолалар ва бир ҳукмрон уруғнинг ўзаро қарама-қаршиликлари, бирикмаслиги жабрини чекди. Охир-оқибатда, ички ишларга Россия империяси аралашди ва ҳарбий кучлар билан элни, элнинг фурури – тамаддун қуббаси бўлган Оқсаройни

емирди. Қолганини мустабид советлар истибдоди охирига етказди – 1920 йил 24 декабрда бошланган советларга қарши халқ қуролли исёенини қонга ботириш чофида гүё маёқдек кўзга ташланиб турган Оқсаройга ёпирилиб хужум қиласидар. Бенбин каби касофатлар замбаракдан унинг муazzам, кўркам танасига аямасдан ўқ узадилар.

Оқсарой ўз умрида Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларини, у Зотнинг ҳарамлари ва яқинларини, Шоҳруҳ Мирзони, Улуғбек Мирзони ўз бағрига олган улуғвор кошона сифатида шуҳрат қозонган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Оқсаройда ҳаётининг танг кунларида бир неча вақт турган эди. Мен ўзимдан кўшимича қилиб, Оқсаройни 1465–1469 йиллар ичиди Алишер Навоий ҳазратлари ҳам томоша қиласан, дегим келади. Шу йилларда Самарқандда истиқомат қиласан буюк шоир «Ҳамса» достонининг «Сабъай сайёр»ида Кешни, унинг муҳташам саройини тасвирлаган.

Шайбонийзодалар, кенагас Валламийлар... Кўплар келиб кетди. Оқсарой Амир Темур ҳазратлари ният қиласидек, нисбату даражасидан қатъи назар, бегу хонларга бошпана, ҳокимликнинг маъмурий-бошқарув биноси вазифасини адо этиб келди. Бу XX аср бошларида ҳам шундай эди. Муаррих Мирзо Салимбек «Тарихи Салимий» номли китобида 1913 йилда Бухоронинг сўнгги ҳукмдори Саййид Амир Олимхоннинг Оқсаройга қиласан ташрифини ёзиб, тарихда қолдирган эди. Мирзо Салимбек

бу ҳақда «У Шаҳрисабзга келди ва саодатли Амир Темур Кўрагоннинг (Аллоҳ таоло унинг қабрини нурга тўлдирсин ва охиратини обод қилсин) қароргоҳи Оқсаройни кўздан кечирди», дейди мамнуният билан. Сайийд Амир Олимхоннинг Оқсарой ташрифи улуғ меъморчилик кошонасига сўнгти эҳтиром бўлган эди. Орадан етти йил кечиб (1920), Қизил салтанат ҳукмронлиги бошланди ва пролеткульт тарихий тамаддунга қарши жазавага тушиб, но-дир асарлар билан бир қаторда, муҳташам саройларга, қасрларга, масжиду мадрасаларга ўт қўя бошлади.

74 йил оғир оқибатлар қолдирди. Шаҳрисабз ҳисоридан эндиликда из ҳам қолмади. Оқсарой меъморий мажмуаси узоқ вақтлар катта-кичик салтанатлар чорраҳасига айланниб қолган эди. Пештоқ ёнида тикланган ўрда ҳам қамоқхонага айлантирилган, кейин эса бузиб ташланган, фақат қўш чўққидек бўлиб, пештоқнинг икки ён қаноти сақданиб қолган эди. Бугунги авлодларга мумтоз меъморий меросдан – салобатли, ҳашаматли Оқсаройдан шу насиб этди.

* * *

Ватанимиз мустақиллигидан фахр туймай бўладими? У бизни олис аждодларимиз билан юзма-юз қилди, яқинлаштириди, қадриятларни тиклади. Тарихимизга битмас-туганмас муҳаббат, хурмат уйғотди. Улуғ арбобларни, алломаларни, шоиру адиларни, маънавияти-

мизни мукаммал қайтарди. Тарихий шахслар, ижодкорлар ардоқланди, шаҳарлар озодлик насимидан зийнатланди, жаҳоншумуллигини тиклашга мұяссар бўлди. 2500, 2700 йиллиги жаҳонга довруқ солиб нишонланган шаҳарларимиз озми? Шаҳарларга, диёrimизга кўрк бериб турган меъморий мажмуаларнинг таъмир этилиши (қайта қурилиши) ҳайрат ва ибрат рамзиdir.

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига багишланган тантанали маросимда (2002 йил 1 ноябрь) Республикализ Президенти Ислом Каримов Шаҳрисабз меъморий обидалари ҳақида шундай сўзларни таъкидлаб айтган эдилар:

«Мана шу заминда қад кўтарган, етти иқлимга маълум ва машҳур Оқсарой, Дор ус-саодат, Дор ут-тиловат, Кўкгумбаз каби муҳташам обидалар ва бошқа бетакрор меъморий ёдгорликлар, шу тупроқдан топилган ноёб осори-атиқалар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлади».

Шаҳрисабз қиёфасини бугун таниш қийин. Шаҳар кўксини меҳр-ла ростлаб, ялангтўш паҳлавон янглиғ оламга мағрур боқиб турибди. Оқсарой олдида Амир Темур ҳазратлари юрга, элга тасанно айтиб, бугуннинг бахтиёр авлодларига, «келажакка шаҳдам одимлайверинг», деяётгандек, оқ фотиҳа тилаётгандек. Ортда эса Оқсарой «Элим бор, посбоним бор, озод Ватаним бор, тақдиримдан, баҳтимдан мамнунман», деб такрор-такрор айтаётгандек...

ХОТИМА ёхуд Оқсаройнинг иккинчи умри

Мустақиллик йилларида диёримизнинг шаҳар ва қишлоқлари сингари, жавоҳир Шаҳрисабз бекиёс даражада кўркамлик ва бағрикенглик касб этди. Бу табаррук мавзега қадимдан улуғлар назари тушган. «Илм ва адаб қуббаси» нисбаси билан донг чиқарган Кешнинг довруғи ҳар қачонгидан кўра, бугун баралла таралмоқда. Шаҳрисабз қиёфасига киритилаётган олижаноб таҳрирлар унга замонавийлик руҳи билан бирга, ўзига хослик хусусиятларини бахшида этмоқда. Оқсарой ва унга тулаш майдонлар бир вақтлар баҳайбат ҳисор эгаллаб турган ҳудуддан каттароқ доирада обод қилинмоқда. Замонавий шаҳарсозлик қадим меъморчилигимизнинг энг яхши анъаналарини изчиллик билан давом эттираёттир. Бундай бағрикенглик, орасталик, бўстонлик доимо орзу бўлиб келган. Оқсарой ва Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали мумтозлик ва уйғунликнинг энг ноёб намунасиdir. Эътибор қилган киши, ёинки сайёҳ, бундан теран маъно туяди. Шаҳарда, Оқсарой теграсида обод этилаётган 82 га. майдон, яратилаётган сайлгоҳ, боғ-рөгман зараси беназир бўлади.

Шаҳрисабзга ҳар сафар йўл олсан, табаррук ва муқаддас Зиёратгоҳга бораётгандек сезаман ўзимни. Шаҳарнинг таровати, қадимдан келаётган таъриф-тавсифи унинг бошқачалигини, тупроғига авайлаб қадам босиш кераклигини уқтириб тургандек бўлаверади.

Шаҳрисабзининг ҳар қарич тупроғида тарих яширин, тамаддун кўмилиб ётирилди. Бу ҳақда ҳали кўп ёзилади, хўб ёзилади. Оқсаройнинг қисссаси нечоғлик фузун ва маҳзун бўлганидек, унинг бутуни ва эртаси шунчалик ойдин ва шарафлидир. Қаранг-а, 1913 йилдан кейин олиймақом илтифотлардан четда қолиб кетган Шаҳрисабз ва Оқсаройга мустақиллик йилларида кўрсатилган эҳтиром унинг қаддими қанчалар сарбаланд қиласиди, ахир!

Шаҳрисабзга, Оқсаройга улуф назарларнинг тушиши, шубҳасиз, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз шаъни туфайлидир. Улуф бобомиз ардоқقا мушарраф этилдими, у буюк Зотнинг исми шарифи билан боғланадиган каттадир-кичикидир осори-атиқа эҳтиромга чулғаниши табиий бир ҳол. Бундай ҳолни ўтмишдан, мустабид тузумдан кутиб бўлармиди? Йўқ, асло. Амир Темур ҳазратларига, Оқсаройга, меъморий мажмуаларга бериладиган тенги йўқ эътибор ўзбек халқимизга, миллатимизга; унинг даҳоси ва закосига бўлган эҳтиромнинг олий кўринишидир.

Оқсарой мустақиллик йилларида чинакамига иккинчи умрини яшамоқда. Бизга қадар сақланиб қолган обида вужудини шу туришида эҳтиётлаш чоралари кўрилган. Бу олқишига лойиқ. Шуларни идрок қиласароқ, бир таклиф хаёлимда кўпдан етилиб келганлигини айтишини лозим топдим. Бугун Ўзбекистон Республикаси қудрати жаҳонга маълум. X-XV асрларга оид ўта хароба ёдгорликларни қайта қуриш

– таъмирлашда эришилган тажриба, малакага Шарқ ҳавас билан қарайди. Ўйлаб қоламан, Оқсаройнинг икки гулдаста миорали қисми-ни кўтариш ва пештоқни тиклаш, гумбазни ўрнаштириш мутлақо мумкин. Бу, табиийки, маشاққатли меҳнат, аммо ўзини оқдайдиган шукуҳ, жасорат, ҳиммат бўлур эди. Шундай бўлишига ишонгим келади. Маънавиятга, ўт-миш тамаддунининг шоҳ асарларига бўлган меҳр ва сарфланган маблаф сира-сира зое кетмайди.

Оқсарой... Ўз номи билан эзгуликка йўғрилган, олижаноб, бағрикенг кошона. Унга нигоҳ соладиганлар, битиклари мағзини чақадиганлар оқкўнгил кишилар бўлади. Оқкўнгил инсонлардан эса, ҳамиша яхшилик кутиш тажрибаларда кўп кузатилган. Оқсаройга келадиганлар, юртдошимми ёхуд сайёҳми оқ-кўнгил бўлишларини, буюк меъморий санъат асарини ҳайрат ва завқ ила томоша қилишларини, халқимиз қудратига қойил қолишларини абадий истак, деб биламан.

*24 май – 20 июль, 2015 йил,
Қарши – Шаҳрисабз – Қарши.*

АДАБИЁТЛАР

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., «Маънавият», 2008.

Ислом Каримов. «У кунларни ҳеч қачон унутмайман...» Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқ. 2002 йил 1 ноябрь. Қаранг: Ислом Каримов. Избранный нами путь – это путь демократического развития и сотрудничества с прогрессивным миром. Т. II., – Т., «Ўзбекистон», 2003.

Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. – Т., «Фан», 1969.

Академик В.В. Бартольд. Сочинения, ч. 2, – М., «Наука», 1963.

Академик В.В. Бартольд. Сочинения, ч. 2, – М., «Наука», 1964.

Академик В.В. Бартольд. Сочинения, ч. 3, – М., «Наука», 1965.

Академик В.В. Бартольд. Сочинения, ч. 4, – М., «Наука», 1966.

Академик В.В. Бартольд. Сочинения, ч. 7, – М., «Наука», 1971.

Академик В.В. Бартольд. Сочинения, ч. 8. – М., «Наука», 1973.

Амир Темурга армутон. 660 йил. – Қарши, «Насаф», 1966.

Амир Темур ва Темурийларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни. Илмий-назарий конференция материаллари. – Т., 2006.

Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида. – Т., 1996.

- А. Чариев, М. Ачилов. Кашкадарьинская область, – Т., 1974.
- Абдурахман-и Тали. История Абулфейз-хана. – Т., 1959.
- Г.Я. Дресвянская, С.Б. Лунина, Х.С. Султанов, З.И. Усманова. – Шахрисябз, ч. 1-2, – Т., 1993.
- Г. Пугаченкова. Термез. Шахрисябз. Хива. – М., 1976.
- Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т., «Шарқ», 2002.
- Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т., 1960.
- Ибн ал-Асир. Ал -камил фи-т-тарих. –Т., 2006.
- Л.Ю. Маньковская. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Т., 1979.
- Мирза Абдулазим Самий. Тарихи салатини Мангития. – М., 1962.
- Мир Муҳаммед Амин-и Бухари. Убайдулла-наме. – Т., 1957.
- Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний. – Т., 2011.
- Муҳаммадёр ибн Араб Қатағои. Мусаххир ал-билод. – Т., 2009.
- Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-тавориҳ. – Т., 2010.
- Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашиди. – Т., 1996.
- Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т., 1989.
- Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. – Т., 2009.
- Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т., 1996.
- Нарзулла Аҳмедов. Амир Темур. Ривоят ва ҳақиқат. – Т., 1996.

- Оқсарой. – Т., 1976.
- Поён Равшанов. Қашқадарё: истиқдол арафасида (1986–1989). – Т., 2003.
- Поён Равшанов. Адабий саҳифалар. – Т., 1985.
- Поён Равшанов. Шаҳрисабз тарихи. – Т., «Янги аср авлоди», 2011,
- Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар), – Т., 2010.
- С. Захаров, Н. Ҳикматов. Шаҳрисабз. – Т., 1979.
- Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т., 1996.
- Тўра Нафасов. Қашқадарё қишлоқномаси. – Т., 2009.
- Улуғ ўзбек шоири. Мақолалар тўплами. – Т., 1948.
- Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т., 1990.
- Хильда Хукхэм. Етти иқлим султони.– Т., 1999.
- Шаҳрисабз. Минг йиллар мероси. – Т., «Шарқ», 2002.
- Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. – Т, «Шарқ», 1997.
- Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Т., «Шарқ», 1998.
- Хофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланома (Шарафномайи шоҳий), 1-2 жилдлар, – Т., «Фан», 1966, 1969.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
Оқсарой меҳригиеши	6
Қадим ва хайрли ном	16
Оқсаройгача бўлган ўн ийл	25
Захира идора сароий	50
...Тарҳи тоза бўлгай	73
Кошона таровати	84
Тиник ва губорли нисбатлар	101
«Оқсарой»нинг талқини	112
Амир Темур Оқсаройда яшаганми ёхуд	
Олиймақом ташрифлар	116
Оқсарой шонлари ва мунглари	126
Абдуллахон ва Оқсарой	153
Хотима ёхуд Оқсаройнинг иккинчи умри	164
Адабиётлар	167

Тарихий-оммабол нашр

ПОЁН РАВШАНОВ

ОҚСАРОЙ ТАРИХИ

Мұхаррір
Гавқар МИРЗАЕВА

Бадиий мұхаррір
Үйғун СОЛИХОВ

Мусаҳҳих
Мадина МАҲМУДОВА

Техник мұхаррір
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖҮРАБЕКОВА

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 27.01.2016 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 5,37. Шартли босма тобоги 9,03.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофози.

Адади 2000 нусха. Буюртма 30.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 129-09-69, 129-09-71.

Маркетинг бўлими – 128-78-43. факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru